

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И. И. Хувайтов, В. Г. Кан

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Х. Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг десертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотнома-си»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «VNESHINVESTPROM» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

Босишга рухсат этилди 03.07.2014.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНING АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2014 йил, 2-сон

МУНДАРИЖА

Долзарб мавзу

Актуальная тема

Икрамов Ш. Т.

Профилактика хизматидаги ислохотлар: ҳуқуқий негизлар, амалий натижалар, истиқболли режалар.....3

Ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликни
такомиллаштириш

Правовые реформы и совершенствование
законодательства

Худойбердиев А. К., Тўраев А. П.

Ўзбекистон Республикасида Парламент назоратини жорий этишнинг аҳамияти12

Тулътеев И. Т.

Институт парламентских расследований и перспективы его развития в Узбекистане.....16

Бердияров Ш. Н.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларига доир баъзи фикрлар.....20

Қобилов Ш. Р.

Таълим-тарбия масаласи «Соғлом бола йили» давлат дастурининг устувор вазифаси ва йўналиши.....24

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат
хавфсизлигини таъминлаш муаммолари

Проблемы профилактики правонарушений
и обеспечения общественной безопасности

Зиёдуллаев М. З.

Худудий профилактика инспекторлари фаолиятида учраётган муаммолар ва уларнинг ечимига доир айрим мулоҳазалар.....30

Отажонов А. А.

Жиноятда иштирокчиликнинг тури сифатида ташкилотчининг жиноий-ҳуқуқий белгиларини тавсифлашга доир масалалар тўғрисида.....38

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера
И. И. Хувайтов, В. Г. Кан

Дизайн и верстка
Д. Х. Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «VNESHINVESTPROM». г. Ташкент, ул. Лангар, д. 78.

Подписано в печать 03.07.2014.

Заказ №

© Академия МВД
Республики Узбекистан, 2014.

<i>Тургунов У. Т.</i>	Вопросы обеспечения законности на стадии предварительного следствия.....	44
<i>Шакуров Р. Р.</i>	Уголовный закон - основа правовой оценки совершенного преступления.....	47
<i>Холмўминов Ж. Т.</i>	Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларни олдини олишнинг ҳуқуқий асоси.....	53
<i>Иминов А. А., Кадиров Ф., Жаматов М. Х.</i>	Ички ишлар органлари фаолиятидаги айрим масалаларнинг оптимал ечимларини аниқлашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланиш.....	61
Маънавият ва ҳуқуқий тарғибот		
Духовность и правовая пропаганда		
<i>Раззоқов Д., Бобоев А. А.</i>	Миссионерлик фаолиятининг маънавиятимизга таҳдиди ҳақида.....	66
<i>Шойжигитов А.</i>	Ички ишлар идораларида бошқарувни ахборот билан таъминлаш: аҳамияти, вазифалари ва ўзига хос жиҳатлари.....	70
Давлат ва ҳуқуқ тарихи		
История государства и права		
<i>Нарбеков А.</i>	Мирзо Улуғбекнинг давлат бошқарувидаги қарашлари.....	75
Ёш олимлар минбари		
Трибуна молодых учёных		
<i>Якубов С. А.</i>	Современное состояние противодействия торговле людьми в Республике Узбекистан.....	80
<i>Бутунбаев Т. Н.</i>	О назначении экспертизы при расследовании преступлений в сфере информационных технологий.....	85
<i>Тўлаганова С. О.</i>	Ўзбекистонда аграр ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ва уларнинг яратилиши.....	89
Иқтидорли тингловчилар саҳифаси		
Страница одарённых слушателей		
<i>Хушвақтова Н.</i>	Фирибгарлик жинояти ва унинг ҳуқуқий оқибатларига доир айрим фикрлар	93

Ш.Т. Икромов*

**ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗЛАР,
АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР**

Бугун биз халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечи- раётган, авваламбор, ўз куч ва имконият- ларига таяниб, демократик давлат ва фуқаро- лик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган тарихий бир даврда яша- моқдамиз.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисо- дий ҳаётида юз бераётган барча ўзгариш ва янгиликларда, юксалишларда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ўзига хос ўрни, ҳиссаси бор, албатта. Улар бошқа ҳуқуқ-тар- тибот органлари билан ҳамкорликда эл-юрт осойишталиги ва тинчлигини таъминлаб, хал- қимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаат- ларини ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳ- бари Ислом Каримов томонидан мамлақати- мизда ички ишлар органлари тизимда олиб борилаётган ислохотлардан «фуқароларни ва жамиятни террорчилик, кўпуровчилик хуружи- дан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизимни шакллантириш, ички ишлар органла- рини шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айланти- риш»¹ мақсад қилиб қўйилди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда мавжуд эскирган тузилмаларни замон талаблари асосида қайта кўриб чиқишга катта эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳ- бари Ислом Каримов Иккинчи чақирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислох этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳ-

камлаш, жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш орган- лари, биринчи навбатда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш, маҳалла қўмиталари- нинг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ғайриқонуний хатти- ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувват- лаш, фуқароларнинг жамоат тартиби ва ўз шахсий хавфсизлигини сақлаши уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, теварак-атрофида рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боғлиқ эканини одамлар онгига етқа- зиш ўта муҳимдир деганда, ички ишлар орган- лари фаолиятини такомиллаштиришни назар- да тутган эди².

Чунки мустақилликнинг дастлабки кунла- ридан бошлаб юртимиз тинчлиги ва осойиш- талигини кўра олмайдиган ёвуз кучлар борлиги ҳамда уларнинг миллий қадриятларимизга, мустақиллигимизга таҳдид солишга ҳаракат қилаётганлиги ҳар бир фуқародан огоҳ бўлиш- ни, давлат органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳо- фаза қилувчи органлар, шу жумладан ички ишлар органларидан ўз фаолиятини мунта- зам такомиллаштириб боришни тақозо этар эди.

Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноят- чиликка қарши кураш, хусусан, унинг олдини олиш соҳасидаги ислохотлар ички ишлар органлари тизимидан бошланди. Бунда:

биринчидан, жамиятда, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш тизимининг

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси бошлиғи.

замон талаблари даражасида бўлмаганлиги;

иккинчидан, аҳоли турар жойларида кеча-ю кундуз узлуксиз жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланганларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими ташкил этилмаганлиги;

учинчидан, бевосита аҳоли турар жойларида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи ва бу соҳада барча йўналишлар бўйича хизмат олиб борувчи ички ишлар идоралари турли хизматлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги;

тўртинчидан, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни, айниқса, ички ишлар идораларига ёрдам беришни хоҳлаган фуқароларни жалб этиш ва улар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги соҳада кенг қамровли ислохотлар ўтказишни кун тартибига қўйди.

Тошкентда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 1999 йил 12 апрель қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизимининг фаолият йўналиши бўйича кўпқиррали, миқдори жиҳатдан энг кўп, аҳоли ўртасида у билан ёнма-ён туриб хизмат олиб борувчи марказий субъект бўлган ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ профилактика хизмати тизимида ўтказилган ислохотлар бир нечта босқичларда амалга оширилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори асосида Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида профилактика инспекторлари раҳбарлигида кенг жамоатчилик жалб этилган ҳолда аҳоли турар жойларида кеча-ю кундуз фаолият юритувчи ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини ҳисобланган, мазмун ва моҳияти бўйича янги

шаклдаги милиция таянч пунктлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелда қабул қилган «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар», «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли қарори асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида махсус ваколатларга эга бўлган «Махсус комиссиялар», «Маҳалла посбонлари» ва «Яраштириш комиссиялари» фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этишнинг самарали тизими яратилди.

Юртбошимиз томонидан жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, аввало, ички ишлар органларининг қуйи бўғини бўлмиш профилактика хизматини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ушбу соҳа ходимлари асосан аҳоли ўртасида фаолият юритиб, фуқароларнинг юриш-туриши, оилавий аҳволи, нима ишлар билан машғул эканлигини яхши билади. Бу эса ходимнинг ўзи хизмат қилаётган ҳудудда кримноген вазиятдан доимо хабардор бўлиб туриш ва зарур ҳолларда тегишли чоратадбирлар кўриш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида аҳолига энг яқин бўлган профилактика хизматида давлатимиз раҳбарининг юксак эътиборининг қуйидаги фикрларида ўз ифодасини топган: «Бизларда гузарлар қурилмоқда, энди маҳаллаларда жой пайдо бўлмоқда. Қаерда ўтириш, йиғилиш, мажлис ва ҳар хил тадбирларни ўтказиш, керак бўлса, маросим, тўйларни ва шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш имконияти пайдо бўлмоқда. Лекин айтинглари, профилактика инспекторимиз фаолият кўрсатиши учун маҳаллада жойи аниқми? Йўқ. Маҳаллада бирор воқеа содир бўлса, одамлар қаерга бориб профилактика инспекторини топади. Ёки бирор воқеанинг олдини олиш

учун «профилактика инспектори» деган одам ўз кучи билан, керак бўлса, ўзига берилган ваколат билан ишлаши керакми? Шунинг учун топшириқ берилди. Икки-уч ой мобайнида ҳар бир маҳаллада профилактика инспекторининг алоҳида хонаси бўлиши керак. Алоҳида телефони бўлиши шарт ва керакли шароитни яратиб беришимиз керак. Нега деганда, кимнинг уйида телефон бўлса, профилактика инспекторига телефон қилади, уйида телефони бўлмаса, чопиб борганда у ерда масъул ходим бўлиши керак. Масъул ходим барча воқеадан хабардор бўлиб туриши шарт». Президентимизнинг бундан 13 йил муқаддам билдирган ушбу фикрлари профилактика хизматини янги сифат босқичига кўтариш мақсадини кўзда тутган эди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ислон Каримов: «Бир вақтлар бизлар «дружиналар» тўғрисида гапирардик. Мен «дружиналар»га қаршиман. Лекин, ўйлайманки, маҳаллаларда маҳалла оқсоқоллари профилактика инспекторларига ёрдам берсалар, ҳар қайси профилактика инспектори жойлашган бинони атрофида спортчилар, ёш, кучли, инсофли, мард йигитлар тўпланиб, ўз маҳалласининг тартибини қўлга олса бўлмайдами?»

Шундан кейин жиноят содир этишга мойиллар ҳам кўрқиб қолади. Керак бўлса, бир уйда, хонадонда жанжал бошланса, маҳалла оқсоқоли, фаоллари профилактика инспектори билан биргаликда келиб шу жанжални адолат билан бартараф этиши керак.

Мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалла, энг олис, чекка қишлоқ ва овуллариғача, халқ билан ишлайдиган, унинг дарду ғамига ҳамдард, қувончу ташвишига шерик бўлишга қодир профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига эришиш зарур», деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, соҳада амалга оширилган ислохотлар жиноятларнинг ҳар қандай кўринишларини давлат, жамият ва халқ учун хавф туғдирадиган ҳар қандай ҳолат ёки ҳаракатни зудлик билан фож этишга, уларнинг олдини олишга, мамлакатимизда тинчлик ва осудаликни таъминлашга қаратилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, 2001 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш

тўғрисида»ги фармони қабул қилинди ва бу ички ишлар соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Унда ички ишлар органлари тизимидаги камчиликлар ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, бир сўз билан айтганда, ички ишлар органлари олдида турган долзарб вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Тошкент шаҳрида ички ишлар органлари профилактика тизимида амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бера бошлагач, уни бутун республика ички ишлар органлари тизимида ўтказилишига, яъни ислохотларнинг иккинчи босқичини бошлашга қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда ИИВ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги 2001 йил 6 июнь қарорига кўра, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида ва энг чекка аҳоли яшайдиган жойларида ҳам халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, ғами ва ташвишлари билан яшайдиган профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига асос солинди. Бундан кўзланган асосий мақсад – маҳаллаларда профилактика инспекторлари сонини кўпайтириш, маҳалла аҳли билан ишлаш, маҳаллага таяниш, халқ ичига кенгроқ кириб боришдан иборат эди. Президентимиз таъкидлаганларидек, «токи халқ олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилсин ва «бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспектори етиб келди», деб гапирадиган бўлсин. Шундагина биз ислохотлар ўз самарасини бераётганлигини аниқ ҳис этамиз».

Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари амалий аҳамиятга эга. Чунки ушбу меъёрий ҳужжатларда милиция таянч пунктлари:

биринчидан, шаҳар ва қишлоқ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминловчи асосий қўйи бўғин эканлиги;

иккинчидан, милиция таянч пунктлари ишларига шаҳарда профилактика хизмати,

қишлоқ жойларда профилактика катта инспекторлари раҳбарлик қилишлари;

учинчидан, профилактика инспекторлари ўз ишини милиция таянч пунктида жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, тергов аппаратлари, патруль-пост, йўл-патруль ва ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа жамоат тузилмалари, ташкилот, муассаса ва корхоналар билан узвий ҳамкорликда ташкил этиши;

тўртинчидан, милиция таянч пунктлари ёшларнинг бўш вақтларини ўтказадиган, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни самарали ташкил этадиган маскан бўлишига, шунингдек ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги белгиланган.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, қолаверса, мазмун ва моҳияти бўйича бутунлай янгидан ташкил этилган милиция таянч пунктларини, биринчидан, ҳар қандай вақтда ва ҳолатда ҳам ёрдамга муҳтож бўлган фуқарога амалий ёрдам кўрсата оладиган, иккинчидан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган, учинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил эта оладиган, тўртинчидан, ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари ва аҳоли билан узвий ҳамкорликда фаолият юритишига барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган масканга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 16 май қарори қабул қилинди.

Юқоридаги келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти янада такомиллаштирилди, янги техник воситалар билан таъминланди, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш ишлари, ходимларнинг ўзаро ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликлари янада яхшиланиб, уларнинг янги механизмлари ишлаб чиқилди. Милиция таянч пунктларининг замонавий

фаолият юритиш тартиби белгиланди ва амалга оширилди.

Турли диний-экстремистик оқимларнинг террорчилик ҳаракатларини, уюшган, айниқса, халқаро уюшган жиноий тузилмаларнинг эса одам савдоси билан боғлиқ ўз жиноий мақсадларини амалга оширишларининг олдини олиш, жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган қисми – хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 май фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2004 йил 29 июнь қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фуқаролар йиғинлари қошида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар, жумладан экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашгани ва жиноят қилгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар оилалари билан алоҳида ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, шунингдек маҳаллаларнинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар – турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби муаммолар юзага келишининг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш уларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Айни вақтда, республикада фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан диний-экстремистик оқимларга мансуб шахсларнинг оилалари ўрганилиб, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш

органлари билан узвий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлиги ошиб бормоқда. Участка милиция инспекторлари негизида профилактика инспекторлари институтининг, ҳар қайси маҳаллада милиция таянч пунктларининг ташкил этилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш борасидаги ишларни кучайтириш, мамлакатда криминоген вазиятни, муҳитни барқарорлаштиришни таъминлашга имкон берди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов 2001 йил 26 сентябрь куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида “Биз соғлом авлод тарбияси ҳақида, ёшларимизнинг вақтини бекор ўтказмаслиги ҳақида кўп гапиримиз. Айтайлик, ўқувчи тушдан кейин мактабдан келиб кечгача бўш қолади. Ота-она ишда. Хўш, у нима қилади? Табиийки, зерикади, кўчага чиқади.

Бола кўчада зарарли таъсирларга тушиб, ҳар хил гуруҳларга қўшилиб қолмаслиги учун биз ўз фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишимиз, уларни қўшимча ўқиш, касб-ҳунарга ўргатиш, спорт билан банд қилишга алоҳида ва доимий эътибор қаратишимиз даркор.

Бундай муаммоларни ечишда ички ишлар ходимларининг, аввало, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг хизмати ва масъулияти катта бўлиши зарур.

Шуни таъкидлаш керакки, «Маҳалла посбонлари» жуда катта иш қиляпти.

Тинчлигимизни сақлаш бўйича жон куйдириб фаолият кўрсатаётган йигитларимизга ҳар қанча ташаккур айтсак арзийди. Шаҳарда профилактика ишини олиб бораётган инспекторлар фаолиятини ҳам кенг тарғиб этиш, матбуот, телевидение орқали кўрсатиш керак.

Шунингдек, гиёҳвандлик иллатларининг олдини олиш бўйича кўп иш қилишимиз, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари ишида расмийликдан воз кечиб, уларнинг халққа янада яқин бўлишига эришиш лозим» деб таъкидлар экан, профилактика хизмати ва жамоат ташкилотларининг тинчлик, осойишталикни таъминлашдаги ҳамкорлиги ва жиноят содир этилишининг олдини олишдаги ролини юксак баҳолайди, уларнинг амалга

ошираётган ишларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш, тарғиб қилиш кераклигига алоҳида урғу беради.

Профилактик ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда жамоат тартибини сақлашда «Маҳалла посбони» каби ноёб ижтимоий тузилма муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ташкил этилган ушбу тузилма аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 3712 та милиция таянч пунктлари таркибида 8 минг нафардан ортиқ маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори ва 50 минг нафардан ортиқ унинг аъзолари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 8 минг нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, 10 мингга яқин яраштирув комиссиялари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик бугун амалда ўзининг самарасини бермоқда.

Милиция таянч пунктлари қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатиш, спорт секциялари инфратузилмалари аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали омили бўлиб хизмат қилмоқда. Соҳада эришилаётган ютуқларнинг тамал тоши XXI асрнинг бошларида қўйилганлигини эслаш жоиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табригида: «Профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор»³, деб таъкидлаган эди.

Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмасидан келиб чиқиб, бугунги кунда профилактика инспекторларининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларнинг хизмат шароитини яхшилаш давлатимиз диққат марказида. Шу боис жойлардаги милиция таянч пунктлари қайта қурилмоқда, таъмирдан

чиқариляпти, янгидан бунёд этилиб, замонавий мебеллар, алоқа воситалари, транспорт, компьютер жамланмалари билан таъминланмоқда. Айти кунларда мамлакатимизда 3712 та милиция таянч пунктлари шаҳарча, қишлоқ, овул, кўрғон ва маҳаллаларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 93 фоизга яқини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода жойлашган. 80 фоиздан ортиқ масканлар қошида спорт майдончалари ташкил этилган. 70 фоиздан зиёд масканлар ҳузурида турли факультатив тўғараклар ишлаб турибди, кичик бизнес шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида 2002–2013 йилларда, мутахассислар таҳлиliga кўра, мамлакатимиз маҳаллаларида жиноят содир этилиши камайишига эришилган. Жумладан, 2002 йилда мамлакатимиз маҳаллаларининг 11,6 фоизда умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 18,6; 2004 йилда – 20,1; 2005 йилда – 23,9; 2006 йилда – 26,1; 2007 йилда – 26,7; 2008 йилда – 26,6; 2009 йилда – 27,1; 2010 йилда – 22,1; 2011 йилда – 22,6, 2012 йилда – 23,6 ва 2013 йилда – 22,3 фоизни ташкил этди⁴.

Яна аниқроқ айтиладиган бўлсак, милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорлиги мустақамланиб бораётгани боис 2013 йилда республикамизнинг 2330 та қишлоқ, овул ва маҳаллаларида жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

Бугунги кунда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида «Яраштириш комиссиялари» фаолият олиб бормоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ярашув институти кечиримлилиқ, бағрикенглик, инсонпарварликнинг юксак намунаси дидир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан юртимизда кўплаб миллий анъаналаримиз тикланиб, янада ривожлантирилмоқда. Инсонпарварликка асосланган эзгу қадриятларимиз миллий қонунчилигимизга ҳам сингдирилган. Ярашув

институти амалдаги қонунларда ўз ифодасини топганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр ичида 150 мингга яқин шахс мазкур инсонпарварлик тамойилидан баҳраманд бўлди. Қолаверса, ярашув институти жамиятда судланган шахслар сонини камайитирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам салбий таъсир ўтказадиган оқибатларининг олдини олиш имконини беради.

Ярашув институти халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, йиқилганни суяш ёхуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби эзгу қадриятларни ўзида мужассам этганлигини ҳар томонлама эътироф этмоқ жоиз. Табиийки, буларнинг барчаси юртимизда бебаҳо неъмат бўлган тинчлик ва тотувликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Хизмати асосан фуқаролар орасида, маҳалла-кўй ичида ўтаётган профилактика инспекторларининг билими ва малакасини ошириш, касб маҳоратини юксалтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқув дала полигонида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъати йиғилишининг 2011 йил 18 ноябрдаги баённомаси қарорининг 17-банди талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, 2012 йилнинг февраль ойидан шу кунга қадар жами 4000 нафардан зиёд шаҳар-туман ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими милиция таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари билан ўқув йиғинлари ўтказилди.

Ўқув йиғинларининг асосий мақсади профилактика (катта) инспекторларининг касбий, хизмат, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини, тажрибасини юксалтириш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаб, уларга профилактик таъсир кўрсатиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изидан» фош этиш борасидаги билимларини, касбий маҳоратини ошириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўқув йиғинларида профилактика (катта) инспекторларининг маънавий савиясини юксалтириш мақсадида «Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш» махсус курсидан ўқув

машғулотлари ташкил этилди. Унда ватанпарварлик, адолат, ҳалоллик, эл-юртга, қасамёдга садоқат, жасурлик ва мардлик фазилатлари ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг асосий мезони эканлиги инobatга олиниб, профилактика (катта) инспекторларининг дунёқараши ва маънавиятини юксалтириш, уларни ҳозирги замон талаблари асосида ва халқимизга муносиб хизмат қиладиган ҳамда жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлайдиган фидойи касб эгалари этиб тарбиялаш мақсади кўзда тутилган.

Табиийки, жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари камайишининг муҳим омиллари сифатида ёшлар, умуман, аҳолининг бўш вақти мазмунли ташкил этилаётганлиги, барча қулайликларга эга инфраструктуранинг яратилаётганлиги, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг тизимли йўлга қўйилганлигини қайд этиш жоиз.

Эътироф этиш лозимки, бунда 2001 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Чунки мазкур танлов асносида яхши натижага эришаётган милиция таянч пунктлари тажрибаси, эришган ютуқлари кенг оммалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқа милиция таянч пунктлари учун намуна вазифасини ўтамоқда. Кўрик танловда нафақат профилактика инспектори, балки ёш авлод ҳимоячиси, обод ва осойишта маҳалла раиси, фидойи маҳалла посбони, маърифатпарвар маслаҳатчи, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси, энг фаол хотин-қизлар кўмитаси раиси, адолатли яраштириш комиссияси, баркамол авлод етакчиси, энг фаол касаба уюшмаси ташкилоти етакчиси ва милиция таянч пунктлари инфратузилмасини ташкиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким номинациялари бўйича ғолибларни аниқлаш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар кишиларнинг юриш-туриши, оилавий аҳволи, нима ишлар билан машғул эканини яхши биладиган профилактика инспектори ролини кучайтиришга, унинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини кўтаришга, аҳоли, айниқса, бир бинода жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса юрт осойишталиги, турмуш ободлиги, тунларимиз ҳадик-хавотирларсиз, сокин, кунларимиз тинч, осуда, мусаффо осмон остида ўтишига мустаҳкам замин яратади, албатта.

Жорий йилнинг 14 май куни Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг етакчи мутахассислари ҳам фаол иштирок этганлигини айтиш жоиз. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди ва солиштирилди. Айрим давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари, қоидага кўра, ягона қонунчилик акти билан мустаҳкамланиб, фаолиятнинг барча жиҳатлари тизимли равишда тартибга солинганлигига эътибор қаратилди.

2014 йил 12 март куни ИИВ Академиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислохотлар: натижа ва истиқболлар» мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Ушбу конференцияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида юсак ютуқларга эришишда тизим субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштирувчи, ушбу соҳани ташкил этишда ягона ёндашувни белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳам иштирокчилар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Анжуманда асосий эътибор қонун лойиҳасидаги янгиликларга қаратилди.

Бундан ташқари, анжуманда қонун лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга кўмак бериш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш каби ҳуқуқларига асосий эътибор қаратилганлиги таъкидланган эди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда мутахассисларимиз томонидан, аввало, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинди. Ўтган йиллар давомида юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жойларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашнинг самарали тизим яратилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бир қатор қонунлар, қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

Мамлакатимиз тарихида илк бор қабул қилинган мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини янада такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутуди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат 7 та боб ва 51-моддадан иборат бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштиришни кўзда тутуди. Айни вақтда, қонун шу мақсадда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимлилигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга солувчи қўллаб ҳуқуқий нормаларни унификация қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қабул қилинган бу янги қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг аввало қонунийлик, инсонварварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги ҳамда таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш каби асосий принципларини ўз ичига олган.

Мазкур қонунда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси каби турларини қамраб олувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали чоралари кўрсатиб

ўтилган, уларнинг тушунчалари ифодаланган. Шунингдек, қонунда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботга, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича чоралар тизими ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси сифатида белгилаб берилган.

Бундан ташқари, қонунда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси сифатида жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан махсус чораларни қўллашни назарда тутувчи алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган фаолият қайд этилган.

Қонунда шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси сифатида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва содир этган шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари мустаҳкамлаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қабул қилинган қонунда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика чоралари тушунчаси ва механизми аниқ ҳамда тўла очиб берилган, бу эса амалиётда мазкур чораларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлайди, шунингдек уларни нотўғри талқин қилиш ҳолатларининг олдини олади.

Шу билан бирга, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури сифатида жиноятлардан жабр кўриши мумкин бўлган ва амалда жабр кўрган шахсларга керакли ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими келтирилган бўлиб, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилганлиги эътиборга лойиқ.

Қонундаги санаб ўтилган янгиликлар, шубҳасиз, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, қолаверса, мамлакатимизда демокра-

тик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади ва фуқароларимизни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан уни чуқур ўрганишни талаб қилади. Бугунги кунда Академияда мазкур қонун мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун нормаларини тўғри ва аниқ қўлланилишини таъминлаш мақсадида қонунга шарҳлар тайёрлаш;

– жинойтларнинг олдини олиш мутахассислиги йўналишида таълим олаётган тингловчилар учун қонун мазмуни акс эттирилган ўқув ва методик материалларни янгитдан ишлаб чиқиш, янги ўқув адабиётлари яратиш;

– малака ошириш йиғинларига келган амалиёт ходимлари учун махсус ўқув курслари ташкил этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўртасида жойларда ўқув семинар-тренинглари ташкил этиш.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан асос солинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида кенг қамровли модернизациялаш жараёнлари изчил амалга оширилмоқда. Мазкур янгиланишлар замирида миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали механизми яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган чуқур ислохотлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг шаклланишида муҳим асос бўлди. Мамлакатда ушбу ислохотлар доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъектлари фаолияти ҳамда қонунчилик базасининг янада такомиллашуви амалга оширилаётган янгиланишларнинг истиқболли эканлигини исботлайди.

Айнан шу йўналишда амалга оширилган туб ислохотлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятнинг шакли, моҳияти, мазмуни ва принципларини ўзгартиришга хизмат қилади. Ҳуқуқ-тартибот органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайтирилиши мамлакатимиз фуқароларининг ҳокимият институтларига ишончи мустақамланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б. 403–404.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 350.

³ Президент Ислам Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // POSTDA. – 2007. – 25 окт.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази ва Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг 2000–2013 йилларга доир статистик маълумотлари таҳлили.

А. Қ. Худойбердиев *,
А. П. Тўраев **

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Жамият ҳаётини ҳуқуқий тартибга соладиган қонунларни ижод этиш ниҳоятда мураккаб вазифа бўлиб, унинг бутун масъулияти қонун чиқарувчи орган зиммасига юклатилади. Аслида, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси худди шу мураккаб вазифани адо этиш учун сайланган, унинг ҳар иккала палатаси халқнинг манфаатларини ифодалаб, унинг иродасини қонун даражасига кўтаришга сафарбар этилгандир.

Таъкидлаш жоизки, миллий парламенти-мизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди»¹.

Ҳозирги кунда парламентнинг қонун чиқариш функциясидан ташқари назорат фаолиятини ҳам амалга ошириши лозимлиги эътироф этилмоқда. Парламент халқнинг вакиллик органи бўлганлиги боис давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари устидан, айниқса, ўзи сайлайдиган, таъсис этадиган ва тайинлайдиган идоралар ва мансабдор шахслар фаолияти устидан муайян *назоратни* амалга ошириши лозим.

Парламент назорати олий қонунчилик органининг жамият ҳаётига таъсир кўрсатишининг энг самарали усулларида бири сифатида демократик давлат бошқарувини таъминлаш воситасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси орқали «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида(32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуни билан Асосий Қонуннинг 78-моддасида парламент назорати институтини илк мартаба конституциявий даражада мустаҳкамланиши тақдир этилди. Бу мамлакатимиз олий қонунчилик органининг ислоҳ қилишда энг катта ютуқларимиздан биридир. Қонунда ҳокимият тармоқларининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимининг энг муҳим тартиб-таомилларидан бири - парламент назоратини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар Олий Мажлис палаталари ва унинг аъзоларининг назорат таҳлил фаолияти натижасида қабул қилинган қарорлар ижросини янада мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 98-моддасига Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган **Ҳаракат дастури**ни тақдим этиши тўғрисидаги қоида киритилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, парламентнинг ҳукумат фаолиятини назорат қилишининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Яна бир мисол, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилади ва унинг ижросини назорат этади (78-м.), ҳукуматнинг тақлифи асосида солиқлар, мажбурий тўловлар ва бошқа молиявий умуммажбурий меъёрларни тасдиқлайди. Республика бюдже-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси.

тининг ижросини муҳокама этиш орқали депутатлар ҳукумат фаолиятига баҳо берадилар ҳамда парламент назоратини амалга оширадилар².

Хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Англияда ҳукумат парламент сайловларидан сўнг ташкил этилади. Жамоалар палатасида кўпчилик ўрин олган пешқадам партия раҳбари Бош вазир лавозимига тайинланади. Унинг маслаҳати билан қиролича бошқа ҳукумат аъзоларини тайинлайди. Ҳукумат парламентнинг қуйи палатаси олдида ҳисобот беради. Мабодо Жамоалар палатаси ҳукуматга ишончсизлик билдирса, у истеъфога кетишга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида (2010 йил 12 ноябрь) шундай деб таъкидлаган эди: «Икки палатали миллий парламентаризмни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди. Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди³.

Давлат раҳбари ташаббуси билан ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди ва 2012 йилдан буён амалга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98 моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Ушбу моддадан кўриниб турибдики, Парламентитимизнинг қуйи палатаси асосан мамлакат ҳукумати ва Бош вазир фаолиятини назорат қилмоқда. Бу эса ҳокимият ваколатларининг мутаносиб тақсимланиши ва ўзаро тийиб туриш принципининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, етакчи ҳуқуқшунослардан бири Ў.Х.Мухамедов: «Мамлакат парламенти ижро этувчи ҳокимият етарли даражада таъсир кўрсатувчи ваколатларга эгадир. Чунончи парламент давлатнинг ички ва ташқи бюджет сиёсати йўналишларини белгилайди, стратегик давлат дастурларини қабул қилади»⁴, – деб таъкидлайди.

Парламент назорати халқ оммаси иродасига таянади ва демократик давлат бошқарувининг муҳим белгиси ҳисобланади. **«Парламент назорати»** – давлат назоратининг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади. Моҳиятига кўра, мазкур назорат ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек парламентга ҳисобдор ёки ушбу орган шакллантирган давлат идораларининг фаолияти устидан олиб борилади. Парламент назорати – бу Олий Мажлис палаталари томонидан қонунларнинг ижроси ва унга амал қилиниши, шунингдек уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши устидан, қолаверса қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган фаолиятдир.

Ҳуқуқий адабиётларда парламентнинг назорат ваколоти қонун ижодкорлиги жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ифодланади. Масалан, француз тадқиқотчиси Б. Шантебунинг фикрича, парламент назорат функцияси орқали ўзининг бирламчи қонунчилик функциясини таъминлайди⁵. Э.Х.Халилов назорат функцияси қонунчилик органи фаолиятининг аниқ мақсадларга эга бўлган муҳим йўналиши эканлигини таъкидлаб, қонунчиликдаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадини ҳам бу мақсадлар қаторига киритади⁶. Зеро, ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориев таъкидлаганидек, қонунларни такомиллаштириш қонунни сифатини яхшилаш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлиб, у қонуннинг нуфузини ошириш устунлигини таъминлашда катта ўрин тутаети⁷.

Ўзбекистон Республикасида парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, парламент палаталарининг қарорлари, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши ҳолати, ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда парламент томонидан тузилган ёки унга ҳисобдор органлар, шунингдек у сайлаган, тайинлаган ёки тасдиқлаган мансабдор шахсларнинг фаолияти парламент назоратининг объеклари ҳисобланади.

Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, у *биринчидан*, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш; *иккинчидан*, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш; *учинчидан*, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; *тўртинчидан*, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; *бешинчидан*, давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш масъулияти, мажбуриятини оширишга бевосита хизмат қилади.

Парламент назорати - қонун чиқарувчи ҳокимият органининг ижро ҳокимияти фаолияти ва унинг мансабдор шахслари фаолияти устидан олиб борадиган назоратидир. Парламент назоратини амалга ошириш қуйидаги бир неча мақсадларни кўзда тутаяди: *биринчидан*, қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва шароитларни аниқлаш; *иккинчидан*, ҳар бир ҳуқуқий норманинг аниқ бир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш; *учинчидан*, қонунлардаги камчиликларни

зудлик билан бартараф этиш; *тўртинчидан*, қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юсак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминлаш.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, парламентнинг назорат функцияси унинг бевосита қонунчилик фаолиятида намоён бўлади. Парламент депутатлари ва қўмиталари қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда мавжуд муаммолар, мамлакат сиёсий ҳаётидаги баъзи муносабатларни муҳокама қилиб, масъул давлат ҳокимияти органлари ишига баҳо берадилар. Аслида қонун чиқарувчи орган парламент назоратини амалга ошириш мақсадида қоидага асосан бир қатор ўзига хос ваколатларга эга бўлиб, ушбу назоратни амалга ошириш учун махсус тартиб-қоидага эга. Ҳукуматнинг ва бошқа давлат муассасаларининг парламент олдида ҳисоб бериш мажбурияти мамлакатларнинг конституцияларида мустаҳкамланган бўлади. Таъкидлаш жоизки, парламентнинг назорат қилиш ваколатлари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларини ташкил қилишнинг демократик тизимидаги муҳим элемент бўлиб, парламент назорати ғоясини жаҳон парламентаризми тараққиётидаги ҳозирги талабларига жавоб берувчи шаклларда амалга ошириш имконини беради.

Парламент назоратининг шакли ва методлари давлат бошқаруви, тузилиши жиҳатига кўра ҳам фарқланади. Парламент ва ярим президентлик бошқарувидаги республикаларда унинг аҳамияти унчалик катта эмас.

Парламент назоратининг асосий усулларига, ҳукуматга бериладиган ёзма ва оғзаки саволлар киради, унинг учун парламент йиғилишларида махсус тартиб (Россияда у «Парламент соати» деб номланади) ва ўзига хос ҳужжатлар мавжуд. Улар бутун палата номидан маълум бир органга юбориладиган парламент сўрови тўғрисидаги масалани ўртага ташлаш, парламент текшируви, ахлоқсизлик резолюцияси кабилардан иборат.

Парламент назорати қонунчилик органига юклатилган давлатларда парламентга нисбатан амалга ошириладиган назорат функцияси доирасида маълум бир шахс ёки муассасанинг ушбу назорат бўйича мажбуриятлари ҳам белгилаб берилади. Уларга парламент ва депутатлик сўровларига белги-

ланган муддатда жавоб бериш, парламент аъзоларининг саволларига жавоб қайтариш, унда палата мажлисларига келиш мажбуриятлари, парламент сўровига барча ҳужжат ва материалларни тақдим қилиш мажбурияти, ишончсизлик билдирилганда истеъфога чиқиш мажбуриятлари киради. Қонунга кўра парламент назорати сиёсий хусусиятга эга. Шу сабабли, бир қатор мамлакатларда маҳкама ҳаракатларини ҳукумат аъзолари томонидан танқид қилишга чекловлар ва унга қарши йўналтирилган муайян ҳаракатлар мавжуддир. Италия, Буюк Британияда ҳукуматнинг жамоавий масъулияти, яъни позициясига кўра, ҳукумат аъзолари унинг қарорларига очиқ қарши чиқа олмайдилар, яъни жамоа палатасида унга қарши овоз беролмайдилар. Баъзан парламент назорати маъмурий хусусиятга эга бўлиб, махсус органлар, яъни ҳисоб палатаси, ҳисоб судлари ва бошқа шу кабилар орқали амалга оширилади. Улар молиявий, молиявий-иқтисодий назоратга тегишлидир.

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, парламент назорати кенг қамровли бўлиб, ижро тизимидаги барча давлат органлари фаолиятини назорат қилишга қаратилган бўлади. Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатда Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва бошқа муассасалар фаолияти устидан парламент назорати амалга оширилмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳозир мамлакатимизда профессионал парламентаризмни шакллантириш шароитида «Парламент назорати» институти ва «Парламент назорати» тўғрисидаги қонунни қабул қилишни давр талаб этмоқда. Бу эса парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда яхшилаш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишга олиб келади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятнинг ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 9.

² Қаранг: Адылқариев Х. Т. Новая Конституция – великий символ суверенитета Узбекистана. – Т., 1993. – С. 10; Тажиханов У. Закон. Человек. Государство. – Т., 1997. – С. 135–136.

³ Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятнинг ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

⁴ Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг парламент назорати ваколатларига доир масалалар. Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. –Т., 2005.–Б. 55.

⁵ Халилов Э. Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма – Т., 2001.– С. 215.

⁶ Ўша манба. – Б. 216.

⁷ Одилқариев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш фаолияти. – Т.,1995. –Б. 66.

Таянч иборалар: парламент назорати, парламент назорати усуллари, объектлари, “парламент соати”, парламент сўрови, депутатлик сўрови, интерпелляция, ишончсизлик вотуми, парламент текшируви.

Мақолада парламент назорати тушунчаси, мазмун-моҳияти, аҳамияти, мақсадлари, мазкур институт фаолияти билан боғлиқ хорижий тажриба ва уни ҳуқуқий тизимга тадбиқ этиш, парламент назорати институтини жорий этиш зарурати таҳлилий–баҳс асосида ёритилади.

Key words: parliamentary control, means and objects of parliamentary control, “parliamentary hour”, parliamentary interpellation, deputy’s inquiry, interpellation, vote of no confidence, parliamentary check.

The article deals with the notion of parliamentary control, its essence, objectives and significance in the activity of parliament. The author studies the experience connected with the activity of this institution and gives grounded proposals about necessity of establishing of the institution of parliamentary control in Uzbekistan.

Ключевые слова: парламентский контроль, способы и объекты парламентского контроля, «парламентский час», парламентский опрос, депутатский опрос, интерпелляция, вотум недоверия, парламентская проверка.

В статье подробно рассматривается понятие парламентского контроля, его сущность, цели и значение в деятельности парламента. Изучается зарубежный опыт, связанный с деятельностью данного института, и обосновывается предложение о необходимости создания института парламентского контроля в Узбекистане.

ИНСТИТУТ ПАРЛАМЕНТСКИХ РАССЛЕДОВАНИЙ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

В современном мире институт парламентских расследований стал эффективным инструментом контроля, проверки фактов и обстоятельств, имеющих существенное значение в общественной и государственной жизни. Он способствует прозрачности и открытости государственной власти, повышению доверия общества к государственным институтам, позволяет дать объективную оценку ее эффективности и обеспечить привлечение к ответственности нерадивых чиновников. Парламентское расследование стало неотъемлемой частью работы парламентов, причем вне зависимости от того, установлена ли эта процедура специальным законом или осуществляется на основе законов о правах парламентариев¹.

Отечественное законодательство не регламентирует отношения, связанные с осуществлением парламентских расследований. Однако это не означает, что такое расследование не может быть проведено в палатах Олий Мажлиса. Определенные правовые предпосылки для проведения парламентских расследований имеются. Так, Конституционный закон «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан» (ст. 22)² определил, что Законодательная палата для исполнения конкретных задач может создавать комиссии. Комиссии создаются из числа депутатов Законодательной палаты на заседании Законодательной палаты. При этом определяются цель создания комиссии и ее полномочия. Комиссии прекращают свою деятельность после выполнения возложенных на них задач или досрочно по решению Законодательной палаты.

Регламент Законодательной палаты (ст. 48)³ определил, что Законодательная палата для выполнения конкретных задач может создавать комиссии из числа депутатов в составе председателя, членов комиссии, а при необходимости – также заместителя председателя комиссии. О создании комиссии

Законодательная палата принимает постановление. Постановление Законодательной палаты о создании комиссии должно определять название, цель и задачи комиссии, ее количественный и персональный состав, председателя комиссии, срок деятельности комиссии (на заранее определенное время или на время выполнения конкретных задач), полномочия комиссии, мероприятия по обеспечению ее работы.

Фактически указанные положения являются основой для создания парламентской комиссии и проведения соответствующего расследования. Вместе с тем необходимо отметить, что следует совершенствовать действующее законодательство, регламентировав порядок и процедуры парламентского расследования, закрепив статус и полномочия комиссий палат Олий Мажлиса, урегулировав другие вопросы их деятельности.

Являясь одной из форм парламентского контроля, парламентские расследования занимают особое место в системе «сдержек и противовесов» государственной власти. Парламентские расследования можно рассматривать как специальную деятельность созданных в установленном порядке комиссий палат парламента, осуществляемую для обеспечения контроля над деятельностью органов власти и их должностных лиц по реализации требований законов и защите прав и свобод человека, выявлению нарушений, их причин и условий, а также их устранению.

Зарубежная парламентская практика показывает, что парламентским расследованиям присущ процессуальный характер, поскольку они осуществляются строго в установленном законом порядке, состоят из совокупности процедур по возбуждению и проведению парламентского расследования, сбору, исследованию, выявлению, проверке, обработке, анализу и установлению фактов, обстоятельств и событий⁴. Органы парламентского расследования в разных странах

* Доктор юридических наук.

носят различные наименования. В одних странах это следственный комитет (Австрия, ФРГ), в других – парламентская комиссия (Греция, Дания, Испания, Италия, Португалия), в третьих – это специализированный комитет (комитет по проверке выборов в Швеции, комитет по вопросам обороны в ФРГ)⁵.

В ходе осуществления своих контрольных функций палаты Олий Мажлиса с целью проверки тех или иных фактов, расследования конкретной ситуации, изучения какого-либо вопроса большой государственной важности могут пользоваться своим правом по формированию специальных комиссий. Хотя в нашем законодательстве такая форма контроля парламента, как парламентское расследование, прямо не закреплена, де-факто она используется (например, при изучении и оценке парламентом известных андижанских событий 2005 г.).

Использование института парламентских расследований в мировой практике показывает его высокую эффективность, этот институт заслужил доверие и уважение во многих демократических странах. Примером тому служат проведенное в 1974 г. расследование палаты представителей США, по итогам которого Президент страны Р. Никсон был вынужден уйти в отставку со своего поста, парламентское расследование в отношении премьер-министра Великобритании Т. Блэра по поводу участия страны в военных действиях в Ираке.

Изучение правовых основ и практики использования института парламентских расследований в различных странах показывает многообразие подходов к определению их предмета, форм и порядка, процедурам применения и правового закрепления. Например, в ФРГ закон детально регламентирует порядок создания следственного комитета, который осуществляет парламентское расследование, формы и процедуры его взаимодействия с другими органами государственной власти, оглашение и применение результатов расследования. Причем предметом парламентского расследования может стать «вопрос, имеющий общественный интерес», т.е. практически широкий круг вопросов, изучение и разрешение которых необходимо на конституционном уровне.

Парламентское расследование следственными комитетами осуществляется в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством, а полученные материалы могут быть

основанием для возбуждения уголовного дела. Обобщенные в форме доклада результаты деятельности комитета могут быть внесены в повестку дня Бундестага для обсуждения и принятия соответствующих мер⁶.

В США право Конгресса на проведение парламентских расследований вытекает из назначения и природы законодательной функции парламента. Парламентское расследование инициируется членами парламента и осуществляется в соответствии с Правилами Постоянного подкомитета Сената по расследованию деятельности комитета правительственных дел, утвержденными резолюцией № 62 от 28 февраля 1991 г. В правилах-процедурах содержится подробный спектр вопросов, подлежащих расследованию парламентом. Предметом расследования могут стать как преступления, совершенные должностными лицами, так и факты неэффективного и непрофессионального ведения дел.

В систему органов американского парламента, правомочных осуществлять парламентское расследование, входят: постоянные специализированные комитеты каждой из палат, специальные комитеты, объединенные комитеты обеих палат. Практически все они вправе проводить расследования. Они обладают полномочием вызывать любое лицо для дачи показаний и предоставления необходимой информации, затребовать любые материалы и документы. По результатам деятельности комитета составляется доклад, представляемый в соответствующей палате и в средствах массовой информации⁷.

Институт парламентских расследований широко используется во Франции, где по данному вопросу принят специальный Ордонанс от 17 ноября 1958 г. и имеются подробные положения Регламента Национального собрания. Согласно ст. 6 Ордонанса «комиссии по расследованию образуются для сбора информации об определенных событиях и представления своих заключений в учредившую ее палату»⁸.

Как правило, создаются комиссии по контролю и по проведению расследований. Указанные комиссии вправе применить разные способы проведения расследования, в том числе: заслушивание министров, парламентариев, чиновников и иных лиц; использование специальных экспертов; тайный опрос лиц, обладающих ценными сведениями; командирование членов комиссии для сбора

необходимой информации в любую точку мира; привлечение Счетной палаты к проведению расследования. По итогам расследования публикуются доклады.

В Великобритании действуют постоянные специальные комитеты по проверке деятельности министерств, которые полномочны контролировать «расходы, управление и политику» соответствующих министерств и подведомственных им органов. При этом Комитет сам определяет круг расследования, так как свободен в выборе конкретного предмета расследования. В Палате общин имеется ряд специализированных комитетов, формируемых по отраслевому признаку, которые и осуществляют парламентское расследование, в том числе проверку деятельности министерств⁹. Комитеты имеют полномочия вызывать свидетелей, назначать экспертов, требовать представления необходимых для проведения расследования документов, а при необходимости – совершать поездки внутри и за пределами страны. Парламентское расследование завершается представлением Палате общин доклада, который, впрочем, носит рекомендательный характер.

Конституции ряда государств (например, США, ФРГ, Италии, Венгрии, Польши, Чехии) содержат нормы, определяющие предмет парламентского расследования. Так, парламенты ФРГ и Италии имеют право создавать следственные комиссии (следственные комитеты), которые могут проводить расследование по вопросам, представляющим государственный интерес. Конгресс США вправе проводить парламентское расследование, причем правом проведения парламентских расследований обладают практически все комитеты палат парламента¹⁰. Согласно ст. 76 Конституции Испании тема для парламентского расследования определяется как «любой вопрос, представляющий общественный интерес». В конституциях других стран вместо термина «любой» используются такие формулировки, как: «определенные вопросы» (Австрия); «вопрос особой важности» (Дания); «вопрос, представляющий государственный интерес» (Италия); «вопрос государственной важности» (Литва); «вопрос публичного значения» (Словения); «вопрос государственного управления» (Япония).

Как видим, в зарубежных странах парламентское расследование представляет собой деятельность особых парламентских форми-

рований по сбору, проверке и оценке информации по наиболее значимым вопросам, которая служит исходным материалом для обобщения и принятия решений по ним.

Таким образом, анализ регламентов палат и парламентской практики по проведению парламентских расследований позволяет выделить в процессе парламентского расследования следующие четыре стадии:

– первая стадия – возбуждение парламентского расследования. Она включает процедуры внесения инициативы о проведении парламентского расследования, принятия решения о его проведении и создания парламентской комиссии (избрание ее членов и председателя);

– вторая стадия – подготовка проведения парламентского расследования – включает постановку цели и задач комиссии, а также разработку и утверждение плана работы комиссии;

– третья стадия – осуществление непосредственного расследования – включает сбор и анализ необходимой информации, ее обобщение и оценку, подготовку предварительных результатов расследования;

– четвертая стадия охватывает обсуждение итогового отчета (доклада) и принятие по нему решения.

Особое значение имеет содержание итогового доклада комиссии, проводившей парламентское расследование. В нем должны, на наш взгляд, содержаться четко сформулированные выводы юридического характера, предложения о принятии нормативно-правовых актов, направленных на устранение причин и последствий расследуемых событий, а также политико-правовая оценка действий должностных лиц и рекомендации по совершенствованию деятельности органов государственной власти.

Следует отметить, что для конституционного права Узбекистана институт парламентского расследования является новым. Парламентское расследование призвано стать важной формой парламентского контроля, средством контроля над деятельностью исполнительных органов власти, методом проверки событий и обстоятельств, имеющих большое общественное значение. Наряду с этим парламентское расследование представляет собой вид процессуальной деятельности, совокупность конституционных процессуальных процедур по сбору и правовой оценке необходимой информации.

Итак, парламентское расследование представляет собой систему мер, осуществляемых парламентом посредством проверочной деятельности парламентской комиссии, обладающей для этого специальными контрольными полномочиями.

По нашему мнению, парламентское расследование может и должно стать важнейшим проявлением контрольной функции Олий Мажлиса. Обеспечение баланса системы органов государственной власти зависит не только от успешности реализации каждым из этих органов своих функций, но и от эффективности осуществления контрольных полномочий относительно друг друга. Использование в практике Олий Мажлиса лучших достижений института парламентских расследований может стать еще одним средством демократического развития не только парламента, но и общества в целом. При этом парламентское расследование должно стать

эффективной формой парламентского контроля, представляющей собой особый процесс сбора, проверки и оценки информации палатами и комитетами парламента по вопросам государственной важности.

Более широкое применение данного института позволит Олий Мажлису выявлять причины и условия возникновения событий и фактов, на основе чего предлагать решение проблем посредством законодательного регулирования. Результаты парламентского расследования главным образом направлены не на выявление имеющихся нарушений, а на устранение причин их возникновения. В свете сказанного представляется целесообразным включить в проект разработанного закона «О парламентском контроле» отдельной главы, посвященной регламентации парламентского расследования, либо, что еще лучше, разработать специальный закон о парламентских расследованиях.

¹ Томчин Г. О парламентском расследовании // <http://www.tomchin.ru/society/analytic/> 1590.html.

² См.: Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2002 г., № 12, ст. 215; 2003 г., № 5, ст. 67; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 15, ст. 153; 2008 г., № 52, ст. 510; 2011 г., № 16, ст. 160

³ См.: Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 7, ст. 242; 2006 г., № 4, ст. 174; 2007 г., № 7, ст. 328; 2009 г., № 3, ст. 68

⁴ См.: Сурков К. Предмет парламентских расследований // Юридический мир. – 2005. – №10. – С.5.

⁵ См.: Кузнецова Л. Л. Сравнительно-правовой анализ основных форм парламентского контроля // Журнал российского права. – 2004. – №2. – С. 107–111.

⁶ См.: Коврякова Е. В. Особенности парламентского контроля в парламентарной республике // Журнал Российского права. – 2004. – №6. – С. 143–150.

⁷ См.: Трошев Д. Б. Парламентские расследования как форма контроля Федерального собрания Российской Федерации за деятельностью федеральных органов государственной власти: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 14–15.

⁸ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 1–2. – М., 1996. – С. 456.

⁹ См.: Федотова Ю. Г. Институт парламентских расследований в Великобритании // Современное право. – 2010. – №11. – С. 160–164.

¹⁰ См.: Тулаев А. Н. Особенности парламентского контроля за деятельностью правительства в странах Западной Европы // Журнал российского права. – 2004. – №1. – С. 158–163.

Таянч иборалар: парламент назорати, парламент текшируви (суриштируви), контрол функциялари, парламент кўмита ва комиссиялари фаолияти.

Мақола замонавий парламент назоратининг узвий қисми бўлмиш парламент текшируви (суриштируви) институти таҳлили, унинг мақсади ва вазифалари, босқичлари ва ҳуқуқий механизми ҳамда мамлакатимизда ушбу парламент фаолиятининг ривожланиш истиқболлари бағишланган.

Key words: parliamentary control, parliamentary investigation, verification functions, activity of parliamentary committees and commissions.

The article deals with analyses of the institution of parliamentary investigations as an integral part of modern parliamentary control, its objectives and tasks, stages and legal mechanism as well as perspectives of development of the mentioned form of parliamentary activities in our country.

Ключевые слова: парламентский контроль, парламентское расследование, контрольные функции, деятельность парламентских комитетов и комиссий.

Статья посвящена анализу института парламентских расследований как неотъемлемой составляющей современного парламентского контроля, его целям и задачам, стадиям и правовому механизму, а также перспективам развития указанного вида парламентской деятельности в нашей стране.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР БАЪЗИ ФИКРЛАР

«Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз».

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик йилларида баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида мамалакатимизда амалга оширилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада болалар ҳуқуқларини самарали таъминлаш ва барча соҳаларда ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослари тўла шаклланганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, Фуқаролик ва оила кодексларида болаларнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилганлиги фикримизнинг далилидир.

Айниқса, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон қўшилган «Бола ҳуқуқлари конвенцияси»нинг миллий қонунчиликка тўлиқ имплементацияси ҳисобланди. Мазкур қонунда соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот каби масалаларда бола ҳуқуқларининг кафолатлари мустақамлаб қўйилган. Шунингдек, унда ижтимоий заиф ва алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни маънавий ҳамда жисмонан баркамол этиб тарбиялаш бора-

сида тизимли ва изчил ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан узвий амалга оширилмоқда. Жумладан, «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», «Баркамол авлод йили», «Мустақам оила йили», «Обод турмуш йили»да амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар замирида аввало бола ҳуқуқларини таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш билан эзгу мақсадлар ўз амалий ифодасини топган.

Айнан шунинг учун мазкур дастурларнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2014 йилни **«Соғлом бола йили»** деб эълон қилинди. Зотан, Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, «Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.»¹

2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шу йилдан эътиборан мамлакатимизда ҳорижий тилларни ўқитиш тизи-

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

мини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Оролбўйи ҳудудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кенг институционал механизми шаклланган. Ушбу механизмни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, ижроия ҳокимиятига қарашли бошқа давлат тузилмалари, шунингдек ҳокимиятлар, суд, прокуратура органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби давлат органлари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари ташкил этади.

Шу билан бирга, мамлакатимизни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнлари кечаётган бир шароитда бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича нодавлат ташкилотларнинг ўсиши ва фаоллашуви кузатилмоқда. Жумладан, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг турли соҳалари бўйича ихтисослашган умуммиллий даражадаги қуйидаги нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда: Ёшлар ташаббусларини, ёшларнинг сиёсий ва лидерлик фаоллигини қўллаб-қувватловчи «Камолот» Ўзбекистон ёшлар ҳаракати; Етим болалар, ота-оналари қаровисиз қолган болалар, ногирон-болалар, кам таъминланган оилалардан чиққан болаларни қўллаб-қувватловчи «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси; Бола-

ларнинг бевосита иштироки билан уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон Болалар жамғармаси (Болалар парламенти); Тиббий, маърифий дастурларни амалга ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича «Соғлом авлод учун» жамғармаси; Қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» ва ҳоказо.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг таъминланиши ва ҳимояланишига мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тамал тоши қўйилган. Бола ҳуқуқларига доир кўпгина халқаро-ҳуқуқий нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам – БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бўлди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят процессуал кодексларида, «Ўзбекистон Республикасида Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги «Фуқаролик тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб фармон ва қарорлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ва «Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастури», «Баркамол авлод йили давлат дастури» ҳамда республика Ҳукуматининг бола ҳуқуқларини кафолатловчи қарорларида ўз аксини топган.

Шунингдек, мамлакатимиз миллий-ҳуқуқий тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

БМТнинг универсал стандартлари сифатида тан олинган декларация ва конвенцияларига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий,

ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби универсал ҳужжатлар киради.

Уларда баён этилган ҳуқуқлар барча инсонлар каби болаларга ҳам тааллуқлидир. Декларация ва пактларда бола ҳуқуқлари ва манфаатларига бевосита дахлдор бўлган қоидалар: болаларнинг тенглиги тамойили, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи, болаларни эксплуатация қилишнинг олдини олиш тўғрисидаги қоидалар акс этган. Жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда ҳар бир боланинг ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилишидан қатъи назар ҳеч бир камситилишларсиз оила, жамият ва давлат томонидан балоғатга етмаган шахс сифатидаги ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқи кафолатланган (24-м. 1-б.). Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт 10-моддасининг 3-бандида барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Унга кўра, болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши керак; уларнинг меҳнати, ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли ёхуд уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда улардан фойдаланиш тақиқланган; бундан ташқари, давлат томонидан белгилаб қўйилган ёшдан кичик ёшдаги болаларнинг меҳнатидан фойдаланиш ман этилиши белгиланган.

БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ва ЮНЕСКО ҳужжатларига 1960 йилдаги Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция; ХМТ (Халқаро меҳнат ташкилоти) ҳужжатлари; 1973 йилда қабул қилинган ва 1976 йилда кучга кирган Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги 138-сонли конвенция; 1999 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда кучга кирган Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезлик билан чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги 182-сонли конвенция; Меҳнат соҳасидаги

асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар ҳамда уларни амалга ошириш механизми тўғрисида ХМТнинг 1998 йил 19 июндаги декларацияси ва бошқалар киради.

Бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро шартномаларга қуролли можаролар даврида аҳолини шу жумладан болаларни ҳимоя қилишга қаратилган 1949 йилдаги IV Женева конвенцияси ва 1977 йилдаги I-II Қўшимча протокол; 1974 йилдаги Фавқулодда ҳолатлар ва қуролли можаролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги декларацияни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқини) қамраб олувчи универсал ҳужжатлар ҳам аҳамиятли бўлиб, ушбу гуруҳга мисол тариқасида халқаро фарзандликка олиш соҳасида болаларни ҳимоя қилишга оид 33-сонли Гага конвенцияси; «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги БМТ конвенцияси; «Инсонлар, хусусан аёллар, болалар траффигининг олдини олиш, тақиқлаш ва жазолашга доир Палермо протоколи»ни киритиш мумкин.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстицияга оид ҳужжатлар. Бу тоифа ҳужжатлар бевосита болалар ҳуқуқларига боғлиқ бўлиб, мисол тариқасида 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари); 1990 йил 1 декабрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплар; 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалар; 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари»), 1985 йил 29 ноябрда 40//33-қарори асосида қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-

нинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари киради.

Умуман, бола ҳуқуқлари, уларнинг кафолатлари тўғрисида хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ҳимоя ва ғамхўрликка муҳтож қатлам бўлиб, аҳолининг асосий қисми ёшларни ташкил этувчи мамлакатимиз учун, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш демократик, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш

шароитида энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам - буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир»².

¹ Амалга оширилган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013. – 7 дек.

² Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001. – Б.187.

Таянч иборалар: , инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари, бола ҳуқуқларининг ҳимояси, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, соғлом авлод, соғлом бола, ижтимоий ҳимоя.

Мақолада Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати кўриб чиқилади. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг “Соғлом бола йили” давлат дастурида назарда тутилган чоралари батафсил таҳлил қилинади.

Key words: human rights, rights of the child, protection of the rights of the child, guarantees of the child's rights, healthy generation, healthy child, social protection.

The article deals with the policy of the government of Uzbekistan directed at protection of the rights of the child. The measures provided by the government program «Year of the healthy child» are deeply analyzed.

Ключевые слова: права человека, права ребенка, защита прав ребенка, гарантии прав ребенка, здоровое поколение, здоровый ребенок, социальная защита.

В статье рассматривается государственная политика Узбекистана, направленная на защиту прав ребенка. Подробно анализируются меры по защите прав ребенка, предусмотренные в Государственной программе «Год - здорового ребёнка».

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ ВА ЙЎНАЛИШИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда таълим-тарбия масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олинмоқда.

Айни вақтда бугунги глобаллашув жараёнлари, шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2013 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир» номли маърузасида 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилди. «Соғлом бола йили» «Обод турмуш йили»нинг мантиқий давоми сифатида баҳоланди. «Соғлом бола йили» барчамизни бу масалага янгича қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Маълумки, 2014 йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Маълумки, давлат дастурида белгиланган вазифалар ва топшириқларни бажариш тегишли, моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланишни тақозо этади.

Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда мамлакатимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4,509 трлн. сўм ва 302,9 млн. доллар миқдо-рида маблағ йўналтирилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури 7 бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар акс этган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш мақсадини кўзлайди.

Ана шу ҳақиқатни эл-юртимиз чуқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-қувватлаётгани бугунги кунда ўз ҳосили ва натижасини бераётгани ва буни бутун дунё тан олаётгани, бизга ҳавас билан қараётгани ҳеч кимга сир эмаслигини давлатимиз раҳбари юксак ифтихор билан таъкидлади.

«Биз таянчимиз ва суюнчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг доценти.

эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси» эканлигини барчамиз англашимиз керак.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури «Бола азиз, тарбияси ундан азиз» ғоясини амалга ошириш мақсадини кўзлайди.

Инсон зоти борки, дунёга орзу-умид билан келади. Аллоҳ берган куч-қувват ва ақл-заковатини эзгулик йўлида намоён қилиб, оила, уй-жой қуради, фарзандлар ўстиради.

«Табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз – ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз, – деб ёзади давлатимиз раҳбари. – Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш – ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчдир»¹.

Ҳар бир ота-она ўз зурриёдини ҳеч кимдан кам бўлмаслигига уларнинг ўзи бошлаган ишларнинг давомчиси этиб тарбиялашга интилади. Мана шундай олижаноб интилишлар инсонни инсон қилади, уни доимо виждони олдида ҳисоб бериб яшашга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1997 йил 29 август кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида: «Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб саводини чиқариш, илмли, касбли-ҳунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш»² лозимлигини таъкидлаган эди.

Бугун ана шундай олижаноб аънаналар қайтадан мустақкам қарор топиши ва ривожланиши учун мустақиллик шарофати туфайли энг қулай муҳит яратилди.

Шўро даври мафкурасининг ғайриахлоқий одатлари оилага ҳам етиб борган эди. Оила ва оилавий муносабатларнинг «замонавий»лаштирилиши кўп номақбул ҳолатларни

келтириб чиқарди, фарзанд тарбиясига жиддий путур етди. Шу боисдан ҳам истиқлолимизнинг дастлабки қадамлариданоқ, оилани мустақкамлаш янги демократик жамият барпо этишнинг бош вазифаларидан бири деб белгиланди. Мамлакатимиз Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилди, шу асосда, Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик боис, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб, вояга етиштиришга интилиш аслида мамлакатимиз аҳлининг миллий хусусиятидир.

Бизнинг муқаддас ўлкамизда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахт-саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашишни, меҳнат қилишни, ўзини аямаслигини барчамиз чуқур англаймиз.

Мамлакатимизда фарзанд тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Чунки фарзанд келажаги буюк Ўзбекистоннинг давомчи ва ворисларидир. Мустақиллик боис собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимиздан мустақкам ўрин олмоқда ва мамлакатимиз тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёшлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Буюк эзгу мақсадлар, уларнинг бахтли бўлишлари, истиқболини кўзлаб, давлат хазинасининг асосий қисми ажратилмоқда. Натижасини барчамиз, бутун дунё кўрмоқда. Бунга мисол, 2012 йилнинг 16–17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим йўналиши» мавзусидаги халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчилар, жумладан дунёнинг 48 давлати, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил

иштирок этди. Улар Ўзбекистон тажрибасини алоҳида эътироф этиб, чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидладилар. Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти директори Тетсуджи Танака (Япония): «Биласиз, жуда кўп давлатларда ота-оналар ўғил-қизлари таълим-тарбияси учун оила бюджетидан жуда катта миқдорда маблағ сарфлашади. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам имконият бир хилда эмас. Яъни, кимнингдир бунга қурби етади, кимникидир эса йўқ. Натижада ушбу жиҳат ўз ўзидан саводхонлик даражасига таъсир ўтказади. Маълумотларга кўра, дунё бўйича умумий саводхонлик даражаси 30–40 фоизни ташкил этади, атиги 30 га яқин мамлакатда эса бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик кўрсаткичи қарийб 100 фоизга тенг экан. Англашиладики, мамлакатда таълим тизими изчил йўлга қўйилган»³.

«Тарбия» ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш деган маъноларни англатади. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш – келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир»⁴.

«Соғлом бола йили» мамлакат фарзандларини Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз йўлида тарбиялашга қаратилган. Ушбу эзгу ғоялар барчамиздан фарзандларимизни ана шу мақсадлар сари етаклашни талаб этади.

Шу ўринда Президентимиз Ислон Каримовнинг 2001 йил 21 январдаги ёшлар масалаларига бағишлаган йиғилишида сўзлаган нутқидан ўта аҳамиятилилиги ва бугуни кунда долзарблиги боис иқтибос келтиришни ўринли деб топдик: **«Мен «етаклаш» деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки ҳаётга энди энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон**

ҳамиша маънавий етакчига, мураббий-устозга муҳтож бўлади.

Биз – табиатан очиққўнгил, самимий халқмиз. Лекин бундай хавф-хатарларга соддадиллик билан, юзаки тушунчилар билан қарши туриб курашиб бўлмайди»⁵.

Дарҳақиқат, азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истади. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзусидир.

Олтин водийларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон барчамизники. Унинг бетакрор, танти халқи улуғ. Улуғ халқнинг фарзандлари таълим-тарбиясида лоқайд ва бепарво бўлмаслик барчамизнинг бурчимиздир. Таълим-тарбия ишига хиёнат қилиш – тараққиётга раҳна солиш билан баробардир.

Ота-она деган муқаддас унвон сабабчиси, сизу бизни завқлантирадиган фарзандни вояга етказиш, одоб-ахлоққа ўргатиш, ўқитиш, касб-ҳунарли, бир-бирларига меҳрибон, ватанпарвар, миллатсевар қилиб тарбиялашнинг ўзи жуда катта мансаб эмасми?! Бундай мансабнинг масъулияти бошқа масъулиятлардан асло қолишмайди.

«Одамзод, – деб айтади Президентимиз, – дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу – фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки Яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демақдир.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камоллини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш «Соғлом авлод учун» ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди»⁶.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Шу ўринда, 2014 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури» тасдиқланганлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, Қарорга мувофиқ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилган ижтимоий сўров натижаларига кўра ёшлар ўртасида таълим, айниқса, олий таълим олишга қизиқиш, унинг ижтимоий аҳамияти ўсиб бораётгани намоён бўлди. Масалан, 2006–2011 йилги сўровларда иштирок этганларнинг учдан бир қисми ана шундай қарашга эга эканлигини айтган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 50 фоизга, 2014 йилда эса 81,6 фоизга етгани диққатга сазовор.

Алоҳида қайд этиш лозимки, сўров натижалари Ўзбекистон ёшлари ҳозирги кунда дунёда янада долзарблашиб бораётган диний экстремизм ҳодисасига қатъий салбий муносабатда эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот асносида истиқлол йилларида ёшлар онги, хулқ-атворида боқимандалик кайфияти буткул йўқолиб, унинг ўрнини ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ҳамда мустақил фикр юритиш эгаллаётгани маълум бўлди. Бу эса уларнинг ижтимоий етук шахс бўлиб камол топаётганидан далолатдир.

Аксарият ёшларнинг ижтимоий фаоллиги кучайиб бораётганини уларнинг 88,3 фоизида

келажак учун ўз режаси борлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бундай ниятлар, биринчи навбатда, таълим олиш, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, яхши мутахассис бўлиб, жамиятда ўрнини топиш, мустаҳкам оила қуриш, жамият фаровонлигига нафи тегадиган инсон бўлиш билан муштаракдир⁷.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқиш режалаштирилгани ўта аҳамиятлидир. Ишлаб чиқилаётган қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилганлиги давлатимизнинг нақадар ўз фарзандлари камолоти ва ҳимояси йўлидаги буюк меҳрибонлигидир.

Мамлакатимизда «ўзбек модели»нинг ҳаётийлиги туфайли кейинги тўққиз йил мобайнида изчил иқтисодий ўсиш таъминланганлиги Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг ҳам иқтисодий, ҳам моддий асосларини мустаҳкамлади. Энг муҳими, иқтисодий ўсиш жамиятимизнинг иқтисодий асосларини шакллантирди ва ривожлантирди. Буларнинг негизида эришилаётган макроиқтисодий ютуқлар «**Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз**», эзгу ғояни рўёбга чиқаришнинг моддий асосини ташкил этмоқда.

Бола тарбияси – бир умрлик, авлоддан-авлодга ўтадиган узлуксиз, адоқсиз, аммо, ўта масъулиятли вазифа. «Мен боламни дейман, болам боласини дейди», деганларидек, ҳадемай, биздан таълим олаётган фарзандимизнинг ўзи ҳам тарбиячига айланади. У ота-она учун ҳамон бола бўлиб қолаётган бўлсада, ўзи қандай тарбия олганига қараб, фарзанди тарбиясига киришади.

Болани тарбиялаётиб, ўзимиз ҳам тарбияланиб борамиз. Бизнинг жамики хатти-ҳаракатларимиз болаларимиз кўз ўнгида кечади. Эр-хотин ўртасидаги муомала, сўзла-

шув одоби, кийинишимиз, юриш-туришимиз, меҳмонга қандай бориб, қандай қайтишимиз, ишга, маҳаллага, қариндош-уруққа муносабатимиз, дўстларга садоқатимиз, даромад ва буромадимиз – буларнинг ҳаммаси фарзандларимиз нигоҳида кечади ва улар онгига сингиб бораверади. Бола ўз ота-онасини инсоф, адолат, имон-эътиқоддан насиҳат қила туриб, ўзлари шу айтганларига амал қилмаётган ҳолда кўрар экан, табиийки, қалби жароҳатланади, кўнгли чўқади, ўкинч пайдо бўлади.

Шу ўринда Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига мурожаат қиламиз: «Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг қизиқиши ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига аҳамият бермайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўртак бўлиш ўрнига, қўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, вақти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолайик, хунук бир одат сифатида намоён бўлади.

Ёки оилада қўни-қўшниларни кўра олмаслик, фисқу фасод, ифво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради. Умуман, оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас»⁸.

Ва, аксинча, ота-онанинг эзгу амаллари – ҳалол-поклик, сўзда собит туриш, бировни ғийбат қилмаслик каби эзгу фазилатлар – фарзандга қанот бағишлайди, руҳлантиради, ўзига, келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Боланинг маънавий олами шундай шаклланади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидаги фикрларни эслаш жоиз: «Инсон

боласини Она ёруғ дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди. Уни беғараз меҳри билан улғайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис Она — Ватан, Ватан — Она, демакдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидойиликни мунис оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз Она-Ватанга аталгандир»⁹.

Дарҳақиқат, мустақиллик боис оила юксак мартабага эга бўлди. Оила муқаддас даргоҳ сифатида давлат ҳимоясига олинди.

Бундан уч минг йил аввал битилган «Калила ва Димна» асарида ўтмиш замон донишмандларининг: «Ёшлар тарбияси айниб кетди, бу кетишда дунё ҳадемай бузилиб кетади...», деган хавотири келтирилади. Бу хавотир ҳозир ҳам мавжуд. Тарбия тўғрисидаги маърузаларимизнинг аксарияти шу хавотирга бориб тақалади. Лекин ёшлар батамом айниб кетишгани, дунё эса бузилганича йўқ. Бунинг боиси, хавотирнинг асосизлигида эмас, бизнинг болаларга, ёш авлод тарбияси ва келажакига қандай муносабатда бўлишимизда. Ўрмондаги дов-дарахтлар инсон аралашувисиз ҳам, табиий шароитда ўз кунини ўзи кўриб ўсавериши, шохлаши, мева тугиши мумкин, аммо фарзандларига нисбатан бундай йўл тутиб бўлмайди. Ўзича, ўз ҳолича катта бўлган фарзанд, албатта, бир ташвиш келтиришини унутмаслик керак.

«Соғлом бола йили» давлат дастури соғлом ва аҳил оила муносабатларини ҳам назарда тутди. Айнан аҳил оилада таълим-тарбия самарали кечади. Аҳил оилада камол топган фарзандлар қаерда бўлмасин ўз отонасига интилади.

Оила – жамиятнинг маънавий пойдевори, миллатнинг тақдири ва келажаги. Оила муҳитининг соғломлиги, пировард натижада, жамиятнинг соғломлигига олиб келади. Жамият

тўғрисида, ўз келажагимиз ҳақида ўйлар эканмиз, бизнинг шу орзуларимиз рўёбга чиқишига ҳар биримизнинг оиламизда асос қўйилаётганлигини унутмаслигимиз керак.

Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 6 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим»¹⁰ лигига эътибор беришни вазифа сифатида белгиланган эди.

Шу боис, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов белгиланган вазифалар ўз ифодасини топган

ва ижроси бекаму кўст таъминланиши белгилаб қўйилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури мамлакатимиз ижтимоий хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим стратегик ҳужжат сифатида қаралаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Чунки, Дастурда белгиланган кенг қўламли ва аниқ мақсадли вазифаларнинг бажарилиши, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, маҳалла мавқеини кўтариш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она-Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш, жамият ёш аъзоларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – Б. 207.

² Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 325.

³ Қаранг: Халқ сўзи. — 2012.— 18 фев.

⁴ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001. – Б. 269–270.

⁵ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001.— Б. 189.

⁶ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т., 1996. – Б. 208.

⁷ Қаранг: Халқ сўзи. —2014.— 26 июнь.

⁸ Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008. – Б.54

⁹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 409.

¹⁰ Каримов И. А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. – Т., 2013. – Б. 46.

Таянч иборалар: оила, соғлом бола, «Соғлом авлод» сиёсати, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, таълим, тарбия, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбиянинг бўлинмаслиги, «Соғлом она – соғлом фарзанд» тамойили.

Мақолада мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва ўрни, шунингдек, таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ва бўлинмаслиги масаласи ҳамда унинг ижтимоий хавфсизликни таъминлаш омили эканлиги кўриб чиқилади.

Key words: Key words: family, healthy child, policy of «Healthy generation», State program of «Year of a healthy child», education, upbringing, system of education, nonseparability of education-upbringing, principle of «A healthy mother is a healthy child».

Article deals with the role of state program of «Year of a healthy child» in the implementation of policy of «Healthy generation» and «Advanced generation» and it also studies the problem of education as the main tasks and directions of state program of «Year of a healthy child».

Ключевые слова: здоровый ребенок, Государственная программа «Год здорового ребенка», образование, воспитание, образовательно-воспитательная система, неделимость образования и воспитания, принцип «Здоровая мать — здоровый ребенок».

В статье освещаются значение и место Государственной программы «Год здорового ребенка» по реализации политики, направленной на воспитание здорового и гармонично развитого поколения в Республике Узбекистан, а также рассматриваются вопросы неразрывной связи образования и воспитания как фактора обеспечения социальной безопасности.

М. З. Зиёдуллаев*

ҲУДУДИЙ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА УЧРАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида республикаимизнинг барча маҳаллалари, қишлоқ ва овулларида милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда бевосита халқ билан ишлайдиган, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликка таянган ҳолда хизмат олиб борадиган профилактика инспекторларининг фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг деярли барча йўналишлари, хусусан жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ҳудудий профилактика инспекторларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг мазмун жиҳатидан кенг кўламли бўлган вазифалар доирасини самарали амалга оширишлари уларнинг касбий тайёргарлигини юксалтириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бинобарин, республикаимиз ички ишлар идоралари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари тизимидаги мавжуд офицерлик лавозимлари, хусусан милиция таянч пункти профилактика инспектори лавозимларига ходимларни жамлашга доир статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги уч йил давомида шундай лавозимларга тайинланганларнинг 37,2 фоизини фу-

қаролик олий таълим муассасалари битирувчилари, 17,0 фоизини сафдор-кичик сержантлар таркибидан ўтказилганлар, 26,1 фоизини бошқа соҳавий хизматлардан ўтказилганлар ташкил этса, бевосита ушбу мутахассислик бўйича ИИВ Академиясини тамомлаб лавозимга тайинланганлар 10,8 фоизни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб, милиция таянч пункти профилактика инспектори лавозимига тайинланганларнинг аксарияти касбий тайёргарликдан ўтмаган ҳолда хизматни олиб бормоқдалар.

Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан сўнгги йилларда ҳудудий профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлигини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларни Вазирлик олий таълим муассасаларига ўқув йиғинларига жалб қилган ҳолда ўқитиш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, ҳудудий ички ишлар идораларининг ўзида милиция таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари билан сайёр-ўқув машғулотларини ўтказиш ҳақидаги қарорлар ижроси натижасида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг фармоёйиши билан Вазирлик Академияси профессор-ўқитувчилари ва Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси тажрибали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, улар томонидан ИИВ Ҳайъати мажлисларида белгилаб берилган асосий вазифалар, ҳудудий профилактика инспекторлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан келиб

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

чиқиб белгиланган мавзуларда 2014 йилнинг 27 март кунидан 8 апрель кунига қадар ҳудудий ички ишлар идораларида шахар, туман ИИБлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари бошлиқлари ва жами 5174 нафар милиция таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари билан сайёр-ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ушбу сайёр-ўқув машғулотлари давомида ишчи гуруҳлар томонидан ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг касбий тайёргарлигини юксалтириш билан бир қаторда, улар фаолиятида аниқланган муаммо ва камчиликларни ўрганиш асосида мазкур муаммоларнинг ечимига доир бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Қуйида уларнинг айримлари хусусида фикр юритамиз:

1. Бугун амалиётда Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатга чет элга кетган фуқароларининг оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этиб, тайинланган жазони ўтаб қайтиб келиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бундай тоифадаги шахсларнинг устидан ички ишлар органларининг маъмурий назоратини ўрнатиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Бундан ташқари, республикада оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаётган шахсларнинг белгиланган жазонинг маълум бир қисмини ўтаганидан сўнг амнистия актини қўллаш орқали шахсни жазони ўташдан озод этилиши, Жиноят кодексининг 74-моддасига мувофиқ, жазонинг енгилроғига алмаштирилиши ёки ундан шартли озод қилиниши ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай тоифадаги шахсларнинг устидан ички ишлар органларининг маъмурий назоратини ўрнатиш масалалари ҳам амалиётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунига юқоридаги муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилувчи тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Жазони ижро этиш муассаса-

ларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002 йил 26 февраль 51-сонли буйруғини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан ИИВнинг буйруқларида муайян бўшлиқлар, ўзаро коллизия ва камчиликларнинг мавжудлиги ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини самарали ташкил этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида, жумладан ички ишлар органларида амалга оширилган ислохотларнинг натижалари, янги қабул қилинган қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини профилактика (катта) инспекторлари амалий фаолиятига жорий этишнинг ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни қабул қилингани муносабати билан ИИВнинг бир қатор буйруқларини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундай буйруқлар сирасига «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 28 декабрь буйруғи; «Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 17 ноябрь буйруғи; «Милиция таянч пунктларида ички ишлар идоралари ходимларининг ишини ташкил этиш ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминлаш тўғрисида»ги 2002 йил 22 март буйруғи; «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимларининг фаолиятини белгиловчи йўриқномани тасдиқлаш тўғриси-

да»ги 2004 йил 13 июнь буйруғи; «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўлим (бўлинма, гуруҳ)лари фаолияти бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2005 йил 3 август буйруғи; «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторлари хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2009 йил 15 июнь буйруғи; «ИИБ навбатчилик қисмлари фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 10 декабрь буйруғи; «Ички ишлар идораларида жиноятлар ва бошқа ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ҳал қилиш тартиби ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 1993 йил 5 январь буйруғини киритиш мумкин.

3. Бугунги кунда ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг милиция таянч пунктлари негизда жамоатчилик билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 22 мартдаги 72-сонли буйруғи билан тартибга солинганлиги, ушбу буйруқнинг жамоатчилик тузилмаларини ҳамкорликка жалб этиш учун тўлақонли юридик кучга эга эмаслиги, қолаверса унинг маънавий эскирганлиги сабабли амалиётда ушбу соҳадаги ҳамкорлик самарали таъминланмаяпти.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Амалиётда жазони ўтаб бўлган шахс жазони ижро этиш муассасасидан бўшаганидан кейин атайлаб ўз яшаш манзилига етиб бормаслиги ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса ушбу тоифа шахслар билан тегишли профи-

лактик ишларни олиб бориш имконини чекламоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунини жамият ҳаётига татбиқ этиш жараёнида ишлаб чиқиладиган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида жазони ўтаб бўлган шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан бўшаганидан кейин ўз яшаш манзилига етиб боришини таъминлаш ёки бошқа манзилга кетганида уни ички ишлар органлари профилактик ҳисобга олишга хизмат қилувчи нормаларни белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир.

5. Бугунги кунда инсон қиёфасини йўқотиш даражасида мастлик ҳолатида бўлган, шу жумладан спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш, уларни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, улар томонидан тиббиёт ходимларига нисбатан содир этиладиган тажовузлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Шунингдек, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка чалинган 60 ёшдан ошган ёки ногирон бўлган фуқароларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш бўйича амалиётда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Чунки, ушбу тоифа шахсларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари томонидан аксарият ҳолларда қабул қилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ушбу муаммони атрофлича ўрганиб чиқиши ҳамда инсон қиёфасини йўқотиш даражасида мастлик ҳолатида бўлган, шу жумладан спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жойлаштириш, уларни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, тиббиёт ходимларини улар томонидан содир этиладиган тажовузлардан ҳимоя қилиш масалаларини белгилаб

берувчи қўшма қарор ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қўшма қарорда сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка чалинган 60 ёшдан ошган ёки ногирон бўлган фуқароларни ҳам мазкур муассасаларга жойлаштириш тартибини кўрсатиб ўтиш лозим.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси ҳудудий ички ишлар органларида тўлиқ таъминланмаган. Амалдаги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига кўра, ахборот марказларининг фаолияти фақат Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларида йўлга қўйилган. Шаҳар ва туман ИИБларида ахборот марказларининг фаолияти ташкил этилмаганлиги сабабли профилактика инспекторларининг битта талабнома учун ҳам ИИБ–ИИББ–ИИБларга келиб-кетишини талаб қилмоқда. Бу эса профилактика инспекторларининг айрим туманлардан вилоят марказига 200 км йўл босиб келиб-кетишига, ортиқча вақт ва маблағнинг сарфланишига олиб келмоқда.

Шу сабабли, ички ишлар органлари тегишли соҳавий хизматлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ишларини юритиш амалиётида ахборот марказлари тегишли маълумотларини шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларининг ўзида замонавий ахборот алоқа воситалари орқали текшириш тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар бўйича ИИБ навбатчилик қисмига қилинадиган мурожаатлар ва касалхоналарга тан жароҳати олиб мурожаат этган шахслар тўғрисида хабарлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойга чиқиш аксарият ҳолларда МТП профилактика инспекторларининг зиммасига юклатилиши кузатилмоқда. Бундай ҳолларда содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жойларини кўздан кечириш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун профилактика инспекторларида зарур малакаларнинг етишмаслиги сабабли уни иссиқ изидан очиш имконининг йўқолишига,

қолаверса кейинчалик мазкур иш бўйича материалларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқишда ходимлар ўртасида сансолорликка йўл қўйилишига олиб келмоқда.

Шу боис ҳам, ИИВнинг 1993 йил 5 январдаги 6-сонли буйруғи ва 1998 йил 10 декабрдаги 250-сонли буйруқлари талабларига асосан ҳодиса содир бўлган жойга терговтезкор гуруҳи чиқиши кераклиги боис, ушбу талабга республиканинг барча ҳудудларида тўлиқ риоя этилишини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг кўрсатмасини ишлаб чиқиш ҳамда унда бу борада биринчи раҳбарларнинг масъулиятини оширишни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

8. Ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари кўпчилигининг диний экстремизмнинг турли кўринишлари ва терроризм жиноятлари, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда жиноятга оид аризалар юзасидан суриштирув ва дастлабки терговга қадар ишни юритиш, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидаги шахслар билан ишлаш, милиция таянч пунктлари фаолияти ва улар негизидаги ҳамкорликни ташкил этиш масалалари бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билмайдилар ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича етарли кўникмаларга эга эмаслар.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан кўрсатилган йўналишлар бўйича профилактика (катта) инспекторларининг ишини ташкил этишга амалий ва услубий ёрдам кўрсатишга хизмат қилувчи қўлланмалар, тавсиялар ва шарҳларни тайёрлаш ҳамда жойларга тўлиқ етказилишини таъминлаш, шунингдек ўтказилган сайёр-ўқув машғулотлари давомида профилактика хизматлари раҳбарлари ва ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг таклифларини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан мунтазам равишда

ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятининг энг долзарб ва муаммоли масалаларини ўрганиб бориш орқали ҳар йили камида бир марта ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари билан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда жойларда сайёр-ўқув машғулоти ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир.

9. Узоқ муддатга чет элга чиқиб кетаётган фуқаролар кўп ҳолларда бу ҳақда белгиланган тартибда ҳудуд фуқаролар йиғини ва профилактика (катта) инспекторларига хабар бермаслиги ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса ушбу фуқарони у кетаётган хорижий давлатда хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг одам савдосининг қурбони бўлиб қолишининг ва турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга тўсқинлик қилиб, ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятида муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бинобарин, сайёр-ўқув машғулоти давомида ҳудудий профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган анкета сўровларида «Иш фаолиятининг қайси йўналишларида бошқаларига кўра кўпроқ муаммо ва қийинчиликларга дуч келмоқдасиз?», деган савол билан мурожаат қилинганда уларнинг кўпчилиги, яъни 57,1 фоизи узоқ муддатга кетганлар билан ишлаш ва одам савдосининг олдини олишда кўпроқ муаммо ва қийинчиликларга дуч келаётганликларини таъкидлашган.

Шу боис, жойларда яшаш жойларидан узоқ муддатга чет элга чиқмоқчи бўлган фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йиғинидан белгиланган яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик суҳбатдан ўтиб, махсус китобда қайд этилганидан кейин уларнинг чет элга чиқишларига рухсат этиш тартибини жорий этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда узоқ муддатга кетган фуқароларга нисбатан профилактик ҳисоб юритиш назарда тутилмаганини инобатга олганда маҳалла фуқаролар йиғинида уларнинг ҳисоби юритилиши узоқ муддатга яшаш жойларидан чет элга турли мақсадлар билан чиқиб кетаётган фуқаролар ҳисобини тизимли олиб

боришга ҳамда уларнинг марказлашган ҳисобини юритишга хизмат қилади.

10. Интерфаол усуллар билан олиб борилган сайёр-ўқув машғулоти жараёнида ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини, хусусан ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи шахслар билан ишлаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан ўтказилган сўровлар уларнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етарли билмасликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни ҳақида маълумотга эга эмасликлари, келгусида ушбу қонунни амалиётга жорий этишга оид вазифаларни тўлиқ бажариш бўйича билим ва кўникмаларга эга эмасликлари кузатилди.

Шу сабабли: а) Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини нафақат ҳудудий профилактика (катта) инспекторларига, қолаверса аҳолининг барча қатламларига етказиш, бу борада оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат тузилмалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда тизимли равишда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу қонун нормаларини жамият ҳаётига самарали татбиқ этиш бўйича илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш; б) ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари билан Қонун нормаларини жамият ҳаётига самарали татбиқ этишга йўналтирилган махсус семинар-тренинглари ташкил этиш; в) ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан мазкур Қонунни ҳудудий профилактика инспекторлари амалий фаолиятига жорий этишнинг ҳуқуқий, услубий, ташкилий ва моддий-техник асосларини яратиш, жумладан мазкур Қонун ижросига доир тегишли қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шарҳ ва услубий қўлланмалар тайёрлаш; г) ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш бош бошқармаси томонидан ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек субъектлар томонидан махсус ва яқка тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини ва ИИВнинг идоравий меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

11. Бугунги кунда ҳудудий профилактика (катта) инспекторларидан хизмат ҳудудида барча турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш талаб қилинмоқда. Бироқ амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлардан ташқари, бошқа ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузиш ваколати МЖТК билан мустақамлаб қўйилмаган (масалан, жойларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторлари — МЖТКнинг 53-моддаси – санитария қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлиги юзасидан баённома тузиш ваколатига эга эмас). Бу эса ҳудудда криминоген вазиятга салбий таъсир қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда муаммоларни юзага келтирмоқда.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 280-моддасига қуйидаги таҳрирдаги 2-қисми киритиш мақсадга мувофиқдир:

«Ички ишлар органлари ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари маъмурий ҳудудда аниқланган ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома тузади ва уни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга юборади».

12. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-

моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддалари қаторида 109-моддаси «Қасддан баданга енгил шикаст етказиш» жинояти учун айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилиши белгилаб қўйилган. Лекин фуқароларнинг бир-бирига нисбатан тан жароҳати етказиши оқибатида бирига ЖКнинг 109-моддаси, иккинчисига МЖТКнинг 52-моддаси бўйича иш қўзғатилган ҳолда, ЖКнинг 109-моддаси қўлланилаётган фуқарони ЖПКнинг 325-моддаси билан озод этиш мумкин, лекин МЖТКнинг 52-моддаси қўлланилаётган фуқарони жавобгарликдан озод қилишга қонуний асос бўлмаганлиги учун жарима жазоси қўлланилган фуқароларнинг эътирозлари юзага келмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси (енгил тан жароҳати етказиш) иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг аксарияти оилатурмуш доирасида, шу жумладан моддий кам таъминланган оилаларда содир бўлиши оқибатида мазкур моддага мувофиқ жарима жазосини эр-хотиннинг ҳар иккаласига қўлланилиши улар ўртасидаги низонинг чуқурлашишига ва бунинг натижасида оиланинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига: а) маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш талаб этиладиган нормаларни белгилаш ва уларни қўллаш институти жорий этиш; б) яраштирув институти жорий этиш ва уни қўллаш механизмини белгиловчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

13. Ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида ҳуқуқбузарнинг чет элга чиқиб кетаётгани сабабли ишни ўз вақтида, қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб, узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган ҳуқуқбузарларнинг ишини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини белгилайдиган нормаларнинг киритилиши ушбу муаммоларнинг ечимига хизмат қилган бўларди.

14. Худудий ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари МТП профилактика (катта) инспекторларига тунги вақтларда МЖТКнинг 52-моддаси (енгил тан жароҳати етказиш), 183-моддаси (майда безорилик), 192-моддаси (маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш) ва бошқа шу каби моддалари бўйича содир этилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ариза, шикоятлар тушган ҳолларда профилактика (катта) инспекторлари тунги вақт бўлганлиги сабабли ушбу ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритишда холис ва гувоҳларни таъминлашда муаммолар юзага келмоқда.

Шундай муаммоларнинг олдини олиш, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш учун профилактика инспекторларининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равишда далилий аҳамиятга эга бўлиши қонунчиликда кўрсатиб ўтилишини таъминловчи нормаларни ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунчиликка жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

15. Худудий ички ишлар органларида профилактика (катта) инспекторлари томонидан жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолатлар бўйича терговга қадар материалларини терговга ўтказиш бўйича ягона талаб ва ёндашувнинг йўқлиги амалиётда ушбу материалларнинг белгиланган муддатда ҳал этилмай қолиши билан боғлиқ муаммоларни вужудга келтирмоқда. Қолаверса, жиноят аломатлари аниқ кўриниб турган ҳолатларда ҳам тергов органлари томонидан жиноят ишини зудлик билан қўзғатмасдан, қўшимча материалларни талаб қилиши кўп ҳолларда ушбу жиноятларни очишни оғирлаштиришга ва

жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Шу боис ҳам, профилактика инспекторлари томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш тартиби, хусусиятлари ва терговга топшириладиган ҳужжатлар рўйхатини тартибга солувчи ИИВ Тергов бош бошқармаси ва Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг қўшма кўрсатмаси ишлаб чиқилиши ва жойларга юборилиши керак. Унда ариза, тушунтириш хатлари, тавсифномалар олиш тартиби ва мазмуни, терговга қадар текширув жараёнида экспертиза тайинлаш ва уни ўтказилишининг мажбурийлиги ва эксперт хулосаси топширилиши шартлигини белгилаш керак.

16. Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида келтирилган жиноятлар таркиби бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш бўйича худудий профилактика (катта) инспекторларининг етарли билим ва кўникмага эга эмаслиги ушбу соҳада уларнинг бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйиши ҳамда бунинг натижасида муайян муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун, ЖПКнинг 325-моддасида келтирилган жиноятлар таркиблари бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тартибини белгиловчи ИИВ Тергов бош бошқармасининг кўрсатмасини тайёрлаш ва жойларга юбориш керак. Унинг нафақат тергов органлари ходимларига, балки ички ишлар идоралари тизимидаги суриштирувни амалга ошириш ваколатига эга бўлган барча мансабдор шахслар учун мажбурийлигини белгилаш лозим.

17. Профилактика инспекторлари фаолиятида уларнинг фуқаролар билан мулоқотга киришиши, вояга етмаганлар, муқаддам судланганлар ва профилактик ҳисобда турувчи шахслар, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни олиб боришда етарли психологик билимларга эга эмаслиги ҳамда бу борадаги мавжуд билимларини ҳам амалда қўллай олмаслиги билан боғлиқ

қийинчилик ва муаммолар юзага келмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва ҳудудий ички ишлар органлари психологик хизматлари томонидан ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари томонидан хизмат фаолиятида психологик билимларни қўллашга кўмаклашувчи услубий қўлланмалар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларга тўлиқ етказилишини таъминлашни, шунингдек амалиёт ходимлари томонидан ҳар йили камида бир марта ўтказиб борилиши сўралаётган сайёр-ўқув машғулотларида тажрибали психолог-мутахассисларни жалб қилган ҳолдамашғулотлар ўтказиб борилишини талаб қилади.

Бундан ташқари, ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари хизмат фаолиятида уларнинг бошқа ходимлар билан ўзаро муносабатида, оилавий муносабатлардаги турли хил низоларнинг юзага келаётганлиги, уларда учраб турадиган стресс, депрессия, ортиқча ҳавотирланиш, асабийлашишларнинг мавжудлиги ҳамда профилактика инспекторларининг ушбу ҳолатларда ўзидаги руҳий тушкунлик ва чарчоқни бартараф этиш йўллари билмаслиги, усулларни қўллай олмаслиги, қолаверса профилактика инспекторларининг жойлардаги руҳий тетиклантириш марказ (хона)лари хизматидан фойдаланмас-

лиги оқибатида уларнинг хизмат фаолиятида муаммолар вужудга келаётганини инобатга олган ҳолда жойлардаги психолог-инспекторлар томонидан: а) ҳудудий профилактика (катта) инспекторларининг шахсий, шахслараро, гуруҳлараро муносабатларини ўрганиш асосида ҳудудий ИИБ ҲООБ ва шаҳар, туман ИИБ бошлиқларига соғлом психологик муҳитни қарор топширишга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар бериб бориш; б) руҳий зўриқиш ва дезадаптация ҳолатига тушган ҳудудий профилактика (катта) инспекторларини текшириш ва келгусида малакали психотерапевтик ёрдам кўрсатиш мақсадида, уларни ички ишлар идоралари тиббий-профилактик муассасаларига жойлаштириш ҳамда саломатликларини тиклашга кўмаклашиш; в) профилактика (катта) инспекторларини руҳий тушкунликка тушган ва психологик ёрдамга муҳтож бўлганларини аниқлаш, уларни руҳий тетиклантириш марказ (хона)ларига имкон қадар кўпроқ жалб этиш, айниқса ёш профилактика (катта) инспекторларига уларнинг хизмат фаолиятига мослашувида ва нафақа ёшига яқинлашганларига эса нафақага чиқишларида психологик кўмак бериш, шахсий ва оилавий муаммоларни ҳал қилишда психологик ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Таянч иборалар: милиция таянч пункти, ҳудудий профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, мамурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, терговга қадар ишни юритиш, профилактика инспекторларининг психологик тайёргарлиги.

Мақолада милиция таянч пунктлари ишини ташкил этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, дастлабки терговга қадар ишни юритиш муаммолари таҳлил қилинади ҳамда психологик билимлардан фойдаланишга оид йўналишлари бўйича аниқланган муаммолар ҳамда уларнинг ечимига оид мулоҳазалар ёритилади.

Key words: militia base station, crime prevention inspector, prevention of offences, examination of cases of administrative offences, pre-investigatory proceedings, psychological training of crime prevention inspectors.

The article deals with the problems of organization of activities of militia base stations and prevention of offences; peculiarities of proceeding of the cases of administrative offences, pre-investigatory proceedings and psychological training of the crime prevention service officers are analyzed.

Ключевые слова: опорный пункт милиции, инспектор профилактики, профилактика правонарушений, рассмотрение дел об административных правонарушениях, доследственная проверка, психологическая подготовка инспекторов профилактики.

В статье рассматриваются проблемы организации деятельности опорных пунктов милиции и предупреждения правонарушений, анализируются особенности ведения дел об административных правонарушениях, доследственной проверки, а также психологической подготовки сотрудников профилактических служб.

**ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИКНИНГ ТУРИ СИФАТИДА ТАШКИЛОТЧИНИНГ
ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИНИ ТАВСИФЛАШГА ДОИР
МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА**

Жиноят иштирокчилари қаторида ташкилотчининг хавфлилиги юқори ҳисобланади. Бинобарин, ташкилотчининг бир нечта шахсларнинг жиноий хулқ-атворини бирлаштириши ва мувофиқлаштириши натижасида оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этилиши имконияти ошади, жиноят содир этиш кўлами кенгаяди. Шу боис, ташкилотчини бошқа иштирокчилардан фарқлаш ва унинг юридик табиатини тўғри белгилаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Гарчи мазкур масаланинг ижобий ҳал этилиши кўпроқ жиноят қонуни нормасида ташкилотчининг жиноий-ҳуқуқий белгилари ифода этилганлиги билан боғлиқдир.

Маълумки, амалдаги жиноят қонуни нормасига (28-м. 3-қ.) кўра, «жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади». Аммо ўтказилган тадқиқотнинг кўрсатишича, ташкилотчи тушунчасининг қонунчиликда бу тариқа ифодаланиши, унинг барча хусусиятларини тўлиқ ифода эта олмаяпти. Чунки жиноят қонунининг ушбу нормасини сўзма-сўз шарҳласак, ташкилотчи деганда, аниқ жиноятнинг содир этилишини ташкиллаштириш ёки унинг содир этилишига раҳбарлик қилиш тушунилади. Бироқ, суд амалиёти ташкилотчилик фаолиятининг таъкидланган белгиларидан ташқари *жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма фаолиятини ташкиллаштириш ва унга раҳбарлик қилишни* ҳам назарда тутди. Модомики, масалага ушбу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, суд амалиёти ташкилотчилик фаолиятига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо беришда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўймоқда. Хусусан, ўтказилган тадқиқот натижасида судтергов амалиётида қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланади:

биринчидан, амалиёт ходимлари ташкилотчини, иштирокчиликнинг бошқа турларидан фарқлашда муаммога учрамоқда, чунки

аксарият ҳолларда ташкилотчининг фаолияти далолатчи ва ёрдамчининг функцияларини ҳам ўзида ифода этади (масалан, маслаҳатлар бериш, кўрсатмалар бериш, топшириқлар бериш, буйруқ бериш ва ҳоказолар);

иккинчидан, агар Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида нормаларида ташкилотчилик фаолияти жиноят таркибининг зарурий белгисига киритилган бўлса, унинг қилмишига қандай ҳуқуқий баҳо бериш кераклиги борасида муаммолар юзага келган;

учинчидан, кўпинча суд амалиётида ташкилотчи ўзи ташкиллаштирган жиноятнинг бирга бажарувчиси сифатида жиноят таркиби объектив томон ҳаракатларини бошқа иштирокчилар билан бирга амалга оширади. Жиноят содир этиш жараёнининг мазкур вазиятида, яъни ташкилотчининг жиноят содир этишда бошқа иштирокчилар қилмишига умумий раҳбарлик қилиши билан бирга, жиноят таркиби объектив томон ҳаракатларини амалга оширган бўлса, унинг ҳаракатларини қандай баҳолаш кераклиги борасида муаммоларга дуч келинган;

тўртинчидан, ташкилотчи шахс Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилмайдиган шахслардан иборат гуруҳни ташкиллаштириганда ёки унинг фаолиятига раҳбарлик қилганда, унинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришда муаммолар юзага келган;

бешинчидан, алоҳида жиноятни ташкиллаштириш ёки унга раҳбарлик қилиш ёхуд уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма фаолиятини ташкиллаштириш ёки улар фаолиятига раҳбарлик қилиш масалаларида қийинчиликлар ва муаммолар мавжуд.

Ўз навбатида, мазкур ҳолатлар, бир қатор ўринли саволлар туғилишига сабаб бўлади. Хўш, нима сабабдан ҳуқуқни қўлловчи орган ходимлари бундай муаммоларга дуч келмоқдалар? Ташкилотчилик фаолиятининг юридик табиати нимадан иборат? Аслида, ташкилот-

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта илмий-ҳодим изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

чилик иштирокчилик турларидан бири ҳисобланадими ёки йўқ?

Мазкур саволларга жавоб топиш учун суд амалиёти ва бу борадаги адабиётларни таҳлил қилганимизда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимларининг қарийб 76,8 фоизи, мазкур ҳолатнинг асосий сабаби «қонунчиликнинг ташкилотчиликка оид нормасини мукамал эмаслиги», «назарияда ташкилотчиликнинг юридик мазмунига оид турлича ёндашувлар билдирилганлиги» ва «ташкилотчи фаолиятга ҳуқуқий баҳо беришга оид раҳбарий қоидалар ишлаб чиқилмаганлиги»да, деб ҳисоблашади. Айтиш жоизки, Олий суд Пленумининг тегишли қарорларида ташкилотчининг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришга оид айрим қоидалар назарда тутилган, бироқ уларнинг барчаси ташкилотчилик қилмишга ҳуқуқий баҳо беришнинг амалиётда учраётган бутун муаммоларини ўзида ифода этмаган ва улар фақатгина алоҳида турдаги жиноятларга нисбатан чиқарилган холос. Юқоридаги ҳолатлар эса, таҳлил қилинаётган масаланинг нечоғлиқ долзарб эканлигини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, ташкилотчининг тушунчаси, турлари ва унинг белгиларига доир масалалар жиноят ҳуқуқи доктринасида турлича талқин қилинади. Масалан, назарияда ҳанузгача ташкилотчининг тушунчаси борасида ягона тўхтама келинмаган. Хусусан, юридик адабиётда ташкилотчиликка қуйидаги мазмундаги тушунчалар берилган:

1) жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади¹;

В частности, диспозиция ч. 2 ст. 277 УК, предусматривающая ответственность за хулиганство, является ссылочной и, соответственно, не может применяться без учета признаков диспозиции первой части этой статьи УК. Следовательно, при квалификации преступления по статье УК, содержащей ссылочную диспозицию, для уяснения объективных и субъективных признаков необходимо обратиться к другим статьям Особенной части уголовного закона или другим частям статьи, по которой осуществляется уголовно-правовая оценка содеянного.

Представляется, что правило ссылки на другую часть статьи требуется не только при наличии ссылочной диспозиции. Использование такого правила ссылки в отдельных случаях позволяет правоприменителю отграничить одно смежное преступление от другого. Так, умышленное убийство следует квалифицировать по части первой ст. 97 УК, если отсутствуют квалифицирующие признаки, указанные в части второй данной статьи, а также смягчающие обстоятельства, предусмотренные ст. ст. 98–101 УК. Например, убийство совершено в ссоре или драке при отсутствии хулиганских побуждений, ревности, мотивов мести, зависти, ненависти, возникших на почве личных отношений.

Правила квалификации при комбинированной диспозиции обусловлены ее содержанием. Так, если ч. 1 ст. 250 УК содержит элементы двух видов диспозиций: бланкетной «Нарушение правил ... » и описательной « ... хранения, учета, использования, провоза, пересылки взрывчатых, легковоспламеняющихся, едких веществ, либо пиротехнических изделий, ... », то в данном случае квалификация осуществляется по правилам установления описательной и бланкетной диспозиций.

Применение уголовного закона в процессе квалификации обуславливается также знанием правоприменителя пределов действия закона как в пространстве, так и во времени.

Квалификация преступлений, определяемая действием уголовного закона в пространстве. Согласно территориальному принципу действия закона в пространстве квалификация преступления осуществляется по уголовным законам, действующим в месте совершения преступления (ст. 11 УК). Разработанные законодателем и закрепленные в ч. 2 ст. 11 УК правила признания деяния совершенным на территории Республики Узбекистан позволяют правоприменителю верно применить УК.

Для установления места совершения преступления имеет значение учет особенностей его законодательной конструкции. Так, при квалификации преступлений с формальным составом местом совершения прес-

тупления следует считать то место, где совершено конкретное общественно опасное действие или бездействие. При квалификации преступлений с материальным составом местом совершения, как правило, следует считать место наступления конкретного общественно опасного последствия.

Принципом гражданства при квалификации преступления руководствуются в тех случаях, когда преступление совершается за пределами территории Республики Узбекистан гражданами Узбекистана или лицами без гражданства, постоянно проживающими на территории нашего государства (ч. 1 ст. 12 УК). Обязательным условием привлечения к уголовной ответственности по закону Республики Узбекистан является тот факт, что указанные лица не понесли наказание по приговору суда государства, на территории которого ими было совершено преступление. Данное правило исходит из принципа справедливости (ст. 8 УК).

При универсальном принципе общественно опасные деяния иностранных граждан, а также лиц без гражданства, не проживающих постоянно в Узбекистане, совершенные вне его пределов, подлежат квалификации по уголовному закону Узбекистана лишь в случаях, предусмотренных международными договорами или соглашениями.

Правила квалификации преступлений, определяемые действием уголовного закона во времени. При квалификации преступлений по правилам действия закона во времени необходимо руководствоваться общим принципиальным положением: «Преступность и наказуемость деяния определяются законом, действующим во время его совершения» (ч. 1 ст. 13 УК). Анализ ч. 1 ст. 13 УК показывает, что законодатель прямо в законе определил правила квалификации преступлений, исходя из конструкции составов преступлений. Так, основываясь на указанных правилах, можно утверждать, что для преступлений с формальным составом временем совершения преступления признается время исполнения общественно опасного деяния, а для преступлений с материальным составом временем совершения

преступления признается время наступления преступных последствий.

Важным для квалификации преступления в теоретическом и практическом отношении является положение об обратной силе уголовного закона. По общепринятому в доктрине уголовного права мнению и положению УК Республики Узбекистан, правила квалификации преступления при обратной силе уголовного закона состоят в том, что к лицу, совершившему соответствующее деяние до вступления в силу нового закона, а также к лицам, отбывающим или отбывшим наказание, но имеющим судимость, подлежит применению новый закон, если он устраняет преступность деяния, смягчает наказание или иным образом улучшает положение таких лиц (ч. 2 ст. 13 УК). И соответственно, закон, устанавливающий преступность деяния, усиливающий наказание или иным образом ухудшающий положение лица, не подлежит распространению на деяния, совершенные до его издания, и на лиц, их совершивших, т. е. обратной силы не имеет (ч. 3 ст. 13 УК).

Исходя из этого, основной вопрос при квалификации преступлений по правилам обратной силы уголовного закона состоит в решении вопроса о том, какой закон устраняет преступность деяния, смягчает наказание или иным образом улучшает положение лица, совершившего преступление.

Квалификация преступления как часть процесса применения уголовного закона теоретически и практически возможна на всех стадиях уголовного процесса. При этом квалификация преступления во всех этих случаях связана с принятием определенного решения и закрепления этого решения в соответствующем юридическом акте (например, в постановлении о возбуждении уголовного дела или об отказе в возбуждении уголовного дела). Безусловно, принятие такого правового акта должно основываться на законе.

Мақолада жиноят қонунини қўллаш босқичларига ҳамда жиноят-ҳуқуқий нормалар турлари, жиноят қонунининг амал қилишига кўра жиноятларни квалификация қилишининг айрим қоидалари кўриб чиқилган.

¹ Здесь и далее определения и признаки общих положений уголовного права взяты из учебника: Уголовное право. Общая часть / А. С. Якубов, Р. Кабулов и др. – Т., 2005. – 527 с.

Таянч иборалар: қонун, модда, норма, ҳуқуқий баҳо бериш, жиноий, жиноят, ҳуқуқни қўлловчи

Мақолада жиноят қонунини қўллаш босқичлари ҳамда жиноий-ҳуқуқий нормалар турлари, жиноят қонунининг амал қилишига кўра жиноятларни квалификация қилишининг айрим қоидалари кўриб чиқилган.

Ключевые слова: закон, статья, норма, квалификация, уголовный, преступление, правоприменитель.

В статье рассмотрены отдельные правила квалификации преступлений, обусловленные стадиями применения уголовного закона, видами уголовно-правовых норм, а также действием уголовного закона в пространстве и во времени.

Key words: law, article, norm, qualification, criminal, law enforcer.

The article deals with separate rules of qualification of crimes conditioned by the stages of application of criminal law, the types of criminal-legal norms and the effect of the law in space and time.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бугунлик кунда барча экологик қонун талабларининг жамият ва инсон манфаатлари йўлида тўла-тўқис амалга оширишда экологик назоратнинг алоҳида ўрни бор. Чунки табиати мусаффо, экологик хавфсиз ҳамда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиладиган ва муҳофаза этиладиган ҳудудларда экологик назорат талаблари кенгроқ даражасида қўлланилади.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида экологик таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тиклаш ҳамда келажак авлодларга бус-бутун етказиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу мақсадда уларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш соҳасида муҳим экологик ҳуқуқий асосларнинг яратилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-м), ҳамда «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» (55-м), – деб кўрсатилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури,¹ ҳам мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш, айниқса экологик назоратни замон талаби асосида олиб боришда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўринини белгилашга қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман»² деган ғоялари катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Юридик адабиётларда давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш воситаси³ «назорат» давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг асосий усули, бошқарувнинг муҳим функцияси⁴, сифатида таърифланган.

Умумий маънода экологик назорат табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш устидан мунтазам кузатув олиб бориш фаолияти деб тан олинган.

Илмий манбаларда «назорат» тушунчасининг экологияга боғланганлигини ҳар хил кўринишлардаги «экологик назорат», «давлат экология назорати», «жамоат экология назорати» ва бошқа шу каби сўз бирикмалари билан ифодаланганини учратиш мумкин. Мазкур тушунчалар ичида кенг маъно касб этадигани «экология назорати»дир.

Уни кенг маънодаги тушунча дейишимизга сабаб, у тижорат (хусусий) корхоналар ва давлат ташкилотлари олиб борадиган назоратни ҳам ўз ичига қамраб олади⁵.

Профессор Ш.Ҳ.Файзиёвнинг фикрича, «экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан

* Тошкент Давлат юридик университети экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор.

оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади»⁶.

Профессор Й.О.Жўраевнинг таъкидлашича, «экологик назорат – корхона, муассаса, ташкилотлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва фуқаролар томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларга риоя этилишини текшириш, атроф табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва мониторингини юритиш, экологик экспертиза ўтказиш, шунингдек, ушбу соҳада бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат»⁷.

Амалиётчи олим Б.Ҳ.Калонов «экология назоратни «жамиятда мавжуд бўлган давлат ва нодавлат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни умумлаштирувчи тушунча»⁸, – деб таъкидлайди.

Профессор В.В.Петров эса, экологик назорат тушунчаси тўғрисида сўз юритар экан, уни давлатнинг бошқарув тизимида мавжуд бўлади, деб ҳисоблайди ҳамда «Атроф табиий муҳит сифатини бошқариш тизимидаги экологик назорат уч бирлик йиғиндиси сифатида: давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш функцияси намоён бўлиши; атроф муҳит сифатини бошқариш тизимининг ажралмас элементи; табиатни муҳофаза қилиш нормалари бажарилиши самарасининг кафили сифатида қаралади»⁹, – деб эътироф этади.

Шунингдек, бевосита экология назорати муаммолари бўйича махсус илмий тадқиқот олиб борган профессор А.К.Голиченков ҳам умумий тарздаги экология назорати давлат бошқаруви функциясига киради, деб ҳисоблаб, уни икки хил нуқтаи назардан, яъни биринчидан, атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳамда табиатдан фойдаланиш борасидаги давлат бошқарувининг функцияси сифатида ва иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар-

ни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқарувининг қонунийлигини таъминлаш усулларининг амалга оширилиши сифатида кўриб чиқади¹⁰.

Таниқли олим, М.Нажимовнинг фикрича эса, «экологик назорат деганда, давлат экологик функциясининг асосий шаклларида бири сифатида давлат органларининг хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият таъсирида бўлган атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида объектлари ҳолатини ҳамда барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларни бажаришларини кузатиб бориш, экологик қонунчилик нормалари ва талаблари бузилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш борасидаги ҳуқуқий фаолиятини тушуниш лозим»¹¹.

Айни вақтда, профессор Б.В.Ерофеев ҳам экологик назоратни давлатнинг экологик функцияларидан бири сифатида таърифлайди¹².

Шунингдек, О.Д.Утегеновни олиб борган илмий тадқиқотида экологик назорат табиат захираларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш устидан мунтазам кузатув олиб бориш фаолияти сифатида ҳам таърифланади¹³.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни ҳулоса қилиб айтганда, экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий усулларида ҳисобланиб, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, экология назорати табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаши; *иккинчидан*, табиат захираларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиши; *учинчидан*, антропоген таъсирнинг табиатга тиклаб бўлмайдиган экологик зарар етказишига йўл қўймаслиги; *тўртинчидан*, барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф табиий муҳитни

муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларни бажаришларини кузатиб бориши; *бешинчидан*, табиатдан ноқонуний ва нотўғри фойдаланилишининг олдини олиш ва айбдорларга тегишли таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши; *олтинчидан*, эндиликда экологик назорат экология ҳуқуқида алоҳида ягона бир институтни ташкил этиб, у ўзида бир қатор субинститутларни бирлаштирганлиги¹⁴ каби хусусиятлари билан алоҳида аҳамият касб этади.

Зеро шу маънода, Юртбошимиз томонидан таклиф этилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш борасидаги концептуал ғоялар мамлакатимиздаги экологик қонунчиликнинг ҳуқуқий асосини янада бойитди ҳамда экология соҳасидаги қонун талабларини беками-кўст амалага оширилишида асосий ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилди ва бир қатор экологик муаммоларни бартараф қилишга ёрдам берди.

Нихоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги¹⁵ Қонуни бу соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Мамлакатимизда экологик назоратга оид муносабатларни тартибга солувчи ушбу қонун ҳужжатини ишлаб чиқилиши, миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзида намоён этганлиги ва халқаро талабларга мослиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда бир қатор ривожланган давлатларнинг экологик назоратга оид тажрибасига муурожаат этсак.

Жумладан, **АҚШда** экологик назоратга оид муносабатлар асосан «Атроф муҳит соҳасидаги миллий сиёсат тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонунда хўжалик объектларининг экологик мувозанатга таъсири ва табиий ресурслар сифатини сақлаб қолишни тартибга солиш ва баҳолаш концепциясига асосланган фаолиятининг кафолатлари ва ҳуқуқлари белгиланган.

Мазкур қонун билан қуйидагилар белгилаб қўйилган: атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органларининг жавобгарлиги; режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг умумий талаблари ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини режалаштириш; Президентнинг ижро аппарати доирасида ёрдамчи ва маслаҳат органи сифатида Атроф табиий муҳит сифати бўйича Кенгаш тузиш (Кенгаш экологик сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни назорат қилишда асосий ўрин эгаллайди); АҚШ Президентига атроф табиий муҳит сифати ва унинг ўзгаришлари тенденцияси тўғрисида йиллик маъруза тайёрлаш ва тақдим қилиш мажбуриятини юклаш ва бошқалар.

АҚШда экология соҳасида давлат бошқрув органлари тизими бир мунча мураккаб ҳисобланади. Федерал даражада ижро ҳокимияти органлари тузилмасида Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича агентлик мавжуд ва у асосан, сув объектлари, атмосфера ҳавоси ва ер усти ифлосланишининг олдини олиш ва бартараф этиш учун масъул ҳисобланади. Ҳар бир штатда фақат губернаторга бўйсунадиган атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича агентликлар ёки унга тенглаштирилган органлар фаолият кўрсатади.

Ушбу органлардан ташқари Ер бошқаруви бюроси, Миллий парклар хизмати, Балиқ ва ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш хизмати ҳам фаолият юритади. Шунингдек, Полиция тузилмасида Геологик кузатув, Рекламация (сув хўжалиги мелиорацияси) бюроси; Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибида Ўрмон хизмати, Тупроқни муҳофаза қилиш хизмати; Савдо вазирлиги таркибида – Миллий океан ва атмосфера маъмурияти (НОДА) бўлиб, унинг ичига Денгиз балиқ захиралари хизмати ва Соҳил бўйи бошқаруви бўлими киради; Транспорт вазирлигида – Қирғоқ кўриқлаш хизмати; АҚШ Адлия вазирлиги тизимида – Атомни тартибга солиш комиссияси, Ер ва табиий ресурсларни бошқариш хизмати фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, АҚШда 1948 йил 30 июнда «Федерал сувларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва 1955 йил 14

июлда «Тоза ҳаво тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлиб, уларда ҳам экологик назорат билан боғлиқ қоидалар белгиланган.

Буюк Британияда экологик назоратга оид муносабатларни тартибга солиш авваломбор, «Атроф муҳитни ифлослантиришни назорат қилиш тўғрисида»ги қонунга асосланади. Унда «ифлосланишнинг олдини олиш» концепциясига асосланган ҳуқуқлар ва фаолият кафолатлари белгиланган.

Буюк Британиянинг асосий экологик қонуни мазмуни инглиз амалиёти асосан алоҳида табиат объектларининг ҳолатига антропоген таъсирнинг даражасини ва умуман экологик мувозанатни тартибга солишга қаратилган.

Атроф муҳит тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланишига жамоат экологик ҳаракатлари ҳам салмоқли таъсир кўрсатиб келмоқда.

Буюк Британия атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш нисбатан енгилроқ тартибда амалга оширилган давлатларга мисол бўла олади. Ушбу давлатда ёзма конституция ёки экологик қонунчилик асосига қўйилиши мумкин бўлган консолидациялашган ҳужжат ҳам йўқ. Ушбу давлатнинг экологик қонунчилиги кўплаб миқдордаги қонун ва қонун ости ҳужжатларидан иборат бўлиб, улар табиий муҳитнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилиш ёки табиий муҳитга инсон таъсирининг алоҳида турларини тартибга солишга бағишланган.

Мазкур қонун тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда қуйидаги жиҳатлар тартибга солинган:

1) маиший-хўжалик, саноат ва ишлаб чиқариш, айниқса, инсон учун ошиқча хавф манбаи бўлган чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлашнинг мутлақо янгича тизими жорий этилган;

2) сувни ифлослантиришни сув инспекцияси томонидан назорат қилиш ваколатнинг салмоқли қисми кенг жамоатчилик ва алоҳида фуқароларга ўтказилиши ҳисобига қайтадан кўриб чиқилган;

3) Буюк Британия атроф муҳит вазири тозаланмаган оқава сувларни чиқарганлик учун солиқ солиш ваколатига эга;

4) ҳавони ифлослантиришни тартибга солишнинг қўшимча чоралари киритилиб, давлат томонидан фойдаланилган транспорт ёқилғиси ва бошқа шу каби моддаларнинг кимёвий таркибини назорат қилиш тартиби белгиланган.

Буюк Британияда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида бошқарувга Атроф муҳит вазирлиги бошчилигидаги ваколатли давлат органлари раҳбарлик қилади. Вазирлик бевосита маъмурий усуллардан фойдаланмай, асосан мувофиқлаштириш функциясини бажаради ва умумий сиёсий раҳбарликни таъминлайди, айна вақтда жорий бошқарув асосан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

Германияда эса, 70-йилларнинг бошида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Бу борада биринчилардан бўлиб 1972 йилда «Чиқиндиларни йўқ қилиш тўғрисида»ги қонун, кейинчалик 1974 йилда «Атроф муҳитни экологик зарарли чиқиндиларнинг таъсиридан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 1976 йилда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги федерал қонунлар қабул қилинди, 1990 йилдан бошлаб ташкилот хўжалик фаолиятининг экологик оқибатлари устидан назорат ўрнатилди.

Бугунги кунда Германиянинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсати қуйидаги тўрт принципга асосланган:

– етказилган зарарни айбдор ҳисобидан қоплаш атроф табиий муҳитни ифлослантиришни маблағларидан бартараф этишни кўзда тутати, бу эса аввалбошданок экоциднинг олдини олишга хизмат қилади;

– профилактика принципи, у ҳам юқоридаги сингари функцияни бажариб, инсонга атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш заруриятини эслатиб туришга қаратилган;

– ҳамкорлик принципи, барча шахсларни экологик қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этишни назарда тутати;

– интеграция принципи, у барча сиёсий даражаларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини кафолатлашга қаратилган.

Ушбу принциплар «доимийлик принципи» асосида шаклланади, унга мувофиқ, табиий ресурслардан фойдаланиш натижасида мураккаб атроф табиий муҳит тизими издан чиқмаслиги, тизимнинг ўзини ўзи тиклаш қобилияти сақланиб қолиниши ва пировардида узоқ истиқболда ҳам биологик хилма-хиллик таъминланиши лозим.

Атроф табиий муҳит ҳолатининг яхшиланиши Германиянинг бирлашуви билан ҳам боғлиқ.

1974 йилда қабул қилинган «Атроф муҳитни экологик зарарли чиқиндилар таъсиридан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Атроф муҳит ишлари бўйича федерал вазирлик таъсис этилди. Ерларда ташкил этилган тегишли идоралар сув ва атмосфера ҳавоси сифатининг белгиланган меъёрлари ва стандартларини назорат қилиб борадилар ҳамда федерал ҳокимият ва жамоатчилик билан ҳамкорликда экологик қонунчиликни бузувчи тадбиркорлар ва бошқа ҳуқуқбузарларга қарши курашадилар. Ушбу жараёнда «табиатни ким кўпроқ ифлослантирса, кўпроқ тўлайди» принципига асосланган солиққа тортиш тизими такомиллашиб боради.

Экологик сиёсатнинг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишлари Россия Федерациясининг 2002 йил 31 августдаги Экологик доктринасида белгилаб қўйилган. Ушбу доктрина, шунингдек, «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ғояларини янада ривожлантириш мақсадида Россия Федерациясининг алоҳида субъектларида ҳам тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, жумладан Бошқортостонда – Экология кодекси, Москвада «Москва шаҳрида давлат экологик назорати тўғрисида»ги Қонун (05.12.2004 й.), Ярославда – Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун (23.04.2002 й.) шулар жумласидандир.

Эстонияда 2001 йил 6 июнда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу Қонун 2001 йил 7 июлдан кучга кирган бўлиб, 6-бўлим, 38-моддадан иборат, унда экологик назорат ва ташкилотларнинг мажбуриятлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва инспекторларнинг мажбуриятлари, назорат жараёни, табиий маҳсулот олиш устидан назорат каби масалалар тартибга солинган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунининг амалиётда қўлланиши ва экологик қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Шу муносабат билан, Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги¹⁶ қонуни катта аҳамиятга эга бўлди.

Экологик назорат тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва амал қилиши бир қатор хусусиятлари билан фарқланади.

биринчидан, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади;

иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда асосий роль ўйнайди;

учинчидан, мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини ўзида акс эттиради ва мустаҳкамлайди;

тўртинчидан, экология соҳасида давлат бошқарувининг асосий элементи ҳисобланади;

бешинчидан, давлатнинг экология соҳасидаги назорат функциясини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга;

олтинчидан, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, барча экологик қонун талабларини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

еттинчидан, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур қонун, 4-боб, 27-моддадан иборат бўлиб, унинг мақсади экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу қонуннинг биринчи боби, «Умумий қоидалар», – деб номланиб у ўзида 1-9 моддаларни ўзида мужассам этган.

Қонуннинг биринчи бобида унинг мақсади, экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, экологик назорат тушунчаси, экологик назоратнинг асосий вазифалари, экологик назоратнинг асосий принциплари, экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, экологик назорат объектлари, экологик назорат субъектлари, экологик назоратнинг турлари аниқ ва батафсил кўрсатилган.

Экология соҳасидаги давлат экологик назорати – экологик назоратнинг қонунчиликдаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: экология соҳасида давлат назорати – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоидалари ва талабларини барча вазирликлар, давлат қўмиталари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида кўрсатилганидек, экологик назоратни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатга эга давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари амалга оширади. Махсус ваколатга эга давлат органлари сирасига Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги киради. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экология хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

Экология соҳасида идоравий экологик назорат – вазирликлар, давлат қўмиталари ва ўзига буйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини назорат қилувчи идораларнинг экологик хизматлари томонидан амалга оширилади.

Экология соҳасида ишлаб чиқариш экологик назорати – фаолияти табиат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ ёки атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда бевосита амал қилади.

Жамоатчилик экологик назорати – атроф табиий муҳит ҳолати ва экологик қонун-

чиликни амалиётда қўллашни жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (касаба уюшмалари, маҳалла йиғинлари, жамғармалар) ва фуқаролар томонидан текширишдан иборат.¹⁷

Қонуннинг иккинчи боби, «Экологик назорат субъектларининг ваколатлари», — деб аталиб у ўзида 10-18 моддаларни қамраб олган.

Ушбу бобда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, уларнинг ваколатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари каби масалалар атрофлича ўз ифодасини топган.

Қонуннинг учинчи боби, «Экологик назоратни амалга ошириш», – деб номланиб 19-22-моддаларнинг моҳиятини ўзида ифода этган.

Мазкур бобда, Экологик назоратни амалга ошириш тартиби, экологик назоратнинг шакллари ва усуллари, экологик назорат натижаларини расмийлаштириш, экологик назорат натижаларини рўёбга чиқариш шакллари каби долзарб масалалар аниқ кўрсатилган.

Қонуннинг тўртинчи боби, «Яқунловчи қоидалар», – деб номланиб, у 23-27-моддаларни ўзида бирлаштирган.

Ушбу бобда, экологик назоратни амалга оширишга аралашининг тақиқланиши, низоларни ҳал этиш, экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш, ушбу қонуннинг кучга кириши каби замонавий масалалар кенг ва атрофлича ўз ифодасини топган. Айниқса, қонуннинг 23-моддасида, экологик назоратни

амалга оширишга аралашининг тақиқланиши ҳолатининг ифода этилиши ўта муҳим бўлиб, экологик назоратни амалга оширишга аралашини, экологик назоратни амалга оширувчи мансабдор ва ваколатли шахсларга, жамоатчи инспекторларга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш тақиқланиш тартибини мустаҳкамлайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мазкур қонун ўз моҳияти ва мазмунига кўра ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги қонунлари талабига ҳамда халқаро андозаларга тўла жавоб бериб, кўрсатилган юқоридаги барча ҳолатлар мазкур қонуннинг яратилишидаги бир қатор ўзига хос янги хусусиятларни ҳам эътироф этишни тақозо этади.

биринчидан, – «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикасида экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, бозор шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари мос амалга оширилишини;

иккинчидан, бу қонун илк маротаба қабул қилинаётганлиги муносабати билан, собиқ иттифоқ давридаги қонунлардан батамом фарқ қилиб, ҳозирги шароитда экологик назорат соҳасидаги муносабатлар ва улар билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муаммоларини янада кенгроқ ўрганишни тақозо этади билан;

учинчидан, ушбу қонун ўзида илк маротаба экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор тушунчаларни яъни; давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назорати каби тушунчаларни ўзида ифода этиши билан;

тўртинчидан, қонун ўзида барча экологик қонун талабларини амалга оширишни тақозо этиб экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тегишли вазирлик, қўмита ва

ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда тартибга солиш ва бу соҳадаги ёндашув жараёнларини мустаҳкамлаши;

бешинчидан, мазкур қонун ёшларда экологик ҳуқуқий таълим-тарбияни узлуксизлигига, чамбарчас олиб борилиши ва ўқитилишига ҳамда, оилада олинган экологик ҳуқуқий билимларни самарадорлигига эришишни, экологик ва аграр қонун талабларини ҳамда уларни моҳиятини аҳолига ва ёшларимизга кенгроқ тушунтиришни ҳам талаб этади.

олтинчидан, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун табиий муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмини, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия, аҳолининг экологик ҳуқуқий маъданиятини ошириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, бу борадаги билимларни мустаҳкамлаш орқали келажак авлодларимизнинг экологик тоза муҳитда яшаши учун замин яратиши;

еттинчидан, мазкур қонуннинг муҳим жиҳати шундаки, у барқарорлик, тарихийлик, замонавийлик ҳамда халқаро талабларга мос бўлиб, унинг нормалари, принциплари экологик аҳамияти узоқ муддатли даврни ҳисобга олиб қабул қилинганлиги билан фарқланади ва бетакрор аҳамият касб этади.

Хуллас, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиб, бир қатор тадбирларни олиб борилиши аҳоли ўртасида мазкур қонун моҳиятини кенгроқ тушунтиришга, экологик назоратни мустаҳкамлашга оид экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданият, таълим ва тарбияни замон талаблари асосида олиб боришга, ушбу қонун мазмуни янада кенгроқ тушунтиришга, келажак ҳаётимиз учун масъулият билан яшашга ҳамда, **соғлом авлодни** дунёга келтириш ва уни тарбиялашга, энг асосийси атроф муҳитни келажак авлодга бус-бутун қолдириб, қабул қилинган мазкур қонун талабларини қўллаш ва бажаришга катта ёрдам беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. – № 22. – 282-м.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., – 2010. – Б. 16.

³ Лунев А.Е. Теоретические проблемы государственного управления. – М., 1974. – С. 139-140;

-
- ⁴ Жураев Й. О. Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы . – Т., – 1990. – С. 55.
- ⁵ Калонов Б.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Т., 2004. – Б. 16-17.
- ⁶ Экология ҳуқуқи: Дарслик // М.Б.Усмонов таҳрири остида. – Т., 2001. – Б. 81.
- ⁷ Экологическое право Республики Узбекистан. Учебник . – Т., – 2006. – С.113.
- ⁸ Қаранг: Калонов Б.Х. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. –Т., – 2004. – Б. 35.
- ⁹ Петров В.В. Экология и право. – М., 1981. – Б. 125.
- ¹⁰ Голиченков А.К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1992. – 14 с.
- ¹¹ Нажимов М. Давлатнинг экологик функцияси. Юрид.фан.номз....дисс. – Т., – Б. 122.
- ¹² Ерофеев Б.В. Экологическое право России: Учебник. – М., 2007. – С. 193-194.
- ¹³ Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. номз... дисс. – Т., 2010. – Б. 13.
- ¹⁴ Атаев Э.А., Холмунинов Ш.Ж. Место правовых норм о контроле в области охраны окружающей среды в системе экологического права // Философия и право, – 2012., – №1, – С. 89-90.
- ¹⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013. – № 52. – 688-м.
- ¹⁶ Ўша жойда.
- ¹⁷ Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. номз... дисс. – Т., – 2010. – Б. 22.; Умаров Д.М. Тенденции развития общественного экологического контроля// Общественный экологический контроль и его формы: научно-теоретические аспекты: Научно-практический семинар,– Т., 2012. – С. 171–175.

Таянч иборалар: экологик хавфсизлик, экологик таҳдид, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик назорат, экологик назорат турлари, экологик инспекция, назорат принциплари, объектлар, субъектлар, экологик назорат шакллари, экологик назорат жамоатчи инспектори, экологик ҳуқуқбузарлик, экологик ҳуқуқий жавобгарлик.

Мақолада экологик назорат экологик хавфсизлик манбаи сифатида кўриб чиқилди, экологик назорат тушунчаси турлари, принциплари, объекти ва субъектлари, экологик назорат шакллари, шунингдек, жамоатчи инспектор, экологик назорат, экологик ҳуқуқбузарлик ҳамда экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчалари таҳлил қилинади. Халқаро-ҳуқуқий тажрибалар, экологик назоратнинг аҳамияти ва мазмуни баён этилади.

Key words: environmental safety, ecological threat, environmental protection, ecological monitoring, types of ecological monitoring, ecological inspection, objects of ecological monitoring, subjects of ecological monitoring, forms of ecological monitoring, public inspector of ecological monitoring, ecological offence, ecological and legal responsibility.

The article deals with the ecological monitoring as a source of environmental safety. The author analyses the notion, types, principles, objects, subjects and forms of ecological monitoring and the notions of public inspector of ecological monitoring, ecological offence and ecological and legal responsibility as well. International-legal experience, the significance and content of ecological monitoring are investigated.

Ключевые слова: экологическая безопасность, экологическая угроза, охрана окружающей среды, экологической контроль, виды экологического контроля, экологическая инспекция, объекты, субъекты, формы экологического контроля, общественный инспектор экологического контроля, экологическое правонарушение, эколого-правовая ответственность.

В статье рассматривается экологический контроль как источник экологической безопасности, анализируются понятие, виды, принципы, объекты и субъекты, формы экологического контроля, а также понятия общественного инспектора экологического контроля, экологического правонарушения и эколого-правовой ответственности. Исследуется международно-правовой опыт, значение и содержание экологического контроля.

А. А. Иминов*, Ф. Кадилов**
М. Х. Джаматов***

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАРНИНГ ОПТИМАЛ ЕЧИМЛАРИНИ АНИҚЛАШДА MICROSOFT EXCEL ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳозирга даврни тавсифлаб, «Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас»¹ деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ахборот соҳасини ислоҳ қилишдан иборат. Бу борада давлатимиз раҳбари «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз»² деб, ахборот соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини очиб берган эдилар. Шу маънода шиддат билан ривожланиб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиш учун барча соҳалар каби ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни давр тақозо этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2013 йил 14 декабрдаги навбатдан ташқари Хайъат йиғилишида ҳамда Вазир-

ликнинг 2013 йил 25 декабрдаги кенгайтирилган тезкор йиғилишида Вазирлик тизимига қўйилган талабларни амалга ошириш ҳамда ички ишлар идораларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиб, барча соҳавий хизматлар ва ҳудудий бўлинмалар фаолиятини тубдан янгилаш, ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг ишини қайтадан ташкиллаштириш лозимлиги таъкидланди. Шу маънода, ички ишлар идоралари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш босқичида бошқарув тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни талаб этувчи вазибалар юзага келмоқда. Ана шундай вазибалардан бири ички ишлар органлари фаолиятидаги айрим масалаларнинг оптимал ечимларини аниқлашда Microsoft Excel дастурлари имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Бундай масалаларнинг ечимларини аниқлашда Microsoft Excel дастуридаги Solver - ечимларни қидириш дастурлари пакетидан фойдаланилади. Бу пакет амалларни тадқиқ қилиш назариясининг асосий йўналишларидан бўлган математик программалаш усуллари ва алгоритмлари асосида яратилган³.

Тизимни электрон жадваллар ёрдамида тадқиқ қилиш жараёнини кундалик амалий фаолиятда жадваллар орқали бажариладиган ҳисоб-китобларнинг табиий давоми деб қараш мумкин. Бу фаолиятга «Нима бўлади, агар ... ?», «Бу қандай ўзгаришларга олиб келади?» деган нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Бу савол-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедраси бошлиғининг ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедраси доценти, техника фанлари номзоди, доцент.

*** Ўзбекистон Республикаси ИИВ информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедраси катта ўқитувчиси физика-математика фанлари номзоди.


ларнинг жавоблари табиий ресурслардан фойдаланишнинг оптимал тактикаси ва стратегияси, «оптимал нуқта»га эришиш ва шу каби масалаларнинг ечимларига боғлиқ ҳолда топилади. Жавобларни топиш ихтиёрий тизим тадқиқотининг асосий мақсадини ташкил этади. Демак, электрон жадвалларда амалга ошириладиган оддий ҳисоб-китоблар билан бундай жадвалларда бошқарувнинг оптимал ечимларни қидириш табиий боғланган.

Ечимларни қидириш дастурлари пакетидан фойдаланиб аниқланган оптимал ечимлар кўп ҳолларда тадқиқотчи учун кутилмаган ҳол бўлиши мумкин, чунки инсоннинг имконияти барча мавжуд ечимларни бирма-бир ўрганиб чиқиш борасида чегараланган. Шу нуқта назардан, бошқарув фаолияти масалаларида оптимал ечимларни қидириш дастурларидан фойдаланиб, кутилмаган, «табиий интеллект» назаридан четда бўлган натижаларни олиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари фаолиятининг турли йўналишларидаги муаммоларнинг бир қанча ечимлари орасидан энг яхшиси, энг самаралисини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда, бундай ечим оптимал деб аталади. «Оптимал» - лотинча «optimus» сўзидан олинган бўлиб, энг яхши (мавжуд имкониятлар доирасида ундан яхшиси йўқ), энг маъқул, энг самарали каби маъноларни англатади⁴.

Оптимал ечимни излаш масаласи кенг кўламли бўлиб, математикада аввало экстремал (максимал ёки минимал) масалалар деб аталувчи соҳани қамраб олади.

Solver ечимларни қидириш дастури Excel электрон жадвалининг қўшимча воситаси бўлиб, ундан 1991 йилдан буён Ечимларни қидириш (Excel Solver - Поиск решений) дастури Excel жадвал процессорининг қўшимча воситаси бўлиб, ундан 1991 йилдан буён чизиқли тенгламалар системасини, оптималлаштиришнинг чизиқли ва чизиқли бўлмаган масалаларини ечишда фойдаланилади.

Одатда, Excel дастурининг **Поиск решения** (ечимни қидириш) воситаси фаоллаштирилмаган ҳолатда бўлади. Excel 2007 дастурида уни фаоллаштириш учун **Microsoft Office** тугмасига  сичқонча кўрсаткичи келтирилиб, чап тугмаси босилади. Бунинг натижасида очилган ойнанинг қуйи

қисмида жойлашган **Параметры Excel** тугмаси фаоллаштирилади. Ҳосил бўлган шу номдаги мулоқот ойнанинг чап қисмига жойлашган **Надстройки** тугмаси босилади. Ўнг ойнанинг қуйи қисмига жойлашган Управление майдонидаги **Надстройки Excel** қиймати танланиб, **Перейти** тугмаси босилади. Натижада ҳосил бўлган **Надстройки** номли мулоқот ойнанинг **Доступные надстройки** майдонидаги **Поиск решения** пункти қаршисига белги (байроқча) қўйилиб, у **OK** тугмасини босиш билан тасдиқланади⁵.

Ички ишлар идоралари фаолиятида қўриқлаш объектларига шахсий таркибни етказиш ҳисобларини бажаришда транспорт масаласини қўллашни кўриб чиқайлик. Транспорт масаласи чизиқли дастурлаш масалаларининг бир кўриниши бўлиб, унда одатда, вақт ёки масофа оптималлик мезони ҳисобланади⁶.

Агар i тумани ички ишлар бошқармасидан j объектга тезкорлик билан етказиладиган ходимлар сонини x_{ij} , битта ходимни ташиш қийматини c_{ij} деб белгиласак, у ҳолда $x_{ij} * c_{ij}$ катталиқ ходимларни ташиш қийматини ифодалайди. Демак, барча шахсий таркибни қўриқланадиган объектларга ташиш қиймати қуйидаги математик боғланиш орқали аниқланади:

$$Z = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m c_{ij} x_{ij}$$

Бунда баъзи шартлар, яъни чекловлар бажарилиши шарт: туман ички ишлар бошқармасидан ажратилган барча ходимлар қўриқланадиган объектларга етказилиши ва бу ходимлар сонига бўлган талаб қаноатлантирилиши керак.

Оммавий тадбирлар ўтказилишида жамоат тартибини сақлаш учун туман ички ишлар бошқармаларидан (ТИИБ-1, ТИИБ-2, ТИИБ-3) қўриқланадиган объектлар (О-1, О-2, О-3, О-4) учун ходимлар ажратилади. Бунда ТИИБ-1 25 нафар ходимни, ТИИБ-2 20 нафар ходимни, ТИИБ-3 эса, 10 нафар ходимни тадбирга жалб этади.

Қўриқланадиган объектлар учун ходимлар сонига бўлган эҳтиёж қуйидагича: О-1 объект учун 15 нафар, О-2 учун 12 нафар, О-3 учун 18 нафар ва О-4 учун 10 нафар ходим керак.

Хар бир ТИИБдан қўриқланиши режалаштирилган объектларгача бўлган масофа (км) куйидаги жадвалда берилган:

	О-1	О-2	О-3	О-4	Ажратилган ходимлар сони (нафар)
ТИИБ-1	12	8	16	4	25
ТИИБ-2	8	12	4	20	20
ТИИБ-3	12	8	16	16	10
Талаб этиладиган ходимлар сони (нафар)	15	12	18	10	55

Керакли миқдорда ажратилган ходимларнинг барчасини қўриқланаётган объектларга етказувчи автотранспорт воситаси босиб ўтадиган масофанинг энг кичик қийматини топиш талаб этилади.

Мазкур масалани **Excel** дастуридан фойдаланиб ечишда ходимларни қўриқланаётган объектларга ташишнинг куйидаги оптимал ечими олинди:

– ТИИБ-1 томонидан қўриқланаётган объектларга: О-1 га 3 нафар, О-2 га 12 нафар, О-4 га 10 нафар ходим;

– ТИИБ-2 томонидан О-1 га 2 нафар ва О-3 га 18 нафар ходим;

– ТИИБ-3 томонидан қўриқланаётган объектлардан фақат О-1 гагина 10 нафар ходим юборилади.

Қарор қабул қилишнинг математик модели бўлган оптималлаштиришнинг энг кенг тарқалган масаласи - маршрутлашни ўрганиш муҳимдир.

Ички ишлар идоралари фаолиятида маршрутлаш масалалари алоҳида ўрин тутди. Масалан, профилактика инспектори хизмат фаолияти чоғида фуқароларнинг турар жойларига боришига ва улар билан суҳбат ўтказишига тўғри келади. Пост-патруль хизмати йўналишини оптималлаштириш ушбу хизмат самарадорлигини ошириб, йўналишдаги бир объектдан бошқасига қисқа вақт ичида ўтилишини таъминлайди⁷.

Мисол тариқасида профилактика инспектори томонидан m та объект текширилиши керак бўлсин. Бу объектларнинг ҳудуддаги жойлашиши маълум ва $C = |c_{ij}|$, $i = \overline{1, m}$, $j = \overline{1, m}$ матрица билан аниқланади (C - масофалар матрицаси, c_{ij} – i - объектдан j - объектгача бўлган масофа). Инспектор жойлашган пункт

$i=1$ деб қабул қилинади. Ҳаракат шу пунктдан бошланади. Инспекторнинг энг қисқа вақт орасида ҳар қайси объектни бир мартадан текшириши, сўнгра бошланғич пунктга қайтиши талаб этилади, яъни у оптимал йўналишни тузиши керак.

Умумий ҳолда, масаланинг аниқ ечими m катталиқ билан тавсифланувчи масала ўлчамига ҳамда қўлланилаётган алгоритм ва компьютернинг самарадорлигига боғлиқ.

Мазкур масалада куйидагича математик моделдан фойдаланиш мумкин. Объектларни айланиб ўтиш режаси $|x_{ij}|$ – матрица орқали берилган бўлсин. Матрица элементлари иккилик сонлардан иборат, яъни $x_{ij} = 1$, агар инспектор i - объектдан j - объектга ўтса ва $x_{ij} = 0$, агар i - объектдан j - объектга бормаса.

Мақсад функциясининг $F = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^m c_{ij} x_{ij}$

минимумини куйидаги чекловларда аниқлаш талаб этилади:

$\sum_{i=1}^m x_{ij} = 1, j = \overline{1, \dots, m}$ – фақат бир марта j - объектга кириш;

$\sum_{j=1}^m x_{ij} = 1, i = \overline{1, \dots, m}$ – фақат бир марта i - объектдан чиқиш.

Бу турдаги масалаларда яна бир қўшимча шарт қўйилади:

$$u_i - u_j + (m-1)x_{ij} \leq m-2, i \neq j, i, j = \overline{2, \dots, m}.$$

Бу махсус шарт ўзаро боғланмаган бир қанча йўналиш ва циклларни бартараф этади, яъни инспекторнинг объектларни айланиб чиқиши ёпиқ маршрут бўйлаб амалга ошади.

Демак, инспекторнинг объектларни айланиб чиқишининг шундай режаси тузилиши керакки, «Умумий масофа» = «Масофалар матрицаси» * «Айланиб ўтиш режаси» минимал қийматни куйидаги чекловларда қабул қилиш керак:

- «Кириш» = 1 (инспекторнинг объектга кириши);

- «Чиқиш» = 1 (инспекторнинг объектдан чиқиши);

- ўзаро боғланмаган йўналишлар мавжудлигини истисно қилиш.

Бешта объект берилган бўлиб, улар орасидаги c_{ij} масофа (км да) куйидаги жадвалда берилган.

Объект рақами	1	2	3	4	5
1	∞	11	10	6	12
2	8	∞	6	7	9
3	7	5	∞	8	4
4	3	9	4	∞	5
5	4	6	7	4	∞

Жадвалнинг диагонал катаклариди чексиз белгиси (∞) ёзилган. Объектнинг ўзидан ўзига маршрут бўлмагани учун, бу белги ўрнига амалда жадвалдаги сонларга нисбатан катта сон кўрсатилади.

Excel дастурида масалани ечиш натижа-сида оптимал ечимга эришилади. Бунда мақсад функциясининг қиймати $F = 28$ бўлиб, объектларни айланиб чиқиш 1, 4, 3, 5, 2, 1 кетма-кетликда амалга оширилади.

Қўриқланаётган объектнинг ҳимоясига масъул раҳбар қуйидаги жадвалда берилган талаблар асосида посбонларнинг навбатчилик жадвалини тузиши керак.

Вақт	Посбонларнинг минимал сони (нафар)
0.00 – 4.00	14
4.00 – 8.00	14
8.00 – 12.00	8
12.00 – 16.00	7
16.00 – 20.00	9
20.00 – 24.00	12

Посбонларнинг навбатчилик вақти 8 соат бўлиб, смена бўйича амалга оширилади. Ҳар кунги сменалар сони олтига. Сменанинг бошланиш ва тугаш вақти қуйидаги жадвалда берилган:

Смена	Бошланиш вақти	Тугаш вақти
1	0.00	8.00
2	4.00	12.00
3	8.00	16.00
4	12.00	20.00
5	16.00	24.00
6	20.00	4.00

Масъул раҳбар объект қўриқланишида посбонларнинг умумий сони минимал қий-матга эга бўлиши учун ҳар қайси сменага нечтадан посбон тайинланиши керак?

Ушбу масаланинг математик моделини қуйидагича тушунтириш мумкин. Биринчи

сменада навбатчилик ўтаётган посбонлар сонини x_1 , иккинчи сменадагини x_2 ва шу тартибда қолган сменадагиларни x_3, x_4, x_5, x_6 деб белгилаймиз.

Мақсад функцияси барча посбонлар сонининг йиғиндисига тенг ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$F = x_1 + x_2 + x_3 + x_4 + x_5 + x_6 \rightarrow \min.$$

Масаланинг шартиди сменадаги посбон-лар сонининг минимал қиймати берилганини ҳисобга олиб, қуйидаги чекловларни тузамиз:

$$\begin{cases} x_6 + x_1 \geq 14 \\ x_1 + x_2 \geq 14 \\ x_2 + x_3 \geq 8 \\ x_3 + x_4 \geq 7 \\ x_4 + x_5 \geq 9 \\ x_5 + x_6 \geq 12 \\ x_i \geq 0, i = 1, \dots, 6 \end{cases}$$

Ҳар бир сменадаги посбон хизмат фао-лиятини икки вақт оралиғида, яъни биринчи сменадаги посбон 0.00 – 4.00 ва 4.00 – 8.00 оралиғида, қолганлар ҳам шундай тартибда ўташи лозимлигини инобатга олиш зарур.

Шу билан бирга, мазкур масаладаги ўзгарувчилар x_i бутун сонли қиймат қабул қиладилар.

Берилган талаблар асосида объектни қўриқлашга 33 нафар посбон жалб этилиши мумкин. Бунда, биринчи сменага 13, иккинчи сменага 1, учинчи сменага 7, бешинчи сменага 9 ва олтинчи сменага 3 нафар посбон талаб этилади. Тўртинчи сменага ҳеч ким жалб этилмайди. Биринчи сменанинг (0.00 – 4.00) вақт оралиғида 2 нафар посбон захирада бўлади. Қолган вақт оралиғида эса захира мав-жуд эмас.

Бу турдаги масала ўзига хос хусусиятга эга, яъни ундаги барча чекловлар бажарил-ганда, бир нечта оптимал ечимлар олиниши мумкин. Масалан, ечимнинг бошланғич қий-матлари (5, 5, 5, 4, 4, 4) деб берилса, пос-бонлар сонининг энг кам миқдори ўзгармасдан, уларнинг сменалар бўйича тақсимланиши ўзгаради. Бу эса масъул раҳбарга чекловларга киритилмаган (ёки киритиб бўлмайдиган)

ҳолатларни инобатга олиб жадвал тузиш имконини беради.

Юқорида келтирилгани каби жуда кўплаб масалаларнинг, масалан, купюраларнинг экспертизаси ва лавозимга тайинлаш каби масалаларнинг математик моделини ҳосил қилиш ва уни Excel дастури ёрдамида оптимал ечимларини топиш мумкин.

Юқорида келтирилганига ўхшаш юзлаб масалалар борки, уларнинг оптимал ечимларини топишда ички ишлар идоралари

бошқарув фаолияти натижаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ кўплаб турли масалаларни ечишда Excel электрон жадвали имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкин. Электрон жадваллар бошқарув фаолиятидаги кўплаб таҳлилий масалаларни ҳал қилишда, оптимал ечимларни қидиришда жуда қулай ҳисобланади ва ички ишлар идораларининг амалий фаолиятида қўлланилиши катта самара бериши шубҳасиз.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 70.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 16.

³ Амелин С. В. Математические методы в теории управления и исследование операций.– Воронеж, 2008.

⁴ Ревчук И. Н., Пчельник В. К. Компьютерные информационные технологии. – Гродно, 2005

⁵ Соловьев В. И. Методы оптимальных решений. – М., 2012.

⁶ Минько А. А. Принятие решений с помощью Excel. Просто, как дважды два. – М., 2007.

⁷ Задачи оптимизации в EXCEL. <http://exsolver.narod.ru/LM/index.html>.

Таянч иборалар: оптимал ечимлар, Solver – ечимларни қидириш дастурлари пакети, Microsoft Excel дастури, Поиск решения (ечимни қидириш), транспорт масаласи, ички ишлар идоралари фаолиятида маршрутлаш масалалари, математик модел, матрица элементлари.

Мақолада ички ишлар идоралари фаолиятида юзага келадиган айрим масалаларнинг, жумладан қўриқлаш объектларига шахсий таркибни етказишда транспорт масаласини, ходимларнинг ҳаракат маршрутларини оптималлаштириш каби масалаларнинг математик моделлари тақдим қилинган ва оптимал ечимларини Microsoft Excel дастури ёрдамида аниқлаш имкониятлари келтирилган.

Key words: Optimum solutions, solver is the program package for searching solutions, the program of Microsoft Excel, search for solutions, task of traffic, task of routing in the activity of bodies of internal affairs, mathematical model, cell array.

The article deals with mathematical models and opportunities of determining the optimum solution of some problems emerging in the activity of the bodies of internal affairs by means of Excel program in the examples of the tasks of transferring the personnel to the guarded objects by transport and optimization of traffic route of the personnel.

Ключевые слова: оптимальные решения, Solver – пакет программ поиска решений, программа Microsoft Excel, поиск решений, задача транспорта, задача маршрутизации в деятельности органов внутренних дел, математический модель, матрица элементов.

В статье представлены математические модели и приведены возможности определения оптимального решения с помощью программы Excel некоторых задач, возникающих в деятельности органов внутренних дел, по доставке личного состава на охраняемые объекты с помощью транспорта и оптимизации маршрута движения сотрудников.

Д. Х. Раззоқов*,
А. А. Бабаев**

МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МАЪНАВИЯТИМИЗГА ТАҲДИДИ ҲАҚИДА

Тарихдан маълумки, бирор давлатни қарам қилиб олиш учун дастлаб ўша давлатга ҳарбий кучлар киритилмаган. Истилочилар ўз маданияти, динини тарғиб қилиш учун дастлаб тарғиботчилар юбориб, улардан кенг фойдаланишган. Яъни, давлатни қарам қилиш учун уни куч билан босиб олиш шарт эмас, халқининг “маънавий онгини эгаллашни ўзи кифоядир” қабилида иш юритишган.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнининг кучайиб бориши жамиятимиз ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий томондан таъсир кўрсатаётганлигини кузатишимиз мумкин. Албатта, миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётганлар ҳам бундан ўз мақсадларига эришиш учун кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Миссионерлик ҳаракати IV асрда пайдо бўлиб, XV асрдан бошлаб кучайган. Унинг асосий мақсади кишиларда ўз эътиқодига шубҳа уйғотиш, диний ишончи ва эътиқодидан юз ўғриш ҳамда воз кечиш натижасида халқларни иймонсизлаштиришга муваффақ бўлишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида қайд этганидек, «...глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демақдир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин»¹.

Заминимизга нотинчлик, парокандалик ва маънавий таназзул уруғларини сепиш мақсадида фаолият юритаётган диний миссионерлар асосан иродаси суст, ота-боболари эътиқод қилган дин ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож инсонлар, айниқса ёшларга ёрдам кўрсатиш орқали уларни ўз динларига оғдириб олишга ҳаракат қилишмоқда. Миссионерлик жамоалари республикамизда қабул қилинган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда эътиқод эркинлиги кафолатланганлигидан фойдаланиб, ўзларининг бузғунчи ва ғаразли мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилаётганликлари соғлом фикрли ҳар бир фуқарони албатта, ташвишга солади.

Истиқлолга эришишимизгача Ўзбекистон ҳудудида жами 211 та диний ташкилот фаолият олиб борган. Шундан 149 таси исломий, 51 таси христиан, 11 таси яҳудий диний ташкилотлар эди. Мустақиллик шарофати билан ҳозирги кунда республикамизда 2225 та диний ташкилот Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси томонидан рўйхатга олинган. Улардан 2050 таси исломий диний ташкилотлардир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жами 175 та ноисломий диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улар қаторига 36 та Рус православ черкови, 5 та Рим-католик черкови, 23 та Евангелъ христиан-баптистлар черкови, 21 та Тўлиқ инжилчи христианлар черкови, 10 та Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови, 2 та Арман-апостоллик черкови, 1 та «Голос Божий» черкови, 52 та Корейс протестант черковлари, 8 та яҳудийлар диний жамоалари, 6 та Баҳойлар диний жамоалари, 1 та Буддавийлар ибодатхонаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та Библия китоб жамиятини санаш мумкин. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида Православ ва Протестант семинариялари ҳам фаолият кўрсата бошлаганини қайд этиш зарур². Бу жойларда фуқаролар эмин-эркин ибодат қилишлари ва мазкур дин тўғрисидаги маълумотларни олиш учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда амалдаги қонунларига мувофиқ, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун 3-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедраси доценти.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедраси катта ўқитувчиси.

моддасининг 2-қисмида ҳамда 5-моддасининг 3 – 6-қисмларига кўра тақиқланади³. Бу каби ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс»нинг 184², 202¹, 240, 241-моддалари асосида маъмурий⁴, агар мазкур фаолият қайта такрорланса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141, 145, 156, 216², 229², 244¹, 244³ ва бошқа моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган⁵.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216² –моддаси «Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланиб, унинг диспозицияси қуйидагича баён этилган: «Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилот уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, 2-қисми: Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса», айбдор шахсларнинг жиноий жазоланиши белгиланган.

Ўзбекистонда миссионерлик билан шуғулланаётган диний ташкилотларнинг аксарияти христианликнинг протестантизм оқимида тегишлидир. Мазкур диний ташкилот ва секталарнинг номлари турлича бўлиб, уларнинг аъзолари содир этган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлари аниқланиб, ушбу шахсларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик ҳолатлари мавжуд.

Масалан, Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 8 июлдаги қарорига кўра, Ўзбекистонда 1999 йилдан расман аккредитацияланган АҚШ нодавлат нотижорат ташкилоти «Global involvement Through education» (Таълим орқали глобал ҳамкорлик) ваколатхонаси ходимлари миллий қонунчилик ва ташкилот низомига зид ҳолда миссионерлик фаолияти, яъни маҳаллий ёшларни протестантликка даъват этиш (прозелитизм) фаолияти билан шуғулланганлиги учун унинг фаолияти тугатилган.

Шунингдек, «Иегов гувоҳлари» жамоалари томонидан зўр бериб миссионерлик даъва-

тини амалга ошириш ҳолатлари учраб турибди. Мутасадди ташкилотлар томонидан бундай ҳолатларга барҳам бериш чоралари кўрилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг ўзида диний ташкилотнинг Самарқанд ва Қарши шаҳридаги 12 нафар аъзоси маъмурий, 3 нафар аъзоси жиноий жавобгарликка тортилди⁶. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, миссионерликнинг олдини олиш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида фуқаролараро ва миллатлараро тотувликка раҳна солиш эҳтимоли бўлган диний ташкилотларнинг рўйхатдан ўтишлари, уларнинг даъват руҳидаги диний адабиётлар тарқатишларининг олди олинмоқда. Жумладан, 2006 йил ва 2007 йилнинг биринчи чорагида ноисломий диний конфессияларга тааллуқли 710 номдаги диний материаллар ўрганиб чиқилиб, шундан 359 номдаги материалдан миссионерлик йўлида фойдаланиш мумкинлиги сабабли, уларнинг республика ҳудудига олиб кирилиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилди⁷.

Таъкидлаш жоизки, миссионерлик ва прозелитизм бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, улар ўртасида муайян тафовут мавжуд.

Миссионерлик деганда, бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа динни тарғиб қилиш тушунилади.

Прозелитизм миссионерлик натижаси бўлиб, бир динга ишонган шахсни ўз динидан воз кечиб, бошқа динни қабул қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Бунинг оқибатида шахс прозелитга, яъни ўз динидан воз кечиб бошқа динни қабул қилган шахсга айланади.

2002 йилда АҚШда «Бутунжаҳон Христианлиги тенденцияси» китоби нашр этилди. Унда 2025 йилга қадар бутун Ер юзини христианлаштириш учун қуйидаги асосий мақсад режалаштирилганлиги ҳақида баён этилган:

– Ер юзи аҳолисининг «Инжил» билан таништирилишини ҳозирги 73,1 фоиздан 100 фоизга етказиш;

– дунё аҳолиси таркибидаги христианларнинг улушини 33 фоиздан 40 фоизга ўсишига эришиш;

– христианларнинг 10 фоизини ташкил қилган миссионерларнинг улушини 20 фоизгача кўпайтириш;

– черковлар тузилмаган 1000дан ортиқ этник гуруҳларнинг ҳар бирига черковлар барпо этиш;

– «Инжил»нинг барча тилларга таржима қилинишига эришиш ва ҳоказо.

Таҳлил натижаларига кўра, диний миссио-

нерлар эришаётган муваффақиятларининг асосий сабаби шундаки, улар ҳар бир шахсга алоҳида индивидуал-психологик ёндашиб, шу асосда ўз таълимотларини тарғибот қилишда шахснинг ожиз нуқталарини топиб, ундан унумли фойдаланмоқдалар. Бунда улар турли усулларни қўлламоқдалар:

1) кўргазма ва спорт мусобақалари ташкил этиш (қатнашчиларга совға бериш);

2) тиббиёт, таълим тарбия муассасаларига махсус кадрлар юбориш;

3) миссионерлик руҳидаги кутубхона, инглиз тили, компьютер ўрганиш марказларини ташкил этиш.

4) ўз сафига қўшилганларни хорижга иш ва ўқишга юбориш (жумладан, 2005 декабрь ойида Жанубий Кореянинг Поханг шаҳридаги Хандон Глобул университетига Ўзбекистондан борган талаба университет журналига чиқарган «Ҳақиқатни Хандон Глобул университетида топдим» мақоласида христианликни қабул қилганлигини баён қилган);

5) иш билан таъминлаш;

6) болалар лагерларини ташкил этиш. Масалан, МДХ нинг 7 мамлакатада «Халқаро христиан оромгоҳлари» ассоциациясининг 200 га яқин оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда (Нукусдаги «Мануэль» лагерининг фаолияти тўхтатилган). Шу нарса эътиборга лойиқки, Қозоғистондаги «Ҳосил ўриб олиш черкови» нинг «Нива» оромгоҳида сўнги 5 йил давомида 3 мингдан ортиқ бола дам олган. Уларнинг кўпчилиги ота-онаси йўқ ёки кам таъминланган оилалар фарзандларидир. Дастур шундай ишлаб чиқилганки, мавсум охирига бориб (15 кун ичида) оромгоҳда дам олган болаларнинг 50 фоизи христианликни қабул қилган.

Шу билан бирга, диний миссионерлар аксарият холларда аёллар ва ёш қизларни ўз сафларига жалб қилишга интилаётгани улар узокни кўзлаган холда иш юритаётганини кўрсатади. Аниқроқ айтганда, агар аёл бу йўлга кирса, унинг фарзандлари ҳам шу йўлдан юришни бошлайди. Шу ўринда, ўзбек кинематографлари яратган «Аросат» фильми катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда фаолият юритаётган диний жамоалар ўз атрофларига одамларни жалб қилиш учун турли таъсир воситалари: замонавий теле, аудио, видео, радио ва компьютер технологияларидан, адабиётлар, газета ва журналлар ҳамда теледастурлардан кенг фойдаланмоқдалар. Бу эса, ўз сафдошлари сонини кундан-кунга ортиб боришини таъминлайдиган асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло

Каримовнинг таъбири билан айтганда, «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»⁸.

Демак, комил инсонни шакллантириш учун албатта, Интернетнинг ўрни беқиёс. Лекин шу билан бирга, у орқали бугунги кунда тарқатилаётган турли мазмундаги маълумотларнинг айримларидан кўзланган мақсад ушбу ахборотни қабул қилувчида ўзининг яшаб турган Ватани тўғрисида салбий фикрларнинг уйғотишга қаратилган бўлиб, фақат юксак маънавиятли шахсина ушбу маълумотлар орасидан қайси биридан фойдаланишни билиш, берилаётган хабарларнинг ҳақиқатга тўғри келиши ёки келмаслиги юзасидан ўзи учун хулоса чиқара олиши мумкин.

Шунингдек, миссионерлик мазмунидаги турли форматдаги дисклар ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланувчи кўп сонли халқаро агентликлар фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишдаги энг йирик ташкилот- Global Recordings бўлиб, у 21 миллий агентликни бирлаштиради ва ҳозирги кунга келиб 4562 тил ва лаҳжада маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ҳозир дунёда 120 дан ортиқ миллий библия жамиятлари жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатларида христианликка оид китоб ва журналларни тарқатмоқда.

Марказий Осиё давлатларида қатор хорижий диний-клерикал марказлар билан мустаҳкам алоқада бўлган конфессионал диний ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг ташқи кучлар мафкуравий манфаатлари таъсири остидаги фаолияти натижасида минтақа халқларининг асрлар давомида шаклланган миллий эътиқоди – ислом динига бўлган муносабатига салбий таъсир қилиб, айрим маънавий иммунитетни заиф фуқаролар орасида кўп асрлик ўз аجدодларининг диний эътиқодига ишончсизлик туғдиришга олиб келмоқда.

Миссионерларнинг мақсадлари ана шундай одамларга соф диний таълимотлардан йироқ ақидапарастлик ғояларини сингдириш ва шу

орқали уларни маънавий қашшоқ зомбиларга айлантиришдир. Чунки жамиятда маънавий тубан қатламнинг кўпайиши парокандалик ва маънавий инқирозни келтириб чиқаради.

Миссионерликнинг жамият учун хавфли ҳисобланишини куйидагилар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, миссионерлик натижасида маълум бир динга эътиқод қилувчилар орасига анъанавий диндан ташқари ўзга дин кириб келади. Унинг ортидан ўзгача дунёқараш, урф-одат ҳам ёйила бошлайди. Бу эса ўз навбатида, одамлар ўртасида диний, эътиқодий, ғоявий, фикрий бўлиниш ва қарама-қаршиликни вужудга келтириши мумкин.

Иккинчидан, «ташвиқот» натижасида бир динни иккинчи диндан устун қўйиш, ўз «диндошлари»га бошқача муносабат, «ғайрилар»га ўзгача муносабат шаклланиб, бу муносабат оила, қавм-қариндошчилик, қўни-қўшничиликка ҳамда жамият бирдамлигига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, жамият негизи ҳисобланган оилаларнинг парчаланиб йўқ бўлишига олиб келади.

Учинчидан, бундай бўлиниш одамларнинг худбинлашуви, жамиятдаги муаммоларни яқдил ҳал қилмаслиги, охир-оқибат, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ҳам муаммолар бўлишига олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, ўзга таъсир доирасига тушганларнинг миссионерлар тобеларига айланиб қолиши, уларнинг буйруқлари, кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилишлари натижасида разил ишларга ҳам қўл урилиши мумкин.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш жоизки, ислом анъанавий диний эътиқод бўлган минтақамизда ота-боболари мусулмон бўлган айрим юртдошларимизнинг ўз динини ўзгартириб бошқа турли динларга ўтиб кетишининг олдини олишимиз учун диннинг ҳамда давлатимизнинг динга оид сиёсатининг мазмун-моҳиятини тўғри ва холисона тушунтириб, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз муҳимдир. Мазкур йўналишдаги ишларни аниққса, вояга етмаганлар ўртасида амалга ошириш ғоят муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, бунинг учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг масъулиятини янада оширишимиз мақсадга мувофиқ.

Хулоса шуки, мамлакатимизда диний миссионерлар жамоалари фаолиятларининг кучайиши миллий менталитетимиз, эзгу қадриятларимиз ва дунёқарашимиз, турмуш тарзимизга, умуман олганда маънавиятимизга таҳдидлардан бири эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

¹ Каримов И.А.. Юксак маънавият- энгилмас куч. Иккинчи нашр.– Т., 2010.– Б.111.

² Одилқориев, Х. Т. Раззоқов Д. Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. Қайта ишланган учинчи нашр.– Т., 2012.– Б.216.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида”ги 1998 йил 1 май қонуни.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодекси. – Т., 2010.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.– Т., 2011..

⁶ Юсупов О.. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга – юз жавоб). – Т., 2007.– Б.98.

⁷ Ўша манба.– Б.102.

⁸ Каримов И.А.. Юксак маънавият- энгилмас куч. Иккинчи нашр.– Т., 2010.– Б. 114.

Таянч иборалар: маънавият, дунёқараш, миссионерлик, прозелитизм, дин, эътиқод, диний ташкилот, секта, черков, ҳуқуқбузарлик, жиноят.

Мақолада айрим диний секталар ҳамда уларнинг миссионерлик фаолияти натижасида келиб чиқадиган муаммолар таҳлил қилинади, миссионерлик ва прозелитизмнинг тушунчаси, моҳияти, миссионерлик фаолиятининг салбий оқибатларининг намоён бўлиши шакллари, уларнинг ўзбек халқи миллий қадриятлари, маънавиятига етказадиган зарари очиб берилади.

Key words: spirituality, world outlook, religion, faith, missionary work, proselytism, religious organization, sect, church, offence, crime.

The article deals with the activity of some religious sects and problems caused by their missionary activity. The author discloses the notion and the essence of missionary work and proselytism, forms of their appearance and negative consequences of missions that damaged the traditional values and spirituality of Uzbek people.

Ключевые слова: духовность, мировоззрение, религия, вера, миссионерство, прозелитизм, религиозная организация, секта, церковь, правонарушение, преступление.

В статье анализируются деятельность некоторых религиозных сект, а также проблемы, возникающие в результате их миссионерской деятельности. Дается понятие и раскрывается сущность миссионерства и прозелитизма, формы их проявления и негативные последствия миссионерства, наносящего ущерб традиционным ценностям и духовности узбекского народа.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИДА БОШҚАРУВНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ: АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунида аниқ белгилаб қўйилган¹. Унга кўра:

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

«Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади»².

Шу ўринда ижтимоий тизимдаги ҳар қандай бошқарув жараёни ўз мазмунига кўра ахборот жараёни бўлиб, у ахборотни олиш, унга ишлов бериш ва узатиш билан боғлиқ.

Демак, бошқарув тизими элементлари, яъни бошқарув субъекти ва объекти ўртасида ҳамда ушбу тизим билан у фаолият кўрсатадиган атроф-муҳит ўртасида узлуксиз алмашинадиган ахборот – бошқарув жараёнлари вужудга келишининг асоси ҳисобланади. Бошқарув тизими ва ундаги жараёнларнинг асосий белгиларидан бири ҳам доимий равишда ўзаро ахборот алмашинувида намоён бўлади.

Ахборотнинг ўзи бошқарув асосини ташкил этиш билан бирга, ички ишлар идораларида амалга ошириладиган бошқарув жараёнлари белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Ахборотнинг хусусияти фақатгина қўйилган вазифани ҳал этиш усули билангина эмас, балки умуман қабул қили-

наётган қарорларнинг мақбуллигини ҳам белгилайди.

Аммо ҳар қандай ахборот ҳам ички ишлар идоралари тизимида амалга ошириладиган бошқарув жараёнлари учун аҳамият касб этавермайди, балки унинг олдига қўйилган функция ва вазифаларга алоқаси бўлган ахборотгина аҳамиятлидир.

Ахборот бошқарув жараёнининг барча босқичларига хос бўлиб, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш одатда асосий ахборотлар, чеклаш тўғрисидаги ахборотлар ҳамда бошқарув объектлари ва ташқи муҳитнинг ҳолатига доир ахборотлар олингандан кейин бошланади. Орган фаолиятининг натижалари, ўзгариб турувчи оператив вазият ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши жараёндан дарак берувчи ахборот бошқарув жараёнларининг тартибга солиш ва тузатиш киритиш, ҳисобга олиш ва назорат сингари функцияларини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Шундай қилиб, ижтимоий тизимларда амалга ошириладиган ҳар қандай бошқарув жараёнлари моҳиятан ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ ахборот жараёнлари ҳисобланади. Ахборот ушбу ҳолатда бевосита бошқарув воситаси сифатида намоён бўлади. Чунки ҳар қандай тизим муайян вазифани ҳал этиш воситаси бўлиб, фақат бу вазифаларни ҳал этиш учун фойдали бўлган маълумотларгина ахборот ҳисобланади³.

Демак, шакл ва мазмун жиҳатдан тушунарли, тизим томонидан эътироф этилган, унинг учун зарур ва бошқарув жараёнларини амалга оширишда фойдаланиладиган маълумотларгина ахборот бўла олади. Тизим томонидан қабул қилинган ва қайта ишланган бўлишига қарамасдан қўйилган топшириқни бажариш учун аҳамияти бўлмаган хабарлар

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг мустақил тадқиқотчиси.

– ахборот шовқини деб аталади. Ёлғон ахборот тизимни тўғри қарорлар қабул қилишдан чалғитади ва унда ноаниқ субъектив тасаввур уйғотади, яъни ахборот олувчи унинг ишончсиз эканлигини билмайди.

Ички ишлар идоралари ахборот тизимини ташкил этувчи барча маълумотлар йиғиндисини уларнинг роли ва бошқарув тизими жараёнлардаги иштирокига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. *Концептуал муҳит йўналишини тавсифловчи (белгилаб берувчи) ахборот* бошқарув объекти сифатида ички ишлар идораларининг мақсад ва вазифаларини, уларнинг фаолиятига доир асосий қоидаларни белгилаб беради ҳамда уларга давлат ҳокимияти органларининг қонунлари, фармонлари ва қарорлари киради.

2. *Ички ишлар идоралари фаолиятдан келиб чиқадиган жўғрофий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик шарт-шароитларни тавсифловчи ахборот.* Уларга қуйидагиларга оид маълумотлар киради:

– хизмат кўрсатиш ҳудуди, унинг маъмурий-худудий бўлиниши ва ҳ.к.ларнинг географик тавсифи;

– ишлаб чиқариш кучлари, саноат, агросаноат комплекслари, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, савдо ва бошқаларнинг ҳолати ва ривожланиши;

– аҳоли сони, жинси ва ёшига кўра тузилиши, бандлиги, жойлашуви, муқаддам судланган, девиант ҳулқ-атворли (алкоголизм, гиёҳвандлик, руҳий ва таносил касаллигига дучор бўлган, суицидга мойил ва ҳ.к.) шахсларнинг мавжудлиги.

Статистика органлари, таълим, соғлиқни сақлаш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ушбу турдаги ахборот манбаи ҳисобланади.

3. *Ички ишлар идоралари тизимига ташқи таъсир этувчи объектларнинг ҳолатини тавсифловчи ахборот.* Уларга қуйидагиларга оид маълумотлар киради:

– ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, даражаси, динамикаси ва тузилиши, содир этилган вақти, жойи ва содир этилиши ҳолати ҳамда содир этилишига ёрдам берган шарт-шароитлар, жиноий тажовуз объектлари ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборотлар;

– жиноят содир этган шахсларнинг ёши ва жинсига кўра тузилиши, бандлиги, турар жойи, муқаддам судланганлиги ва жамоат тартибини бузганлигига доир ва шу каби ахборотлар⁴.

4. *Ички ишлар идоралари тизими фаолиятининг ҳолати ва натижаларини тавсифловчи ахборот.* Ахборотнинг бундай тури тизимнинг ички ташкилий фаолияти жараёнлари ва унинг ташқи бошқарув функцияларини бажариш борасидаги фаолиятининг самарадорлигини белгилаб беради.

Бу маълумотлар мос равишда икки гуруҳни ташкил этади:

а) ички ишлар идораларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, уларга қуйидагиларни тавсифловчи маълумотлар киради:

– ички ишлар идораларининг таркибий тузилиши;

– жамланганлик, кадрларнинг сифат таркиби, шахсий таркибнинг жой-жойига қўйилиши ва ҳ.к.;

– органнинг моддий-техник жиҳозланганлиги.

б) ички ишлар идораларининг фаолиятига оид маълумотлар, уларга қуйидаги турдаги ишларга оид маълумотлар киради:

– жиноятларни очиш ва тергов қилиш;

– профилактикага доир ишлар, қидирув ишлари;

– фуқароларнинг шикоят ва аризалари билан ишлаш ва шу кабиларга оид маълумотлар.

Ушбу турдаги ахборот манбалари рўйхатдан кўриниб турганидек, асосан ички ишлар идоралари, шунингдек тизимни текширишни амалга оширувчи органлар ҳисобланади.

5. *Ҳуқуқ-тартиботни сақлашда ички ишлар идоралари билан ҳамкорлик қилувчи субъектлар фаолиятининг ҳолати ва натижаларини тавсифловчи ахборот.* Ахборотнинг бундай тури бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек жамоатчилик тузилмаларининг фаолиятини акс эттиради. Мазкур ҳамкорлик субъектлари бу турдаги ахборот манбаи ҳисобланади.

Шаҳар, туман ички ишлар идоралари ва транспортдаги ички ишлар идораларида ахборотларни йиғиш ва жамлаш ИИВга амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан юклатилган оператив-хизмат вазифаларини

бажариш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилган ташкилий ишларнинг биринчи навбатдаги элементи ҳисобланади.

«Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ахборот таъминотини жадаллаштириш, тезкор вазиятни тавсифловчи ишончли маълумотларни тизимлаштирилган ҳолда йиғиш, уларни ўз вақтида ва сифатли таҳлилини амалга ошириш бугунги икунда жинойатчиликка қарши курашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади»⁵.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари бошқарув фаолиятини ахборот билан таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади ва бу ички ишлар идоралари зиммасига юклатилган жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жинойатчиликка кураш борасидаги вазифаларнинг самарали ҳал этилишига таъсир кўрсатади.

Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолиятини ахборот билан таъминлаш деганда – бошқарув субъектларининг улар зиммасидаги вазифа ва функцияларни, қўйилган талабларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар йиғиндиси ёрдамида бошқарув жараёнини таъминлашга қаратилган фаолияти тушунилади. Ахборот билан таъминлашни ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларни орган ва унинг хизматларининг ахборотга бўлган талабини қондириш усул ва воситалари йиғиндисини ўзида акс эттирадиган ахборот билан ишлаш тизимлари бажаради.

Ички ишлар идораларининг ахборот таъминоти ва ахборот тизимининг вазифаларига қуйидагилар киради:

– бошқарув учун зарур бўлган ахборотнинг турлари ва объектларини ҳамда бунинг учун масъул бўлган тизим компонентларини белгилаб олиш;

– ички ишлар идоралари хизмат ва бўлинмалари, шунингдек ташқи муҳитнинг ўзаро информацион алоқасини таъминлаш;

– дастлабки келиб тушган ахборотга ишлов бериш, уни бир тизимга солиш ҳамда тури ва шаклига қараб умумлаштириш;

– келиб тушган ва ишлов берилган ахборотни бошқарув тизими бўғинлари ўртасида уларнинг бажарадиган функцияларига қараб тақсимлаш;

– келиб тушган ахборотни сақлаш, шунингдек тизим компонентлари ва ташқи муҳитнинг сўровига асосан уларни излаш ва ўз вақтида узатиш;

– ушбу жараёнларни тезлаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида ахборот тўплаш, ишлов бериш, сақлаш ва узатишнинг техник воситаларини жорий этиш.

Ахборотга бўлган талабни ўрганишда уларни белгиловчи асосий омиллар, яъни бошқарув даражаси, органнинг вазифа ва функцияси, бошқарувнинг қўллаш усуллари ва бошқарув жараёнининг босқичлари билан ўзаро алоқасини ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади. Ахборот турлари ва бошқарув даражаларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги бошқарувда фойдаланиладиган ахборотнинг эмпирик ва назарий ўзаро муносабати⁶нинг фарқи билан белгиланади. Ушбу принцип ички ишлар идоралари тизимига нисбатан қўлланиладиган бўлса, бошқарув даражаси қанча юқори бўлса, у фойдаланадиган ахборотнинг умумийлиги даражаси шунча юқори, комплекс ва илмий ахборотга бўлган талабнинг салмоғи шунча аҳамиятли, ахборот истъемоли ва ишлатиладиган ахборотнинг хусусияти, мавзу доираси кенг ҳамда хилма-хил бўлади.

Аммо ҳар қандай тизимнинг ахборотга бўлган талабини белгиловчи омил унинг қатъий белгиланган вазифаларининг, функцияларининг ёки улар олдига юқори турувчи тизим томонидан қўйилган ёхуд органнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган бир марталик мақсадли топшириқларнинг аниқ мазмуни ҳисобланади. Бундай ёндашув кенг ахборот оқимидан фақатгина бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларн ажратиб олиш, тўплаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Ички ишлар идораларига келиб тушадиган ахборотнинг улар олдига қўйилган вазифаларга, тегишли баҳолаш мезонларидан келиб чиқадиган тартибга солинувчи параметрларга, шунингдек тизимнинг ўзаро ички ва ташқи муҳит объектлари билан ўзаро алоқаларига қатъий мос келиши ахборотнинг ортиқчалиги билан бирга етишмовчилигини ҳам бартараф этади. Яъни умуман тизимдаги барча ахборот жараёнларининг оқилона алмашинувини ва тизимни бошқариш учун энг мақбул маълумотлар билан таъминлайди.

Бироқ ички ишлар идораларининг қатъий тартибга солинган тизими ҳамда унинг хизмат ва бўлинмаларининг норматив мустаҳкамланган вазифа ва функциялари уларга у ёки бу турдаги ахборотнинг келиб тушиши ва тегишли ахборот оқимини ташкил қилишни

белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ, ҳудудий, шаҳар ва туман ички ишлар идоралари турли хизматларининг таркибий тузилмаларида ахборотга бўлган талабни қондиришнинг мураккаблиги шундаки, органга келиб тушадиган ахборотнинг кўплаб турлари ярим функционал бўлиб, унга бўлган талаб бир вақтнинг ўзида органнинг бир қанча бўлинма ва хизматларига мос келади.

Шу ўринда бошқарув жараёни босқичларига боғлиқ ҳолда ахборотга бўлган талабнинг ўзгариши тўғрисида алоҳида тўхталиш жоиз. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичида ахборотга бўлган талаб анча катта бўлади. Шунинг учун ҳам бу жараёнда бир гуруҳга солинган ва таҳлил қилинган, шунингдек илмий асосланган ва ҳар томонлама синовдан ўтган ахборот зарур. Ички ишлар идоралари бошқарув тизимини сифатли ва ўз вақтида ахборот билан таъминлашда тизимда мавжуд бўлган ахборот жараёнлари оқимини мураккаблаштирувчи «ахборот тўсиғи»нинг таъсирини камайтириш ва уни енгиб ўтишга доир масала катта аҳамият касб этади. Бошқарувда «ахборот шовқини»ни бартараф этиш учун ички ишлар идоралари ходимларининг умумий ва махсус тайёргарлик даражасини ошириш, хизмат ва бўлинмалар фаолиятига доир кўрсаткичларининг ягона тизимини яратиш ва аҳамиятини ошириш талаб этилади.

Ахборот тўсиғи – деганда бошқарув фанида ахборот жараёнларининг бир меъёردа узатилишига тўсқинлик қилувчи турли хил сабабларга айтилади. Ички ишлар идоралари тизимида уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ахборот манбаи ва уни қабул қилувчининг бир-биридан узилиб қолиши ва алоқа канали ишини яхшилаш ёрдамида бартараф қилинадиган *географик тўсиқлар*;

– ахборот манбаи ва уни қабул қилувчининг умумий ва касбий тайёргарлиги даражаси билан фарқ қилувчи ва шахсий таркибнинг тайёргарлик даражасини ошириш йўли билан бартараф этиладиган *малакавий тўсиқлар*;

– ички ишлар идоралари тизимининг идоравий тарқоклиги ва таркибий тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўли билан бартараф қилинадиган *идоравий тўсиқлар*;

– ички ишлар идоралари хизмат ва бўлинмаларининг алоқа, ахборотлар билан ишлаш ва бошқа замонавий техник воситалари билан

етарли даражада таъминланмаганлигига боғлиқ *иқтисодий тўсиқлар*.

Шундай қилиб, ушбу вазиятда ички ишлар идоралари раҳбариятининг вазифаси ҳар бир аниқ ҳолатда ахборот оқимларини мураккаблаштирувчи ва натижада тизимнинг ахборот билан таъминлаш фаолияти умумий самарадорлигини камайтирувчи юқорида кўрсатилган тўсиқларни максимал ҳисобга олиш ҳамда имкон қадар уларни барча усул ва воситалар ёрдамида камайтиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда ички ишлар идораларининг барча тизимлари фаолиятига ахборот-таҳлил иши кенг жорий этилмоқда. Уни тизимнинг ҳар бир босқичида ва даражасида қўллаш чоралари кўрилмоқда.

Шу муносабат билан, ички ишлар идораларида бошқарувни ахборот билан таъминлаш ва уларни такомиллаштириш йўллари масалаларини кўриб чиқиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, ички ишлар идораларининг бошқарув, маъмурий, тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида электрон ҳисоблаш техникаларини жорий этиш зарур вазифа ҳисобланади. Бу ўринда ахборот хавфсизлиги муҳим рол ўйнайди. Буларнинг барчаси пировард натижада ички ишлар идораларида бошқарувни ахборот билан таъминлашнинг муҳимлигини белгилайди.

Ахборот тизими бошқарув тизимининг зиммасига юклатилган вазифалар ва бошқарув муаммоларини ҳал этишда унинг юқори даражада ахборот билан таъминланганлик функциясини бажариши учун қуйидаги принципларни такомиллаштириши керак:

– *ахборот билан таъминлашнинг бирлиги (умумийлик)* принципи бошқарувнинг барча даражаларида ички ишлар идораларидаги ахборот оқимини ташкил этишда ва ахборотнинг бир-бирига тўғри келишида методик бирлигини, шунингдек уларнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ахборот алмашувининг бирхиллаштирилган шаклини қўллашни кўзда тутди. Мазкур принципни қўллаш ички ишлар идораларидаги, шу билан бир қаторда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа органлардаги комплекс оператив, ҳисобга олиш ва ҳисоботга оид ахборотлардан жиноятчиликка қарши курашда ҳар томонлама тўлиқ ва самарали фойдаланиш имконини беради.

Ахборот билан таъминлашнинг мақбуллиги принципи энг муҳим принциплардан бири ҳисобланади. У умуман бошқарувни мақбуллаштириш принциpidан келиб чиқади. Кўпгина тадқиқотчилар томонидан таъкидланишича, бошқарув органлари ахборот танқислиги (бошқарув учун зарур ахборотнинг йўқлиги) билан бир қаторда кераксиз ахборотнинг кўплигидан ҳам қийналишади.

Ахборот жараёнларини мақбуллаштиришнинг янада аниқлаштирувчи вазифаларини бир қатор кичикроқ қисмларга бўлиш мумкин, бунга қуйидагилар киради:

– ички ишлар идораларининг манфаатдор хизматлари ва бўлинмалари томонидан ахборотнинг кўп марта (такрор) ва яримфункционал фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ахборотни тўплашнинг бир марталигини таъминлаш (барча тезкор-қидирув ва бошқарув ахборотини тўплашнинг ягона ахборот марказини ташкил қилиш);

– параллел ахборот оқимларини йўқ қилиш ва жамоавий, биргаликда фойдаланадиган тезкор ва самарали маълумотлар банкини яратиш;

– ахборотни сақлашнинг жамғариладиган шаклларида янада кенгроқ фойдаланиш ва ҳужжатларнинг бир марталик шаклларини уларга алмаштириш;

– ички ишлар идораларининг барча хизмат ва бўлинмаларининг кўрсаткичлари бўлган ахборотнинг қиёсий шаклларини ўрнатиш;

– ички ишлар идоралари хизмат ва бўлинмалари фаолиятининг умумлашган кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– ахборотнинг техник ташувчиларини жорий этиш ва ахборот тўплаш, ишлов бериш ва сақлашнинг замонавий компьютер воситаларини қўллашни жорий этиш;

– ҳужжатлар билан ишлашда умумдавлат ва идоравий талабларга қатъий риоя қилиш, шунингдек ҳужжатларга нисбатан бўлган юридик талабларга ва уларни расмийлаштиришда ахборот маданиятига риоя қилиш, зарур реқвизитлар ва техник эстетика талабларга риоя этиш.

Ички ишлар идоралари бошқарув фаолиятини ахборот билан таъминлашни мақбуллаштиришнинг биринчи ва асосий шarti органнинг ахборот фондини ташкил этиш, ҳар бир аниқ бўлинма ёки хизмат зиммасига уларнинг бошқарув тузилмасидаги иерархик ўрнига мувофиқ юклатилган вазифаларнинг хусусияти ва ҳажмига, шунингдек улар фаолиятини баҳолаш мезонларига биноан ахборот оқимларини ташкил этиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида орган ахборот оқимининг камайишига олиб келади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004.— № 1-2.— 10-м.

² Бош мақсадимиз —кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // *Ozbekiston ovozi*.—2013.— 19 янв.

³ *vu.tuit.uz*

⁴ Батафсил қаранг: *Пулатов Ю. С., Исмаилов И. У., Қурбонов А.* Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. — Т., 2005. — Б. 152.

⁵ *Каримов, И.М.* Ахборот хавфсизлиги. — Т., 2013. — Б. 4 - 5.

⁶ Афанасьев В.Г. Социальная информация и управления обществом. — С.79.

Таянч иборалар: ахборот манбаи, бошқарув тизими, ёлгон ахборот, ички ишлар органларининг ахборот таъминоти, ахборот турлари, ахборот тўсиғи.

Мақолада ички ишлар органларида бошқарувни ахборот билан таъминлаш, ахборот турлари, ахборот манбаларидан фойдаланиш масалалари ёритилади. Ахборотнинг хусусиятлари ва функциялари ҳақида батафсил маълумот берилади.

Key words: information source, control system, false information, informational support of the organs of internal affairs, types of information, information block.

The article deals with issues of informational insuring of management in the organs of internal affairs, types of information, implementation of informational sources, representation of information on content in detail, peculiarities and functions of information.

Ключевые слова: источники информации, система управления, лжеинформация, информационное обеспечение органов внутренних дел, виды информации, информационный заслон.

В статье освещаются вопросы информационного обеспечения управления в органах внутренних дел, виды информации, использование информационных источников, представлена подробная информация о значении, особенностях и функциях информации.

А. В. Нарбеков*

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Практика зарубежных стран показывает, что вследствие недостаточной подготовки следователи и судьи зачастую при назначении экспертизы компьютерных систем неправильно ставят перед экспертом вопросы. Наиболее типичными представляются три ошибки:

– постановка излишне общих вопросов (например: «Восстановить и распечатать все стертые файлы»);

– постановка вопросов, явно выходящих за рамки профессиональной компетенции эксперта или неразрешимых в принципе (например: «Установить, где в настоящее время находится информация, скопированная неизвестными лицами с исследуемого компьютера?»);

– постановка вопросов, которые должны решаться не экспертом, а исключительно следствием и судом (например: «Являются ли программы на изъятом компьютере контрафактными?»)⁴.

Во избежание вышеуказанных ошибок полагали бы целесообразным привлекать специалиста или обращаться за помощью к самому эксперту для корректной формулировки вопросов компьютерно-технической экспертизы.

Проанализировав труды ученых, ведущих исследования в области компьютерных преступлений, а также исходя из объектов СКТЭ, попытаемся сформулировать перечень вопросов, которые могут быть поставлены перед экспертом при назначении СКТЭ, и разделить их по видам.

Общий вопрос, относящийся в равной мере ко всем видам СКТЭ:

– относится ли представленный объект к объектам СКТЭ?

Вопросы, относящиеся к аппаратно-компьютерному виду СКТЭ:

– является ли представленный объект компьютерной системой?

– является ли представленный объект целостной компьютерной системой или же ее частью?

– каковы тип (марка, модель), конфигурация и общие технические характеристики представленной компьютерной системы (либо ее части)?

– решаются ли с помощью представленной компьютерной системы определенные задачи?

– находится ли компьютерная система в рабочем состоянии? Если да, то имеются ли какие-либо неисправности в ее работе?

– имеются ли признаки нарушения правил эксплуатации компьютерной системы?

– какие носители данных имеются в представленной компьютерной системе?

– каков вид (тип, модель, марка) представленного носителя данных, и каковы его параметры?

– какое устройство предназначено для работы с представленным носителем данных?

– имеется ли в составе представленной компьютерной системы устройство, предназначенное для работы с указанным носителем данных?

Вопросы, относящиеся к программно-компьютерному виду СКТЭ:

– какую общую характеристику и функциональное предназначение имеет программное обеспечение представленного объекта?

– имеет ли программное средство признаки контрафактности?⁵

– каково функциональное предназначение представленной прикладной программы?

– предназначено ли программное обеспечение для решения конкретной задачи?

– является ли программа вредоносной?

Вопросы, относящиеся к информационно-компьютерному виду СКТЭ:

– реализована ли в компьютерной системе какая-либо система защиты доступа к информации? Если да, то каковы возможности по ее преодолению?

– каковы реквизиты разработчика, правообладателя представленного программного средства?

– имеется ли на носителях данных программное обеспечение для решения конкретной задачи?

– имеются ли программы с признаками вредоносности?

– какая информация, имеющая отношение к обстоятельствам дела, содержится на носителе данных? Каков вид ее представления (явный, скрытый, удаленный, архивный)?

– имеется ли на носителе данных информация, аутентичная по содержанию представленным образцам? Каков вид ее представления (явный, скрытый, архивный, зашифрованный, удаленный)?

– к какому формату относятся выявленные данные и с помощью каких программных средств они могут обрабатываться?

– имеются ли в компьютерной системе признаки неправомерного доступа к данным?

– какие сведения о собственнике (пользователе) компьютерной системы имеются на носителях данных?

Вопросы, относящиеся к компьютерно-сетевому виду СКТЭ:

– имеются ли признаки функционирования данного компьютерного средства в составе локальной вычислительной сети? Каково содержание установленных сетевых компонент?

– имеются ли признаки работы представленного компьютерного средства в сети Интернет? Каково содержание установок удаленного доступа и протоколов соединений?

Следует особо подчеркнуть, что процессы эффективного выявления, расследования и проведения экспертиз компьютерных правонарушений требуют создания всех необходимых для этого методических и технических средств. Ввиду слабой разработанности соответствующего инструментария данная задача становится первостепенной при реализации мер по адекватному противодействию преступлениям в сфере компьютерной информации.

С указанным направлением тесно связана проблема совершенствования нормативно-

правовой базы, недостаточная развитость которой пока не позволяет в должной мере противостоять криминальным действиям в сфере компьютерной информации. Уголовные санкции на национальном и международном уровне еще не обеспечивают надежной защиты от компьютерной преступности в основном по причине отсутствия четкой классификации компьютерных преступлений.

Несмотря на введение в Уголовный кодекс Узбекистана составов преступлений в сфере компьютерной информации (глава XX¹

«Преступления в сфере информационных технологий»), следует признать, что понятийный аппарат относительно указанного вида деяний еще не сложился. Задачей исключительной важности и значимости для построения системы борьбы с правонарушениями в сфере компьютерной информации является проведение комплекса научно-исследовательских работ по совершенствованию и созданию нормативно-правовых, программных и технических средств, обеспечивающих эффективную защиту компьютерных сетей и баз данных.

¹ См.: Каримов И. А. Человек, его права и свободы – высшая ценность. Т. 14. – Т., 2006. – С. 24.

² Программное обеспечение – компьютерные программы, процедуры и, возможно, соответствующая документация и данные, относящиеся к функционированию компьютерной системы (FCD ISO/IEC 24765. Systems and Software Engineering Vocabulary).

³ Россинская Е. Р., Усов А. И. Компьютерно-техническая экспертиза и ее видовое деление // http://www.mvd-expo.ru/conferences/CRIM_MVD/doc3.htm.

⁴ См.: Собецкий И. В. Организация технико-криминалистической экспертизы компьютерных систем // <http://www.securitylab.ru/41165.html>.

⁵ Здесь необходимо подчеркнуть, что вопрос «Является ли представленное на экспертизу программное средство контрафактным?» недопустим, так как контрафактность – это юридический, а не технический факт, соответственно, эксперт не может его устанавливать. Приемлемым является вопрос именно о наличии «признаков контрафактности». Среди юристов существует мнение, что никаких «признаков контрафактности» вообще не бывает, но это уже предмет другого исследования.

Таянч иборалар: суд компьютер-техника экспертизаси, экспертиза тайинлаш, аппарат-компьютер экспертизаси, дастурий-компьютер экспертизаси, ахборот-компьютер маълумотлар экспертизаси, компьютер-тармоқ экспертизаси, компьютер жиноятчилиги, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчилик, эксперт, жиноятларни тергов қилиш, ахборот хавфсизлиги, рақамли маълумотлар, ахборот объектлари.

Мақола ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда экспертиза тайинлаш масалаларига бағишланган. Муаллиф суд компьютер-техника экспертизасини тайинлашда эксперт олдиға қўйиладиган саволлар рўйхатини шакллантиришга ҳаракат қилган, шунингдек, компьютер жиноятларини тергов қилишда тайинланадиган экспертизаларнинг мақсадлари, объектлари ва турлар бўйича классификациясини ёритган, ҳамда амалдаги миллий қонунчилик таҳлили асосида жиноят процессида эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаштирган.

Keywords: computer crime, crimes in the field of information technologies, assignment of a forensic examination, computer forensics, hardware-computer forensics, software-computer forensics, information-computer forensics, computer network forensics, expert, investigation of crime, information security, data entity.

The article is devoted to questions of assigning forensic examinations in detecting crimes in the sphere of information technologies. The author discloses the purposes, objects and types of forensic examinations assigned in detecting computer crimes, based on the analyses of acting legislation determines the circle of persons who can be involved as an expert in criminal procedures, formulates the list of questions that should be put before experts in assigning computer forensic examinations.

Ключевые слова: компьютерная преступность, преступления в сфере информационных технологий, назначение экспертизы, судебная компьютерно-техническая экспертиза, аппаратно-компьютерная экспертиза, программно-компьютерная экспертиза, информационно-компьютерная экспертиза данных, компьютерно-сетевая экспертиза, эксперт, расследование преступлений, информационная безопасность, информационные объекты.

В статье рассматриваются вопросы назначения экспертизы при расследовании преступлений в сфере информационных технологий, раскрываются цели, объекты и видовая классификация экспертиз, назначаемых при расследовании компьютерных преступлений, на основе анализа действующего законодательства определяется круг лиц, могущих быть привлеченными в качестве экспертов в уголовном процессе, сформулирован перечень вопросов, которые должны быть поставлены перед экспертом при назначении судебной компьютерно-технической экспертизы.

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, аграр-индустриал давлат ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг республика халқ хўжалигида тутган ўрни беқиёс бўлиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бозор иқтисодиёти қонунлари асосида агро-саноат мажмуида туб ислоҳотларни амалга ошириш ҳаётий заруриятга айланиб борди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари ўзини бошқарадиган тизим бўлиб, бу жараёнда амалга ошириладиган ислоҳотлар ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан маъмурий - буйруқбозлик тизимидан фарқ қилди. Айтиш мумкин, собиқ совет давлати ҳукмронлигидан сўнг кенг кўламдаги иқтисодий ислоҳотларни бошлаган Ўзбекистон ўзининг географик жойлашиши ва аҳолининг яшаш шароитига қараб қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш учун аввало ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарур эди албатта. «Мустақкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Қаримов, – ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин»¹.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотлар ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш жараёнида бозор иқтисодиётининг жаҳон хўжалик алоқаларида умум эътироф этилган норма ва қоидалар, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари имкон қадар инобатга олинди. Қабул қилинган ҳужжатларда аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, маънавий ва диний қадриятлари ўз ифодасини топди. 1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги»ги

қонун² республикада шаклланган давлат мулкни ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берган эди. Шунингдек, ушбу қонунда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг барча усулларида амалда фойдалана олиш, хусусийлаштиришнинг давлат органлари томонидан аста-секин ва босқичма – босқич амалга ошириш, хусусийлаштириш шакллари танлаб олишда меҳнат жамоаларига кенг ҳуқуқлар берилиши, уларнинг ўзи ишлаётган корхонасини сотиб олишда имтиёзларга эга бўлиши, хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни сақлаб қолиш ва аста-секин қисқартириб бориш, хусусийлаштириш жараёнида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишни мақсад қилиб олиш кабилар эътиборга олинди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг босқичма-босқич амалга оширилиши жараёнидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосларини яратиш ҳам қадамма-қадам такомиллашиб борадиган жараёнлардан бири бўлди. Янги жамиятнинг иқтисодий негизи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгилаб берилди. Унда «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин»³, дея таъкидланган эди.

* Тошкент молия институтининг катта ўқитувчиси.

Собиқ совет ҳукмронлиги йилларида қишлоқ хўжалигининг режали ривожланишга асосланиб, собиқ Иттифоқ томонидан қабул қилинган қарорлар асосан бутун мамлакат манфаатини «ҳимоя» қилар эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирган деҳқон маҳсулот етказиб берувчи сифатида қолиб, моддий манфаатдорликдан маҳрум эди. Ўта марказлаштирилган бошқарув, «умумхалқ манфаатларини» рўқач қилиб олиб борилган сиёсат Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини, шу соҳада банд бўлган аҳолининг ижтимоий, иқтисодий аҳолини ҳам ниҳоятда оғирлаштириб юборган эди.

Юқоридаги ҳолатлар натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда келиб чиққан қийинчиликлар туфайли мамлакатимиз Президенти бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларидан аграр соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини ривожлантирадиган, деҳқонларда моддий манфаатдорликни шакллантириш, ўз маҳсулотига ўзи эгалик қилиш ҳиссини уйғотиш мақсадида аграр соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлади.

Асосий қонун — Ўзбекистон Конституциясидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида агросаноат мажмуида ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, махсус ваколатли давлат бошқарув органларининг меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, олиб борилаётган аграр соҳадаги ижтимоий ислоҳотлар ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, амал-да мавжуд бўлган аграр муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аграр ислоҳотларни амалга оширишда қабул қилинган қонун ҳужжатлари биринчидан, тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги, иккинчидан, аграр ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишда атроф табиий муҳит ҳолати ва даражасининг устуворлиги, учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатларининг мавжудлиги, тўртинчидан, агросаноат ишлаб чиқариш жараёнида, ер, экологик, меҳнат, фуқаролик, молия, солиқ, хўжалик ва

маъмурий, жиноят ҳуқуқи соҳаларига тегишли бўлган қонун ҳужжатларидан иборат бўлди.

Қишлоқ аҳолиси ва ижтимоий турмуш тарзининг муҳим томонларини яратиш, энг аввало қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалиётда қўлланилиши ва уларнинг натижаси билан ҳам боғлиқ бўлди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг биринчи босқичи 1991-2000 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида» (1991 й.), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991 й.), «Ижара тўғрисида» (1991 й.), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (1992 й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1995 й.), «Хўжалик жамиятлари ва хўжалик ширкатлари тўғрисида» (1993 й.), Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» (1998 й.), «Уруғчилик тўғрисида» (1996 й.), Наслчилик тўғрисида (1997 й.), «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» (1998 й.), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» (1998 й.), «Фермер хўжаликлари тўғрисида» (1998 й) ва бошқа шу каби қонунлар қабул қилинди⁵. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий база шаклланди.

Мазкур қонунлар мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислоҳотларда республика аҳолисини иш билан таъминлаш, турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ аҳли турмуш маданиятини ошириш мақсадидаги вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этган эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қонунчилик тизими ишлаб чиқилар экан, аввало аҳолини озик-овқат, полиз, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам бошбошдоқликка йўл қўймаслик, дастлабки йиллардан қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этган эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида» ва шу йили 15 мартда қабул қилинган «Республика чорвачилигида иқтисодий

ислохотни чуқурлаштириш тадбирлари ҳақида»ги қарорларда бозор иқтисодиёти талаблари ва замонавий қишлоқ хўжалигининг аҳолини ҳисобга олган ҳолда келгусида бажарилиши керак бўлган вазифалар белгилаб берилган эди⁵.

Умуман, республикада аграр ослохотларнинг амалга оширилиши ва бу борада эришилган натижалар собиқ совет давлатидан қолган бошқарувга барҳам бериб, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига кириб боришига ҳам имкон берди. Қишлоқ хўжалиги ослохотларининг дастлабки йиллари аграр соҳада қонунчилик асосларини яратиш, қишлоқ инфраструктурасини бунёд этиш, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва деҳқонда моддий манфаатдорлик ҳиссини шакллантириш каби вазифалар бажарилган бўлса, қишлоқ хўжалигини ослоқ қилишнинг иккинчи босқичида жаҳон ҳамжамияти билан кенг ҳамкорлик йўллари белгилаб олинди ва ўз натижасини берди. Масалан, Ўзбекистон 2001 йил 2 ноябрда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)га тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кирди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидаги бир қатор ташкилотлар ушбу ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйиб олди. Бир қатор йўналишлар бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, «Шўр босган ва гипсли тупроқлардан барқарор фойдаланишни интеграциялашган тартибда бошқариш», «Қўриқланадиган ҳудудлар тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш ва тартибга солиш» ҳамда «Ўзбекистонда бошоқли, дуккакли, мойли ва озуқа экинлари уруғчилигини яхшилаш» лойиҳалари амалга оширилди. Кейинги йилларда грантлар асосида ва технологик ҳамкорлик дастури доирасида «Қорақалпоғистоннинг қурғоқчил минтақаларида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш», «Мавжуд деҳқончилик усулларини жорий этиш йўли билан буғдой ва пахта этиштириш тизимида маҳсулдорликни ошириш», «Марказий Осиёнинг чегарадош районларида чорва касалликлари тарқалишини назорат қилиш», «Миллий ўрмон дастури ва ўрмончилик тўғрисидаги қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш» борасидаги лойиҳалар амалиётга жорий этилди. Мазкур лойиҳалар бўйича қарийиб 4.6 млн. АҚШ доллари миқдо-рида маблағ ҳам ажратилди⁶.

Қайд этиш лозимки, дастлабки йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иштирок этувчилар онгида кескин ижобий бурилиш юз берди ва маҳсулот этиштириш даражасини ўстиришга хизмат қиладиган реал иқтисодий манфаатдорлик ҳисси шаклланди.

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши амалга оширилган ослохотларнинг мазмун-моҳиятини юқори даражага кўтаришга хизмат қилувчи омил бўлиб қолди.

Шу мақсадда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури 105 банд, 9 бўлимни ўзида жамлаган бўлиб, қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, агросаноат мажмуида амалга оширилаётган ослохотларни чуқурлаштириш, қишлоқларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш ва қайта кўриб чиқиш, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштириш каби масалаларни ҳал этиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимиз томонидан 2012 йилда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида бошлаб юборилган кенг қамровли ва залворли ишлар соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

2010-2012 йиллар давомида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Селекция тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Ветеринария тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Мамлакатда чорвачиликни ривожлантириш жадаллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Асаларичилик тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари устида қатор амалий ишлар бажарилган.

Айниқса, 2014 йилнинг 6 июнь куни мамлакатимиз Президентининг ташаббуси

билан «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим заҳиралари» мавзуида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ўтган йиллар давомида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришилганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бир неча бараварга ўсганлиги, пахта экин майдонларининг қисқартирилиши ҳисобига ғалла, мева, узум, сабзавот ва полиз экинлари майдонлари янада кенгайтирилганлиги, бу эса ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган бир шароитда халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан сўзга чиққан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти директори Жозеффе Грацио де Силва Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай ишлар сайёрамиз аҳолисининг ярми тўйиб овқат истеъмол қилмаётган бир даврда ибратли, ўрганишга сазовор эканлигини таъкидлади ва мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очиши ҳақида айтиб ўтди...

Шунлай қилиб, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган йиллар давомида аграр ислохотлар йўналишида қонунчилик асосларини яратиш, такомиллаштириш, мустаҳкамлаш ҳамда амалга оширишда ғоят ибратли, улкан ишлар амалга оширилди ва бу жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. –Б. 22.

² Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 1991 йил 20 ноябрь қонуни // Халқ сўзи.— 1991.— 21 нояб.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., 2008.

⁴ Қаранг: Бу қабул қилинган Фармон ва қарорлардан ташқари «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Фармон, «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарку-нандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги муҳим қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилиниб, амалиётга қўлланилди // Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги.— Т., 2009. — Б.30-31.

⁵ Қаямов Н. Қишлоқ хўжалигида ислохот: хўжаликнинг ички механизмини такомиллаштириш бозор иқтисодиётига ўтишда ҳаётий заруратдир // Халқ сўзи.— 1993.— 15 июнь.

⁶ Комилов М. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти // О'zbekiston qishloq hojaligi. – 2008. — №1. — Б. 13.

Таянч иборалар: индустриал давлат, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий нормалар, маъмурий буйруқбозлик тизими, иқтисодий ислохотлар, аграр ислохотлар, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқи, тадбиркорлик, мулк шакллари, хусусий мулк, мулкдор, агросаноат мажмуи, фермер хўжалиги, модернизация, инфраструктура, кичик бизнес, шахсий хўжаликлар.

Мақола Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислохотларни ўрганишга бағишланган бўлиб, унда асосан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос йўли, қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришларнинг дастлабки натижалари, шарт-шароитлари ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган.

Key words: industrial state, market economy, legal norms, administrative command system, economic reforms, land reforms, denationalization, privatization, customer rights, entrepreneurship, patterns of ownership, private ownership, owner, agricultural sector, farm enterprise, modernization, infrastructure, small business, private household.

In the article the author analyses the legal bases of reforms in agricultural sector of Uzbekistan directed to modernization and formation of market relations in this sphere.

Ключевые слова: индустриальное государство, рыночная экономика, правовые нормы, командно - административный режим, экономические реформы, аграрные реформы, разгосударствление, приватизация, потребительские права, предприниматель, виды собственности, частная собственность, собственник, агропромышленный комплекс, фермерское хозяйство, модернизация, инфраструктура, малый бизнес, личное хозяйство.

В статье анализируются правовые основы реформ в аграрном секторе Узбекистана, направленных на модернизацию и формирование рыночных отношений в этой сфере.

Н. Хушвақтова*

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ ФИКРЛАР

Ҳозир мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ва уларнинг муҳофаза этилишини кафолатлаш, ўз олдимизга қўйган фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди» деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов 2014 йил 20 январь куни Вазирлар Маҳкамасида 2013 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида тўхталар экан, 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ва тизимли амалга ошириш натижасида ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанатлилиқни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланганлигини таъкидлаб ўтди¹.

Бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифалардан бири иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этиш, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш

орқали фуқароларнинг мулкый ҳуқуқларини нисбатан қонунга зид тажовузлардан ҳимоя қилишдир.

Аммо бу каби мақсадларни амалга оширишга ғов бўладиган жиноятчилик турларидан энг кўп тарқалагани шахс, жамият ва давлатимизнинг мулкига таҳдид солаётган фирибгарлик жиноятлари бўлиб, уларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш давр тақозосидир.

Фирибгарликка тарихан ижтимоий қораланган қилмиш, ҳуқуқбузарлик бўлишига қарамасдан, ушбу қилмиш учун алоҳида жавобгарликнинг белгиланиши ўтган асрнинг бошларида, яъни РСФСРнинг 1922 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси билан боғлиқ.

Унинг 187-моддасида илк бор фирибгарлик жиноятига ҳуқуқий тушунча берилиб, унинг учун алоҳида жавобгарлик белгиланди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, «Фириб» сўзига – кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш, алдаш, ҳийла-найранг»² деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг моҳиятига кўра, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишдир.

Фирибгарлик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, шахснинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланадиган мулкдор бўлиш ҳуқуқига реал тажовуз қилиши;

иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда тўсқинлик қилиши;

учинчидан, ушбу турдаги жиноят содир этилишининг Республика миқёсида йилдан-

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг тингловчиси.

йилга ошиб бораётганлиги (таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши курашиш тадбирлари комплекс тарзда ташкил этилмаётганлиги, бу жараёнга маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаол жалб этилмаётганлиги оқибатида фирибгарлик жиноятлари сўнги йилларда мунтазам равишда ўсиб бормоқда);

тўртинчидан, жиноятни фош этилиш даражасининг пастлиги (маълумотларига кўра, 2013 йил давомида содир этилган фирибгарлик жиноятининг 12,7 % очилмасдан қолган. Бу эса республика бўйича ўтган йилда содир этилган ва очилмай қолган умумий жиноятларнинг 12,4 %ни ташкил этаётгани ачинарли ҳолдир);

бешинчидан, фирибгарлик жиноятлари натижасида етказилаётган зарарнинг нисбатан кўплиги. 2013 йил давомида содир этилган фирибгарлик жиноятларида кўп миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Фирибгарлик жиноятига қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, бугуни кунда мамлакатимизда содир этилаётган умумий жиноятчиликнинг 76%ини иқтисодий соҳадаги жиноятлар ташкил этиб, улар ичида фирибгарлик жиноятининг салмоғи юқориликча қолмоқда.

Собиқ иттифоқнинг тугатилиши, эски тузумнинг емирилиши, янги сиёсий ва иқтисодий тизимга ўтилиши, мулкнинг хусусийлаштирилиши фирибгарларнинг хусусий мулкка бўлган қизиқишини янада оширди. Фирибгарлик жиноятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у йилдан-йилга такомиллашиб янги усулларда амалга оширилмоқда. Фирибгарлар нафақат фуқаролар, балки тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, банк соҳаларига ҳам таҳдид қилмоқдалар. Технологияларнинг ривожланиши натижасида кўплаб шартномларнинг интернет тармоқлари орқали амалга оширилиши натижасида интернетда ҳам фирибгарликни вужудга келтирди. Бунинг натижасида жуда кўп миқдорда зарар келтиришмоқда. 2012 йилга нисбатан 2013 йилда фирибгарлик жинояти 4.24%га ошган бўлса, сўнги 5 йил ичида яъни 2008 йил ва 2013 йилдаги фирибгарлик жиноятининг содир этилиш кўрсатки-

чини олсак, жиноят 66%га ўсганлигини кўриш мумкин. 2013 йилда содир этилган фирибгарликнинг 11.8% жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш билан содир этилган. Бундан ташқари фирибгарликнинг рецидив шакли ошиб кетганлигини алоҳида таъкидлаш зарур³.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, фирибгарлик жиноятига қарши курашнинг илмий ва амалий муаммоларини ҳал қилиш шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш кафолати десак муболаға бўлмайди. Фирибгарлик жинояти содир этилиш услубига кўра ўта мураккабдир, зеро уни содир этиш кўп ҳолларда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб амалга оширилади, бунда ҳар бир шахснинг вазифалари тақсимланади. Жиноят ташкилотчилари ва бажарувчилари психологик билимларни мукамал ўзлаштирадilar, хатто уларнинг кўплари ҳуқуқий билимларни ҳам эгаллаган бўладilar. Айнан шунинг учун ҳам фирибгарликнинг ўз вақтида фош қилиниши жиноятчиларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши учун жуда муҳимдир.

Фирибгарлик жиноятининг объекти ўзганинг мулкки ёки мулкки ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг предмети: мулк, мулкка бўлган ҳуқуқ, мулкка бўлган алоҳида ваколатлар ҳисобланади.

Объектив томондан эса, фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулккини ёки ўзганинг мулкки ҳуқуқини эгаллашдан иборат. Бунда, алдаш – айбдор томондан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янглиштиришга қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатидир.

Фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор томондан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш тушунилиши лозим.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд орқали жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли

расо жисмоний шахс томонидан амалга оширилади.

Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан бошлаб, ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан тугалланган деб ҳисобланади.

Аммо, фирибгарлик жиноятини бошқа иқтисодийёт соҳасидаги жиноятлардан ажратиш зарур. Жумладан унинг Жиноят кодексининг 165-моддасида кўрсатиб ўтилган товламачилик жиноятдан фарқи шундаки, объектив томон ҳаракатларида айбдор товламачиликда жабрланувчининг эркини синдиради ва мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни беришга мажбур қилса, фирибгар эса алдаш йўли орқали жабрланувчини янглиштиради.

Бу жиноятчиликнинг талончилик жиноятидан фарқи шундаки, талончиликда мулк шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ихтиёрига зид, ғайриқонуний равишда эгалланса, фирибгарлик жиноятида жабрланувчи ўзи билмаган ҳолда алдов орқали мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни айбдорга ўзи топшириб қўяди.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятида мансаб вазибалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топшириқ муносабати билан ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг эгаллигида бўлган мулкка нисбатан уни талон-тарож қилиш қасди мулкни эгаллагач пайдо бўлади. Фирибгарлик жиноятида эса олдиндан мулкни ғайриқонуний равишда эгаллаш учун шартнома тузилади.

Ўғрилиқ жинояти билан фирибгарликни фарқлар эканми, ўғрилиқ жиноятида мулк яширин равишда эгалланса, фирибгарликда айбдор томонидан янглиштириш ёки алдаш орқали жабрланувчи ўзи мулкни беради. Аммо шуни унутмаслик лозимки, айбдор томонидан била туриб, ақли норасо ёки воқеликнинг моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган шахсга нисбатан алдаш ёки ишончни

суиистеъмол қилиш йўли билан мулк ёки мулкка нисбатан ҳуқуқ қўлга киритилса, ушбу қилмиш фирибгарлик эмас, балки ўғрилиқ деб квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 170-моддаси алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш жинояти объектив томони ҳам алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилишда ифодаланади. Уларнинг фарқи шундаки, фирибгарлик жиноятида айбдор мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ғайриқонуний равишда қўлга киритади. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказишда эса мулк қўлга киритилмайди, бунда айбдор томонидан тўланиши лозим бўлган миқдор тўланмайди.

Сохта тадбиркорлик жинояти фирибгарликдан фарқли равишда уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, қарз, кредит олиш, фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш ёки бошқа мулккий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва тадбиркорлик ташкилотларини тузишда ифодаланади. Агар бу ташкилотлар айбдор фойдасига ғайриқонуний мол-мулкни эгаллаш, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мол-мулкни тортиб олиш ҳаракатларини амалга ошириш учун тузилган бўлса фирибгарлик деб баҳоланади.

Фирибгарлик йўли билан корхона, муассаса, ташкилот мулки талон-тарож қилинган бўлса, мулк суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробаридан ошса, Жиноят кодексининг 168-моддаси, акс ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси асосида квалификация қилиниши лозим.

Ушбу жиноятларни бир-биридан фарқлаш ўта муҳим ҳисобланади. Зеро, Жиноят кодексига белгилаб ўтилган принципларга асосан, қилмишида жиноят таркиби аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Жиноят сосир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Озодликдан маҳрум этиш жазоси – барча ижтимоий касалликларга даво бўлувчи восита

эмас, балки айрим ҳолларда у даволашдан кўра кўпроқ зиён етказди... оғир жазо, айниқса фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда... жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқдир»⁴. Юқоридаги фикрларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига етказилган моддаий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигини қайд этган рағбатлантирувчи норма киритилди. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилганда Россия Федерациясининг Жиноят кодекси (159-м.), Беларусь Республикаси Жиноят кодекси (209-м.), Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси

(177-м.), Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси (178-м.), Испания Жиноят кодекси (248,249,250-м.), Франция Жиноят кодекси (313-1-м.), Германия Жиноят кодекси (263 параграфи)да етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда рағбатлантирувчи норманинг қўлланилиши баён этилган. Миллий қонунчилигимизда ҳам бундай норманинг мавжуд эканлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигига яраштирув институтининг киритилиши натижасида 2013 йилда фирибгарлик жинояти бўйича қўзғатилган жиноят ишларининг 3,5% ярашув асосида тугатилган.

Шу муносабат билан, фирибгарлик жиноятига қарши кураш ва унинг олдини олиш учун фуқаролар ўртасида бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисида кўпроқ тушунтириш ишлари олиб бориш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқий онгини ошириш ва жойларда давра суҳбатлари ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали фирибгарликдан огоҳ этувчи кўрсатувлар, эшиттиришлар ҳажмини кўпайтириш лозим.

¹ <http://mt.uz/uz/kutubxona/—/1141-doklad-2014.html>

² <http://www.ziyouz.uz>

³ ИИВ Статистик маълумотлари.

⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 311.

Таянч иборалар: фирибгарлик, жиноят, иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар, жиноий жавобгарлик, жиноий-ҳуқуқий нормалар, етказилган моддий зарар, рецидив, жиноятчилик динамикаси, жиноятчиликка қарши кураш, мулк, криминализация, талон-тарож билан боғлиқ жиноятлар, ижтимоий хавфлилик, ижтимоий муносабатлар, иктисодий хавфсизлик ва барқарорлик.

Ушбу мақолада фирибгарлик жинояти, унинг жиноят қонунчилигига криминализация килиниши тарихи ёритилган. Бугунги кундаги ва сўнги беш йилликдаги фирибгарлик жиноятининг аҳволи таҳлил килинган. Иктисодиёт соҳасидаги бошқа жиноий-ҳуқуқий нормалар билан ушбу жиноят таркиби ўртасидаги фарқ тўғрисида фикр билдириб ўтилган.

Key words: crimes connected with larceny, social danger, crimes in the sphere of economy, fraud, criminal responsibility, damage to property, recidivism, crime dynamics, economic stability and security.

In the article basing on scientific literature the author gives the definition of the notion of “fraud”, considers the dynamics of the mentioned type of crime in the economy of the country for the previous five years, formulates proposals on improving the criminal legislation directed at fighting against fraudulent deeds in the sphere of economy and on strengthening the economic stability and security.

Ключевые слова: преступления, связанные с хищением, общественная опасность, преступления в сфере экономики, мошенничество, уголовная ответственность, материальный ущерб, рецидив, динамика преступности, экономическая стабильность и безопасность.

В статье на основе анализа научной литературы дается определение понятию “мошенничество” рассматриваются процессы динамики данного вида преступлений в сфере экономики страны за последние пять лет, сформулированы предложения по совершенствованию уголовного законодательства, направленные на борьбу с мошенническими деяниями в сфере экономики, а также на укрепление экономической стабильности и безопасности.